

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
“ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ” МУЗЕЙИ  
“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Наим КАРИМОВ

# “КАТТА ҚИРҒИН”НИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент – 2013

УЎК : 323(575.1)

КБК: 63.3(5Ў)622-4

K25

Яқин ўтмишимизда совет империясининг халқлар устидан қанчалик зулм ва ноҳақликлар қилганини бугунги ёши катта авлод вакиллари яхши эслашади. Қўлингиздаги мазкур рисолада мустабид тузум томонидан ўтказилган қатагон ҳақида, бугунги доруломон кунлар имкониятидан фойдаланилиб, тарихий фактлар асосида ҳикоя қилинган.

Рисоладаги материаллардан Ўзбекистон тарихи, фан тарихи, манбашунослик, исломшунослик, маданият тарихи бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларда, шунингдек, олий ўқув юрталари, академик лицей ва коллежлар ҳамда ўрта таълим мактабларида ўтиладиган дарслар учун маърузалар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда, маънавият ва маърифат доирасида олиб борилаётган тарғибот ишларида фойдаланиш мумкин.

Рисола “1937–1938 йиллардаги сиёсий қатагон: “Катта қиргин”нинг келиб чиқиш сабаблари ва фожиали оқибатлари” фундаментал илмий тадқиқот доирасида тайёрланган

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р :  
тарих фанлари доктори Бахтиёр ҲАСАНОВ

Г р а н т р а ҳ б а р и :  
филология фанлари доктори Наим КАРИМОВ

ISBN 978-9943-19-274-4

©Ўзбекистон Республикаси ФА  
“Фан” нашриёти, 2013 йил

## 1 - БОБ. “КАТТА ҚИРҒИН”НИНГ ТАЙЁРЛАНИШИ

1917 йил 25 октябрь (7 ноябр)да большевиклар Россия империясида давлат тўнтариши йўли билан ҳокимиятни қўлга олинларида, улар олдида пролетар давлатини сақлаб қолишдек фавқулодда катта ва машаққатли вазифа турган. Бир томондан, чор ҳокимиятини қўллаб-қувватлаган ички кучлар, иккинчи томондан, Кавказ, Волга бўйи, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ўз мустақил давлатларини тиклаш орзуси билан яшаётган халқлар, учинчи томондан, большевиклар давлатини мурғаклик пайтидаёқ буғиб ташлашга тайёр турган Антанта давлатлари ўзаро бирлашганлари ёки бир пайтда ҳаракат қилганларида, большевиклар давлатини сақлаб қолиш амри маҳол эди. Шунинг учун Ленин давлат тўнтаришининг дастлабки кунларидаёқ Россия тасарруфидаги халқларга ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқини берувчи тарихий Декларацияга имзо чекади. Лекин Россия тасарруфидаги халқларга (қоғозда бўлса-да!) бу ва бошқа имтиёзларнинг берилиши билан ёш Совет давлатини сақлаб қолиш ғоят қийин эди. Шунинг учун 1917 йил 27 октябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси (ЦИК) ва Халқ Комиссарлари Совети (СНК) нинг бош оператив органи – Ҳарбий Инқилобий Қўмита (ВРК) ташкил этилади. Аммо большевиклар билан муроса қилишни ис-тамаган кучлар янги ҳукуматни ағдариб ташлаш мақсадида турли тадбирларни амалга оширадilar. Бунга жавобан Халқ Комиссарлари Совети 1917 йил 24 ноябрда Ишчи ва деҳқонлар ҳарбий трибуналини тузиш тўғрисида декрет қабул қилиб, трибуналга катта ваколат беради. 1917 йил 7 декабрда эса Халқ Комиссарлари Совети Ф.Э.Дзержинский раҳбарлигида аксилинқилобчилик ва ишташлашликка қарши кураш бўйича Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК)ни ташкил этиш тўғрисида қарор чиқаради. ВЧК гарчанд дастлаб аксилинқилобчилик ва ишташлаш сингари ҳаракатларга йўл қўймаслик ва шундай ҳаракатларда қатнашган кишиларни жазолаш мақсадида тузилган бўлса ҳам, кўп ўтмай, Совет давлатининг қудратли жазо органига айланади.

### 1.1. ВЧК, ГПУ ва ОГПУ органларининг вужудга келиши ва Совет давлати қатагон машинасининг шаклланиши

Совет давлат аппаратининг такомиллашуви билан ВРК зим-масига юкланган вазифалар турли халқ комиссарликларига олиб берилди ва ВРКнинг асосий вазифаси аксилинқилобчилик ва ишташлаларга қарши курашгина бўлиб қолди. Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси 1917 йил 1 декабрда ВРКни қайта қуриш масаласини кўриб, ВРК заминида Аксилинқилобчилик билан кураш бўлимини тузади. 5 декабрда мазкур бўлим тарқатиб юборилади. СНК мамлакатдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, аксилинқилобчилик ва ишташлаларга қарши курашадиган ва зарур ҳолларда энг шиддатли инқилобий чоралар кўрадиган махсус комиссияни тузиш ҳақида қарор қабул қилади. Дзержинский раҳбарлигида тузилган бу комиссия (ВЧК)га ҳибсга олиш, тинтув ўтказиш ҳамда аксилинқилобчи ва ишташлаловчиларга қарши барча зарур чораларни кўриш ваколати берилади. Дастлаб ахборот (1), ташкилий (2) ҳамда аксилинқилобчилик ва ишташлаларга қарши кураш (3) бўлимларидан иборат бўлган ВЧК тузилмаси мунтазам равишда ўзгариб боради ва Совет давлати пойтахти Москвага кўчиб келганидан кейин, 1918 йил охири – 1919 йил бошларида ВЧК қошида қуйидаги тузилмалар ташкил этилади: махфий-тезкор (1), тергов (2), транспорт (3), ҳарбий (махсус) (4), тезкор (5) ва инструкторлик (6) бўлимлари, шунингдек, ахборот бюроси (7) ва назорат-тафтиш коллегияси (8). 1918 йил бошларида ташқи сиёсий вазиятнинг кескинлашиши ва аксилинқилобий кучларнинг фаоллашуви билан ВЧК маҳаллий Советларга мурожаат этиб, зудлик билан туман фавқулодда комиссиялари (ЧК)ни тузишни сўрайди. Айни пайтда шундай комиссиялар армия ва транспортда ҳам тузилади. Шу тарзда совет мамлакати ЧК органлари ва ходимларнинг доимий назорати остида яшай бошлайди.

Россияда чоп этилган сиёсий адабиётда берилган маълумотларга қараганда, 1920 йил июлида Россия губернялари қошидаги ЧКларда 3 минг 679 ходим бўлган бўлса, 1921 йил бошларида улар сони 39 минг 762 ходимга кўпайган<sup>1</sup>. Афсуски, шу йилларда Туркистондаги ЧК ходимларининг сони қанча бўлганини

<sup>1</sup> Қаранг: *Мозохин Олег. ВЧК-ОГПУ. –М.: Яуза – Экспо, 2004. –С. 47.*

ҳақида бирор маълумот йўқ. Лекин тахмин қилиш мумкинки, агар Россияда чекистлар сони бир йил ичида 8 марта кўпайган бўлса, "босмачилик ҳаракати" авж олган Туркистонда улар сонининг кўпайиш даражаси бундан бир неча марта баланд бўлган.

Шу йилларда Туркистон Фавқулодда комиссияси (ТуркЧК) олдида турган асосий вазифа Туркистон Мухторият ҳукуматини тор-мор қилиб, Фарғона водийсининг "қон ва ўлим" водийсига айлантирилиши муносабати билан бошланган "босмачилик ҳаракати"ни тугатиш эди. ТуркЧК ходимлари назарида, большевиклар ва қизил аскарларнинг хунрезликларига қарши бош кўтарган "босмачилар" ва уларга хайрихоҳ кишилар Туркистондаги уюшган аксилинқилобий кучлар, деб эълон қилинди ва қизил армиянинг мунтазам қисмлари уларни қириб ташлашга киришди. Большевиклар "босмачилар"ни Совет давлати томонига ўтишга тарғиб қилган ва улар ҳаётини сақлаб қолишга ваъда берган бўлсалар-да, ўз хоҳиши билан совет томонига ўтиб, қурол-яроғларини топширган собиқ "босмачилар"ни мак-корона қириб ташладилар. Ҳатто шундай воқеалар ҳам бўлди-ки, улар "босмачилар" киёфасида қишлоқларга кириб, тинч аҳолини таладилар, аёлларни зўрлаб, қаршилиқ кўрсатганларни эса отиб ташладилар, Сўнгра ўзларининг разил қилмишларини "босмачилар"га ағдариб, уларни аҳоли ўртасида бадном қилишга уриндилар. Шундай даҳшатли воқеалар туфайли "чека", "чекист" атамалари узоқ йиллар мобайнида халқни руҳий мувозанатдан чиқариб, унинг ҳаётини заҳарлаб келди.

ВЧК аксилинқилобчилик ҳаракатлари ва иш ташлашлар кучайган бир даврда уларга қарши кураш мақсадида қисқа муддатга мўлжаллаб тузилган орган эди. Россияда Гражданлар уруши асосан тугаган 1921 йил ноябрида РКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси инқилобий қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадида ВЧКнинг суддан ташқари ваколатларини Адлия халқ комиссарлигига олиб беришни лозим топди. Сиёсий бюро 1921 йил 1 декабрда ВЧКнинг жазолаш билан боғлиқ вазифаларини камайтириш масаласини кўрди. 28 декабрда бўлиб ўтган Бугунроссия Советларининг IX съезди ВЧКни қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилиб, бу масалани қисқа фурсатда ҳал қилишни Бугунроссия МИҚ Президиумига топширди. 1922 йил 6 февралда мазкур давлат органи "Бугунроссия Фавқулодда Комиссиясини

тугатиш ҳамда тинтув, ушлаш ва ҳибсга олишнинг қоидалари тўғрисида”ги декретни қабул қилади. ВЧК ва унинг маҳаллий органлари тугатилиб, улар зиммасидаги, шунингдек, РСФСР НКВДси тўғрисидаги Низомнинг 1-бандида кўзда тутилган қуйидаги вазифалар Ички ишлар халқ комиссарлигига олиб берилади:

а) аксилинқилобий чиқишлар, шу жумладан, бандитизмни тугатиш;

б) муҳофаза чораларини кўриш ва жосусликка қарши кураш;

в) темир йўл ва сув йўлларини кўриқлаш;

г) РСФСР чегараларини сиёсий муҳофаза қилиш;

д) контрабандага ва тегишли рухсатномаларсиз республика чегараларини ўтишга қарши кураш;

е) Бутунроссия МИК ва ХКС Президиумининг инқилобий тартибни сақлаш бўйича махсус топшириқларини бажариш<sup>2</sup>.

Бу вазифаларни бажариш учун РСФСР НКВДси қошида Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) таъсис этилади ва унга раҳбарлик қилиш ички ишлар халқ комиссари ёки унинг ХКС тасдиқлаган ўринбосарига юкланади. ГПУ қошида махсус қўшинлар тузилиб, улар сони Меҳнат ва Мудофаа Совети томонидан белгиланади.

ВЧК тугатилиб, ГПУ ташкил этилиши билан Бутунроссия МИК “Давлат сиёсий бошқармаси тўғрисида низом”, “Давсиёсийбошқарманинг (тинчлик шароитида) махсус бўлимлари тўғрисида низом”, “Давсиёсийбошқарманинг Транспорт бўлими тўғрисида низом” сингари бир неча низомларни тасдиқлайди. Мазкур низомларга кўра, ГПУ раиси қошидаги Коллегия ГПУнинг олий органи ҳисобланади. 1922 йил охирида коллегиянинг қуйидагилар таркиби тасдиқланади: ички ишлар халқ комиссари ва ГПУ раиси Ф.Э.Дзержинский; раис ўринбосари И.С.Уншлихт; Махфий-тезкор бошқарма бошлиғи В.Р.Менжинский; Махсус бўлим бошлиғи Г.Г.Ягода; Шарқий бўлим бошлиғи Я.Х.Петерс; Махсус бўлим бошлиғи Г.И.Бокий; ГПУ Петроград губбўлими бошлиғи, С.А.Мессинг, ГПУ Москва губбўлими бошлиғи Ф.Д.Медведь.

Ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун ГПУга қуйидаги воситалардан фойдаланиш имкони берилади:

<sup>2</sup> Қаранг: ўша манба. –Б. 50.

д) сиёсат соҳасида бўлганидек, иқтисод соҳасида ҳам оқсилинқилобчиликка қарши кураш нуқтаи назаридан давлат мажбасаларини қизиқтирувчи барча маълумотларни тўплаш ва уларга етказиш;

б) РСФСР ҳудудидаги ва чет элдаги жиноий ёки шубҳали шахслар, гуруҳлар ва ташкилотларни агентура йўли билан кузатиш;

в) РСФСР ҳудудларига хорижий ва рус граждандарининг кириши ва ундан чиқиши учун рухсатномалар бериш;

г) шубҳа туғдирган хорижий граждандарни РСФСР ҳудудларидан чиқариб юбориш;

д) мамлакат ичидаги ва четдан келган почта-телеграф ва бошқа хат-хабарларни текшириш;

е) Бутунроссия МИҚ 1922 йил 6 февраль санали Декретининг 7-моддасида белгиланган қоида ва тартибга риоя қилган ҳолда ҳибсга олиш, тунтув ўқатиш, аниқлаш, шунингдек, маълумотномаларни, иш қоғозларидан олинган маълумот ва кўчирмалар, ҳисобот ва маърузаларни йўқотиш;

ё) ГПУ қўшинлари ёрдамида қуроли аксилинқилобий ва бандитларча чиқишларни тор-мор қилиш;

ж) очилган жиноий хатти-ҳаракатлар ҳақидаги ишларни ўрганиш ва зикр этилган Декретнинг 7-моддасига риоя қилган ҳолда суд органларига эшитиш учун юбориш;

з) жиноий ишлари фош қилинган ва шубҳа уйғотган шахслар ҳамда уларнинг ишларини қайд қилиб бориш; давлат саноат корхоналари, Қизил Армиянинг қўмондонлик ва маъмурий-хўжалик таркибидаги шубҳа уйғотган маъмур ва раҳбар шахсларни қайд этиб бориш<sup>3</sup>.

Мамлакатнинг шарқий ва бошқа районларидаги мураккаб вазиятни эътиборга олиб, 1922 йил июнида, РКП(б) МҚнинг кўрсатмасига биноан, ГПУнинг Махфий-тезкор бошқармаси қошида Шарқ бўлими ташкил этилади. Бу бўлими ташкил этишдан мақсад давлат хавфсизлиги маҳаллий органларининг Закавказье, Ўрта Осиё, шунингдек, Татаристон, Бошқирдистон ва Қрим республикаларида шаклланаётган миллий тараққиёт ҳамда шароитнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда жосуслик ва аксилинқилобчиликка қарши олиб

<sup>3</sup> Қаранг: ўша манба. –Б. 53.

бораётган фаолиятларини мувофиқлаш-тириш эди. Бошқача айтганда, РКП(б) МҚ Закавказье, Ўрта Осиё, шунингдек, Татаристон, Бошқирдистон ва Қрим республикаларида яшовчи халқларнинг Совет давлатига ишончсизлик билан қараганини ва уларнинг советларга қарши аксилинқилобий кайфиятдан холи бўлмаганини яхши билган. Бинобарин, РКП(б) МҚ ГПУнинг Шарқ бўлимига шу халқларни қаттиқ назорат остига олиш вазифасини қўйган.

1922 йил 1 декабрда тасдиқланган ГПУ таркиби Маъмурий-ташкилий (1) ва Махфий-тезкор (2) бошқармаларидан иборат бўлган. В.Р.Менжинский раҳбарлигидаги иккинчи бошқарма, ўз навбатида, қуйидаги бўлимларга шахобчаланган эди:

1. Махфий бўлим (аксилшўровий партиялар, ташкилотлар, гуруҳлар, шахсларга қарши кураш бўйича).

2. Махсус бўлим (Қизил Армия ва флотда айгоқчилик-ахборот ишларини олиб бориш бўйича).

3. Аксилинқилобий бўлим (хорижий разведкалар, оқ гвардиячиларнинг ташкилотлари, хориждаги ва РСФСР ҳудудидаги аксилинқилобий партияларга қарши кураш бўйича).

4. Хорижий бўлим.

5. Шарқ бўлими (миллий ўлкалардаги аксилинқилобчиликка қарши курашни мувофиқлаштириш бўйича).

6. Транспорт бўлими (темир йўл ва сув йўлларидаги аксилинқилобчиликка қарши кураш бўйича).

7. Тезкорлик бўлими (четдан кузатиш, разведка қилиш, хибсга олиш ва ҳ.к. бўйича).

8. Ахборот бўлими.

9. Сиёсий назорат бўлими (ахборот воситаларида муҳофаза ва цензура ишлари бўйича).

10. Марказий регистратура бўлими<sup>4</sup>.

Шарқ бўлими чекистларнинг Кавказ, Туркистон, Бошқирдистон, Татаристон ва Қрим автоном республикалари, шунингдек, Хива ва Халқ совет республикаларидаги “ўзига хос Шарқ аксилинқилобчилиги ва Шарқ жосуслиги” бўйича олиб борган ишларини мувофиқлаштириши, бундан ташқари, тезкор топшириқларни Хорижий бўлимнинг Чегара орти қисми билан ҳамкорликда бажариши лозим эди. 1922 йил декабри-

<sup>4</sup> Қаранг: ўша манба. –Б. 58–64.



да мазкур бўлим қошида Яқин Шарқ ва Кавказ (бошлиғи В.А.Стирне), Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ (бошлиғи Ф.И.Эйхмас) ҳамда Узоқ Шарқ (бошлиғи М.М.Казас) деган учта қисм ташкил этилади.

Советларнинг 1922 йил 30 декабрда бўлиб ўтган I Бутуниттифоқ съездида "СССРнинг ташкил этилиши ҳақида Шартнома" қабул қилинган. Шу шартномага кўра, СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси (ОГПУ)ни таъсис этилиши лозим эди. Шартноманинг тегишли моддасини бажариш мақсадида 1923 йил 30 августда А.Г.Белобородов ички ишлар халқ комиссари этиб тайинланади, Ф.Э.Дзержинский эса фақат ГПУ райси бўлиб қолади. Шу йилнинг 18 сентябрида у ОГПУ райси, В.М.Менжинский ва Г.Г.Ягода унинг ўринбосарлари этиб белгиланади. Ягода аynи пайтда Махфий-тезкор бошқарма бошлигининг ўринбосари ва Махфий бўлим бошлиғи лавозимларини ҳам эгаллайди.

ОГПУнинг асосий вазифаси иттифоқдош республикалардаги ГПУ органлари ва улар ихтиёридаги махсус бўлимларга раҳбарлик қилиш бўлиб, у ўз вазифаларини бажариш жараёнида тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш, ҳибсга олиш, ҳибсга олинганларни эса сўроқ қилиш ва дастлабки терговни олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган.

ВЧК-ГПУ-ОГПУ ташкилотчиларидан бири Дзержинский 1926 йил 20 июлда вафот этади ва ўша йилнинг 30 июлида Менжинский ОГПУ райси этиб тайинланади. Орадан бир йил ўтгач, 1927 йил 30 июлда у раҳбарлик қилган Махфий-тезкор бошқармага Ягода ўриндошлик асосида бошлиқ этиб тайинланади. 1929 йил 27 октябрда ОГПУ райси ўринбосарлари таркибида ўзгаришлар рўй бериб, Ягода Махфий-тезкор бошқарма бошлиғи лавозимидан бўшаган ҳолда ОГПУ райсининг биринчи ўринбосари ва ОГПУнинг Ленинград ҳарбий округидаги ваколатли вакили этиб тайинланади. 1929 йил 1 декабрда ОГПУнинг марказий аппаратида янги бўлимлар очилади ва аксар бўлимларга янги бошлиқлар раҳбарлик қила бошлайди. Жумладан, Т.М.Дьяков Шарқ бўлими бошлиғи лавозимини эгаллайди.

ОГПУнинг янгиланган марказий аппарати қуйидаги бошқарма ва бўлимлардан ташкил топган:

1. Махфий-тезкор бошқарма: а) Махфий бўлим;

б) Аксилинқилобий бўлим; в) Махсус бўлим; г) Ахборот бўлими ва сиёсий назорат; д) Тезкор бўлим; е) Шарқ бўлими; ё) Марказий регистратура бўлими.

2. Чегараниқўриқлаш ва ОГПУ қўшинлари Бош бошқармаси.

3. Иқтисодий бошқарма.

4. а) ОГПУнинг Махсус бўлими; б) ОГПУнинг Хорижий бўлими; в) ОГПУнинг Транспорт бўлими.

5. Маъмурий-ташкилий бошқарма: а) Ташкилий бўлим; б) Маъмурий бўлим; в) Хўжалик бўлими; г) Алоқа хизмати бўлими; д) Қамоқхоналар бўлими.

Шунингдек, ОГПУ раиси ҳузуридаги махсус вакил, ОГПУ Коллегияси қошидаги Махсус инспекция, ОГПУнинг Марказий шифрлаш бюроси, ОГПУ Коллегияси қошидаги Махсус бўлинма, ОГПУ коллегияси қошидаги Махсус вакил.

1930 йил 25 апрелда ОГПУда Меҳнат-тузатув лагерлари бошқармаси ташкил этилади.

1930 йил сентябрида ВКП(б) МҚ совет мамлакатининг барча ҳудудларида катта ваколатларга эга бўлган, бирор муассасага бўйсунмаган кучли ва тезкор жазо органига эга бўлиш мақсадида ОГПУ тузилмасини қайта кўриб чиқади. ОГПУнинг Махфий-тезкор бошқармасига қарашли Махсус, Аксилинқилобий ва Шарқ бўлимлари бирлаштирилади ва бу бирлашма ОГПУнинг Махсус бўлими номини олади. 1931 йил мартда эса Махфий ва Ахборот бўлимлари ОГПУнинг ягона Махфий-сиёсий бўлимига айлантирилади. ОГПУнинг Хорижий бўлимига – ҳибсга олиш, мустақил тергов қилиш, Хорижий бўлимда олиб борилаётган ишлар учун бошқа бўлимлардан тезкор ёрдамни талаб қилиш ҳуқуқи берилади.

ВКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг 1930 йил 5 декабрдаги қарорига кўра, иттифоқ ва автоном республикалардаги Ички ишлар халқ комиссарлиги тугатилгач, милиция ва жиний қидирув ишларига раҳбарлик қилиш вазифаси ОГПУ раҳбариятига топширилади.

1931 йилда СССРда янги ҳудудий-маъмурий бирлик – туман (район)ларнинг жорий этилиши билан ҳар бир туман ва вилоят ихтиёридаги шаҳарда ОГПУ бўлинмалари ва тезкор сектор (шўъба)лари ташкил этилади.

**Совет давлати шу тарзда ўзининг жазо органини йилдан-йилга кучайтириб, унга ҳаддан зиёд катта ваколатлар бериб, яқин орада бошланажак "тозалаш" компанияларига жиддий тайёргарлик кўра бошлайди.**

1934 йилга қадар ОГПУ тизими ва раҳбариятида бир қанча узғаришлар бўлиб ўтади. ВКП(б)нинг 1934 йил 26 январь – 10 февраль кунларида ўтказилган XVII съездида биринчи марта ОГПУ раҳбарлари (ОГПУ раиси ўринбосарлари Г.Г.Ягода билан В.А.Баллицкий) ВКП(б) МҚга аъзо этиб сайланадилар.

1934 йил 20 февралда Сиёсий бюро (Сталиннинг тавсияси билан) ОГПУни ўз ичига олган СССР НКВДсини таъсис этиш масаласини муҳокама қилади. Орадан ярим йил ўтгач, 1934 йил 10 июлда Сиёсий бюро СССР НКВД ва Махсус кенгашни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу қарор СССР МИҚ томонидан маъқулланиб, кучга киради.

## **1.2. ВЧК-ГПУ-ОГПУнинг Туркистондаги фаолияти**

1917–1934 йилларда ВЧК-ГПУ-ОГПУ органларининг Туркистондаги фаолияти тўғрисида етарли маълумот мавжуд эмас. Р.Орипов ва И.Мильштейннинг Ўзбекистондаги давлат хавфсизлиги органлари тарихига бағишланган китоб ва мақолаларида берилган маълумотлар эса совет мафкураси талаблари асосида талқин қилинган. Шунинг учун ҳам ушбу муаллифлар асарлари ВЧК-ГПУ-ОГПУ органларининг Туркистондаги фаолияти тўғрисида аниқ ва тўла тасаввур бериш имкониятига эга эмас.

Аммо шу нарса ни алоҳида қайд этиш зарурки, мазкур органларнинг Туркистонда олиб борган фаолияти аксар ҳолда ўзбек халқига қарши қаратилган фаолият бўлиб, унга ижобий муносабатда бўлиш асло мумкин эмас. Зеро, ўзбек халқи 1917 йил Февраль инқилобидан кейин, ўзининг миллий мустақил давлатчилигини тиклаш йўлида фаолият олиб борган ёки шундай фаолиятни олиб бормоқчи бўлган. Ўзбек халқи вакилларининг шу йўлдаги уринишлари, хатти-ҳаракатлари, шубҳасиз, Совет давлати ва унинг жазо органлари томонидан аксилинқилобий ҳаракат сифатида баҳоланган ва шу ҳаракатларда иштирок этган, ҳатто иштирок этмаган кишилар ҳам шафқатсиз равишда жазоланган-

лар. Фақат шу органларгина эмас, балки улар билан яқин алоқада бўлган қизил армиянинг Туркистонда жойлашган қисмлари ҳам маҳаллий халқни талаш ва қийнаш билан шуғулланган.

“Улуғ Туркистон” газетасининг 1918 йил 30 май сонидан қизил армия қисмларининг Қўқонда қилган қилмишларидан бири “Хўқандда бўлгон воқеа” деган мақолада бундай баён қилинган: “Кўпдан тугул Хўқандда арман дружинаси ва қизил армия ила мусулмонлар орасинди кўнгилсиз воқеа бўлгонлигини ёзгон эдик. Бу хусусда марказ Туркистон ҳукумати доқлад берув учун Хўқанд Ишчи ва деҳқонлари комитетидан Тошқандга икки вакил (Акбархўжа Исломов ила Вершинин исминда бир рус) келди. Бунларнинг доқладларина кўра шулай бўлгон: Қизил армияда бўлгон бир-икки кишининг қутқуси ила қизил армия кишилари Хўқанд яқинида бўлгон Янги қўрғон қишлоғина боруб, деҳқонлардан буғдой олгонлар. Оқча бермаганлар. Қишлоқ халқи қизубоқча ва ёхуд “талон” талаб қила бошлағоч, бунлар Хўқандда қайтуб: “Бизим Эргаш кишилари тутуб ултраёздилар, ҳозир бунлар шаҳарга хужум қилурга ҳозирланалар экан”, деб хабар берганлар. Шундан сўнг 50 қадар армани ила 60 қизил армия аскарлари пулемёт ва қурооллар ила чигуб, Эргаш ўтирғон Бақчир ила Янги қўрғон қишлоқларини тафтиш қилғонлар. Бик кўб кишиларни талаб, отсизли отқа отлануб, отлиси арба чекуб, ҳар хил мол туя била бойиб қайтқонлар. Мусулмонлардан 12 киши ўлтирилган ва бир неча қизининг ифатина тўқинулган. Ўлган ва яраланганларнинг кўбиси Хўқанд советинда бўлгонлиқдан дарҳол Хўқанд исполнительный комитети йиғилуб, бу масалани музоқара қилғон. Арманилар ила қизил армиянинг ҳаракатини тевишсиз топқон натижасинда Тошқандга икки вакил юборилган. Англашувина кўра, бу воқеадан сўнг Хўқанд қизил армияси армани дружинасина инобатсизлик билдируб, ҳар икисини тарқатурга тевишлик зоҳир бўлгон”.

Кўрамикки, ТуркЧКга ёрдам бериши лозим бўлган қизил армиянинг 60 нафар аскарлари 50 нафар арман дашноқлари билан қўшилган ҳолда, худди Туркистон Мухторият ҳукуматининг тугатилишида бўлганидек, Қўқон аҳолисига нисбатан зулм ва зўравонлик ўтказган. Улар маҳаллий аҳолидан 12 кишини ўлдириб, бир неча қизни зўрлашган, бундан ташқари, қўқонликларнинг от-аравалари, мол-мулкларини тортиб олишган ва шундай ра-

зиллик билан қаноатланиб қолмай, яна мазлум аҳолига нисбатан тўхмат тошларини отишган.

Бундай даҳшатли воқеаларга лоқайдлик билан қараш ночорлик белгиси бўлиб, маҳаллий аҳолида миллий гурур тўйғусининг ўша вақтларда унчалик кучли бўлмаганидан дарак беради. Халқнинг шундай воқеалар билан мураса қила олмайдиган фарзандлари бу пайтда қўлларига қурол олиб, адолатсизликка қарши курашмай иложлари йўқ эди. Аммо Совет давлатининг Туркистондаги вакиллари уларни "босмачилар" деб атаган ва жазо органлари қишлоқма-қишлоқ юриб, "босмачилар"ни қириш билан шуғулланган. ВЧК-ГПУ-ОГПУ органларининг Туркистонда олиб борган асосий ишлари асосан шундан иборат бўлган.

Туркистон Мухторияти зўравонлик билан тугатилиб, Фаргона водийси қонга ботирилгандан кейин ҳам мустақиллик учун кураш давом этди. Истиқлолсевар кишиларнинг баъзилари нажот излаб, қўлларини Ғарбга, Антанта давлатларига узатган бўлсалар, бошқалари Япониядан мадад олмоқчи бўлди.

Р.Олимов ва Й.Мильштейннинг "Инқилобнинг қилич ва қалқони" деган тарихий очеркларида ёзилишича, ТуркЧК ходимларидан бири Ҳамид Расулқориев берган маълумотга қараганда, "Миллий иттиҳод" ташкилотининг Авлиёота бўлими раҳбари уни ўз тарафига ағдармоқчи бўлган. ЧК раҳбарияти шу хабарни олиши биланоқ Расулқориевга мазкур ташкилот ичига суқилиб кириш, унинг мақсад ва вазифалари ҳамда барча иштирокчиларини аниқлаш вазифасини топширган.

"1921 йилнинг 9 мартдан 10-сига ўтар кечаси, – деб ёзади муаллифлар, – "Миллий иттиҳод" комитетининг йиғилиши бўлиб ўтади, йиғилишда Англия ва Япония ҳукуматларига ёрдам сўраб мурожаат қилишга қарор қилинади.

Садриддинхўжа Шарифхўжаев ташкилотнинг раҳбари сифатида Ғулжадаги инглиз ва япон консулларига иккита хат ёзди. Бу хатларни Каримов ва Қурбонов эгаларига етказиб бериши керак эди. Хатда Туркистондаги ҳолатнинг тавсифномаси билан бирга инглиз ва япон ҳукуматларидан Совет ҳокимиятига қарши курашда босмачилар бандасини қурол-яроғ, пул ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш йўли билан ёрдам кўрсатиш сўралган эди"<sup>5</sup>.

<sup>5</sup> Муаллифлар шу сўزلардан сўнг, қуйидаги иқтибосни китобхонларга ҳавола

15 мартда Расулқориев Тошкентдан Ғулжага кетаётган “Миллий иттиҳод” комитети икки аъзосининг Авлиёотага келганидан дарак топади. Ўн етти яшар чекист шу ҳақда ЧК раҳбариятига хабар бермай, мустақил ҳаракат қилмоқчи ва шаҳарга кириб келишлари билан уларни ҳибсга олмақчи бўлади. Тинтув пайтида улардан “Миллий иттиҳод” комитетининг советларга қарши фаолиятини фoш этувчи ҳар икки хат топилади”<sup>6</sup>.

Бугун, “аксилнқилобчи” ва “инқилобчи” ёки “аксилнқилобчи” ва “ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД ходими” тушунчаларига муносабат кескин ўзгарган ва яқин-яқингача қораланиб келган “аксилнқилобчилар”, “халқ душманлари” оқланиб ва эъзозланиб, улар гарданидаги лаънат тамгалари олиб ташланган бир замонда ўтган асрнинг 20–30-йилларидаги ВЧК-ГПУ-ОГПУ ходимларига маломат тошларини отиш, балки, нотўғридир. Аммо шунга қарамай, уларнинг бегуноҳ кишилар олдидаги, Ватан ва халқ олдидаги гуноҳлари шу қадар каттаки, уларни кечириш ҳам асло мумкин эмас.

20-йилларда Туркистондаги “босмачилар”га қарши курашда, кейинчалик генерал-лейтенант даражасига кўтарилган А.И.Тодорский ҳам иштирок этган. 1894 йилда Тверь губернясида туғилган бу шахс ҳақида бундай маълумот мавжуд: “1923 (йилнинг) май-нояб. (ойлар)ида Фарғона вилоятидаги қўшинларга қўмондонлик қилган. 1923 окт. – 1924 янв.да Туркистон фронти қўмондони ёрдамчиси. 1924 апр. – майида 13-ўқчи корпуси қўмондони. Босмачилар ва уларга ён босганларга қарши жазо экспедицияларининг ташкилотчиси (бу районларда аҳоли Совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қаттиқ қаршилик кўрсатган)”<sup>7</sup>.

Ҳарбий-сиёсий адабиёт ва тарихий-инқилобий фильмларда улуғланиб келган Тодорский Совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қаршилик кўрсатган аҳолига (айрим кишилар ёки “босмачилар”га

---

қилишган: “Босмачиликнинг ғоявий илҳомчилари аксилнқилобий фаолиятини таъкидлаб, М.В.Фрунзе бундай ёзган эди: “Улар маҳаллий аҳолидан таянч топа олмаганларидан кейин уни хориждан, инглиз, афгон тилласи ва қуроляроғларидан ахтарилган” (М.В. Фрунзе. Избранные произведения. М., 1950, стр. 102). Қолбуки, истиқлолсевар кучлар маҳаллий аҳолининг орзу-истакларини амалга ошириш учун курашга отланган ва шу мақсадда хорижий давлатлардан қуроляроғ ва шунга ухшаш нарсаларни олишга умид боғлаган эдилар.

<sup>6</sup> Чекисты. – Тошкент: Узбекистан, 1978. – С. 19.

<sup>7</sup> Қаранг: *Мясин Леонид*. КГБ. Председатели органов безопасности. Рассекреченные судьбы. - М.: Центрполиграф, 2001. - С. 441.

эмас!) қарши уюштирилган жазо экспедицияларининг раҳбари бўлган ва улар яшаган районларни қонга ботирган.

Собиқ чекист, кейинчалик тарихчи ва ёзувчи А.А.Станишевскийнинг 1958 йили Боту иши бўйича берган кўрсатмасидан маълум бўлишича, Обид Саидов жасадини ёриб, унинг заҳарланган ё заҳарланмаганини аниқлаш чоғида ОГПУ Шарқ бўлими ходими, врач Қосимхон Зокирович Муҳамедов иштирок этган (Агар Боту ишини олиб борган Муҳаммад Агидуллиннинг Муҳамедовга почча бўлганини эътиборга олсак, Шарқ бўлими ходими унинг топшириғи билан паталог-анатомга тазйиқ ўтказган ва Саидовнинг заҳарлангани "факти"ни тасдиқлашиб олган бўлиши мумкин).

Яна шу манбанинг айтишича, Боту ишини олиб борган Муҳаммад Агидуллин (инқилобга қадар фамилияси Келдишев) чор армиясининг поручиғи бўлган. "Агидуллин, – деган эди у, – камгап ва айни пайтда қатъий ҳаракат қилувчи киши эди; у ҳеч қачон виждонига қарши бормаган ва ҳар доим ички эътиқоди бўйича ҳаракат қилган. Агидуллин ашаддий душманларга қандай муносабатда бўлган бўлса, миллатчиларга ҳам шундай муносабатда бўлган – унинг табиатида ўзига хос фанатизмга бориб тақалувчи кучли ирода бўлган".

Агар миллатпарвар ўзбек зиёлилари Агидуллинларнинг кўзига миллатчи бўлиб кўринган бўлсалар, уларнинг тергов чоғида Боту ва унинг тақдирдошларига нисбатан қандай муносабатда бўлганини тасаввур этиш қийин эмас.

1929–1930 йиллардаги тергов жараёнидан яхши хабардор бўлган Қ.З.Муҳамедов 1958 йил 1 октябрда, Боту ишининг қайта кўрилиши муносабати билан кўрсатма бериб, бундай деган: "1929–1930 йилларда ОГПУда тергов ишининг олиб борилганини тавсифлар эканман, аристонларни сўроқ қилиш пайтида конвейер усули қўлланганини айтишим мумкин. Яъни ҳибсга олинганларга ухлаш имкони берилмай, 3–4 сутка давомида тинимсиз сўроқ қилинган. Баъзи бир тезкор гуруҳ ходимлари қўлларига эрк беришган, аммо ўша вақтда маҳбусларни калтаклаш, система сифатида, ҳали бўлмаган. Маҳбусларга нисбатан қўл ишлатган шахслардан бири сифатида Агидуллинни айтишим мумкин. Мен унинг бирор кимсани урганини кўрмаганман, аммо шу ҳақда менга унинг ўзи айтган".

ВЧК-ГПУ-ОГПУ ходимларининг бундай эътирофномалари уларнинг қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларни қийнаш орқасида улардан ўзларини ва бошқаларни фош этувчи материаллар олиб, қанчадан-қанча кишиларнинг умрига завола бўлганлари, қанчадан-қанча оилаларни бахтсизликка гирифтор этганларини тасдиқлайди.

Хорижий тарихчилардан бири ўзбек халқи тарихининг шу машъум даврига таҳлилий назар ташлаб, бундай хулосага келган эди:

“Миллий ҳукуматларнинг йўқ этилиши коммунизм билан бизнинг халқимиз ўртасидаги кескин курашнинг бошлови бўлди. Бир томондан, “босмачилар” деб аталган миллий қуроли кучлар билан тиш-тирноғига қуроланган қизил қўшин ўртасида, иккинчи томондан эса, коммунистик мафкура билан миллий мафкура ўртасида кураш авж олиб кетди. Совет мустамлақчилигининг ҳақиқий башараси мана шу! Икки майдонда янада очиқ кўзга ташланди. Миллий култур, миллий ғоя, миллий ва диний анъана, миллий ва диний урф-одат, миллий адабиёт ва санъат борасида мунавварларимиз билан совет ўрус империализми ўртасидаги курашни қуйидагича даврларга бўлиш мумкин:

1918–1923 йилларда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш шиори остида миллий буржуазияга қарши кураш;

1923–1928 йилларда мафкура майдонида кураш шиори остида кекса миллий зиёли табақага қарши кураш;

1929–1935 йилларда миллатчи-аксинқилобчиларга қарши кураш шиори остида барча миллий зиёлиларга қарши кураш;

1936–1940 йилларда “ежовчилик” деб аталган “тозалаш” маъракаси остида Туркистоннинг барча сиёсий, миллий, зиёли табақаларига қарши қирғин амалга оширилди”<sup>8</sup>.

Хорижий тарихчи совет қатагон сиёсати биринчи навбатда халқнинг пешқадам кишилари – зиёлиларга қаратилгани учун 1918–1940 йилларда ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД органлари томонидан амалга оширилган жазо чораларининг бутун бир халққа қаратилганини бир оз унутиб қўйган. Ҳолбуки, ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД органларининг тиги “Совет давлатининг ўрнатилишига қаттиқ қаршилик кўрсатган” ва ҳатто кўрсатмаган

<sup>8</sup> Қаранг: “Миллий Туркистон” журнали, 1962 йил, 93-сон. –Б. 21.



халққа қаратилган эдики, бу ҳақда рисоланинг кейинги бандларида баҳс юритамиз.

### 1.3. НКВДнинг ташкил этилиши ва 1937 йилгача бўлган фаолиятининг умумий йўналиши

СССР Маказий Ижроия Қўмитаси 1934 йил 10 июлда “СССР Умумиттифоқ Ички Ишлар Халқ Комиссарлигини тузиш ҳақида” қарор қабул қилди. Шу қарорга мувофиқ, СССР ОГПУси Давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси (ГУГБ)га айлантирилди ва янги ташкил этилган НКВД таркибига киритилди. Генрих Ягода СССР ички ишлар халқ комиссари этиб тасдиқланди. Янги ташкил этилган НКВД олдига асосан қуйидаги вазифалар қўйилди:

- а) жамоат тартиби ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- б) социалистик мулкни қўриқлаш;
- в) фуқароларни никоҳдан ўтказиш ва никоҳни бузиш ҳолларини қайд этиш;
- г) чегарани қўриқлаш;
- д) меҳнат-тузатув лагерларини сақлаб туриш ва қўриқлаш.

Шу вазифаларни юқори савияда ва тезкорлик билан бажариш мақсадида НКВД таркибида қуйидаги бошқарма ва бўлимлар тузилди:

- а) Давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси (ГУГБ);
- б) Чегара ва ички қўриқлаш Бош бошқармаси (ГУПиВО);
- в) Ёнгиндан сақлаш Бош бошқармаси (ГУПО);
- г) Фуқароларни никоҳдан ўтказиш ва никоҳни бузиш ҳолларини қайд этиш бўлими (ЗАГС);
- д) Маъмурий-хўжалик бошқармаси;
- е) Молия бўлими (ФИНО);
- ё) Кадрлар бўлими;
- ж) Котибият;
- з) Махсус вакиллар бўлими.

Шу вақтда НКВДнинг марказий аппарати 8211 кишидан иборат бўлган.

ГУГБ ишларига шахсан СССР ички ишлар халқ комиссари Ягода раҳбарлик қилган. ГУГБ таркибига собиқ ОГПУнинг қуйидаги асосий тезкор бўлимлари кирган:

- а) Махсус бўлим (контрразведка);
- б) Махфий-сиёсий бўлим (сиёсий рақибларга қарши кураш);
- в) Иқтисодий бўлим (диверсия ва зараркунандаликка қарши кураш);
- г) Хорижий бўлим (хориждаги разведка);
- д) Тезкор бўлим (партия ва ҳукумат раҳбарларини қўриқлаш, тингув, қамоққа олиш, четдан кузатиш);
- е) Махсус бўлим (шифрлаш ишлари, муассасалардаги махфийликни таъминлаш);
- ё) Транспорт бўлими (транспортдаги қўпоровчилик ва зараркунандаликка қарши кураш);
- ж) Ҳисоблаш-статистика бўлими (тезкор ҳисоблаш, статистика, архив);

Кейинчалик бу бўлим ва бошқармалар бир неча марта қайта тузилган ва улар номлари ўзгартирилган.

НКВД 1941 йил 3 февралда СССР НКВД ва НКГБ (Давлат хавфсизлиги халқ комиссарлиги) ажралгунига қадар унга куйидагилар раҳбарлик қилишган:

Ягода Г.Г. (10.7.1934–26.9.1936).

Ежов Н.И. (26.9.1936–25.11.1938).

Берия Л.П. (25.11.1938–3.2.1941).

НКВДнинг халқ газаб ва нафратига учраган бу раҳбарлари тўғрисида том-том китоб ва мақолалар ёзилган. Бу китоб ва мақолаларнинг барчасида улар туфайли минглаб ва миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг қириб ташланганлиги айтилиб келади. Аммо ўтган асрнинг 30–50-йилларида бўлиб ўтган сиёсий қатағонда фақат бу раҳбарларнигина қоралаш тўғри эмас. Агар шахсан Сталин ва у раҳбарлик қилган Сиёсий бюро миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг қирилиб кетишига “фатво” бермаганида, қатагон кўлами бу қадар катта бўлмаган, Совет ҳукуматининг юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган, халқнинг ҳурмат ва муҳаббатини қозонган машҳур олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар ва бошқалар омон қолган бўларди. Бинобарин, 30–50-йиллардаги оммавий қатли омнинг амалга ошишида, биринчи навбатда, Сталин, “ажал рўйхатлари”га имзо чеккан Сиёсий бюро аъзолари ва, албатта, НКВДнинг “дўшпи ол деса, каллани олиб келадиган” жаллодлари айбдордирлар. Уларнинг халқ ва давлат олдидаги жиноятлари кечириладиган жиноятлардан эмас.

Манбаларда ёзилишича, Ягода (асл исм-шарифи Гершель Гершелевич Иегуда) 1891 йилда Рибинск шаҳрида туғилган. У Я.М.Свердловнинг набираси Ида Авербахга уйланиб, шунданки давлат арбобига қариндош бўлганлиги сабабли, бирор инқилобий хизмати бўлмаса-да, 1918 йили унинг ёрдамида ВЧК органларига ишга кириб олган. У ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД органларида қайси лавозимда хизмат қилмасин, поляк ёки яҳудий мамлакатларига мансуб кишиларни ишга олиб, ўз мавқеини мустаҳкамлашга уринган ва ўз мақсади йўлида ҳар қандай ифлос амаллардан қайтмаган. У ишонган кишилардан бири Майрановский бўлиб, Ягода уни ОГПУ қошидаги “кимё лабораторияси”га бошлиқ қилиб қўйган. Бу лабораторияда тез ва узоқ вақт мобайнида таъсир қилувчи токсик моддалар устида синов ишлари олиб борилган. Ягода полковник Майрановский лабораториясида тайёрланган заҳарлардан ўз рақибларига қарши курашда асталик билан фойдаланган. Берияга хос синдром – хотин-қизларга ўчлик унга ҳам бегона эмас эди. Унинг назари тушган деёлардан бири М.Горькийнинг келини Надежда Пешкова бўлиб, унинг эри – спортчи, соғлом ва навқирон Максимнинг ўлими маданий Москва учун кутилмаган воқеа бўлган. 1954 йилда қамоққа олинган Майрановский тергов пайтида бундай деган эди: “Менга бармоқлари билан кимни кўрсатишган бўлса, ўшани пуқ қилганман, яъни лабораторияда ишлаб чиқилган воситалар билан заҳарлаганман”. Ягода ва НКВДнинг бошқа раҳбарлари ва рақибларини Майрановскийларнинг қонли қўллари билан маддиришган.

Ф.Э.Дзержинский вафотидан кейин Ягода ОГПУ раисининг биринчи ўринбосари лвозимини эгаллайди. Шу вақтда Менжинский оғир касалликка чалингани учун у ОГПУ аппаратини ўз қўлига олиб, барча амалий ишларга, жумладан, 1929–1930 йилларда маҳбусларнинг қўл меҳнати билан бунёд этилган Беломор-Болтиқ канали қурилишига раҳбарлик қилади. У НКВДга раҳбарлик қилган даврда ВКП(б) МҚнинг розилигини сўймай туриб, НКВД лагерларида суд бўлимларини ташкил этади ва жиноий ишларни шу суд бўлимларида кўриб, ҳукм чиқариш тажрибасини қўллайди. У НКВДни маҳбус қуллар меҳнатига асосланган улкан саноат империясига айлантириб юборади.

1935 йил 26 ноябрда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси

ва Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан Г.Г.Ягодага “СССР давлат хавфсизлиги Генерал Комиссари” унвони берилади. “Совет Иттифоқи Маршали” ҳарбий унвонига тенг бўлган бу имтиёз Ягода қаршисида катта ҳаракат майдонини очиб юборади.

1936 йил 25 мартда Ягода ВКП(б) МҚ Сиёсий бюросига “сурғунда яшаб, фаол иш олиб бораётган барча троцкийчиларни қамоққа олиш ва олис лагерларга юбориш” ҳақида таклиф киритади. Бу таклифга кўра, сўнги партияс ҳужжатларини текшириш пайтида ВКП(б)дан ўчирилган троцкийчиларни НКВД ҳузуридаги Махсус кенгаш қарори билан 5 йил муддатга олис лагерларга юбориш лозим эди. 20 майда Сиёсий бюро Ягоданинг мазкур таклифи асосида троцкийчиларни қатагон қилиш ҳақида қарор чиқаради. СССР ички ишлар халқ комиссари Ягода ва СССР прокурори Вишинский шу қарорга асосланган ҳолда “террорга алоқадор троцкийчилар аксиинқилобий ташкилотининг 82 нафар қатнашчиси рўйхатини Сиёсий бюрога тақдим этишади.

29 июлда ВКП(б) МҚнинг “Троцкийчи-зиновьевчи аксиинқилобий блокнинг террористик фаолияти тўғрисида” ги яшин хати республика, вилоят, шаҳар ва туман партияс ташкилотларига юборилади. Хатда Кировнинг ўлимида айбланган, Сиёсий бюро аъзоларига суиқасд қилмоқчи бўлган шахсларнинг “гестапо”даги троцкийчи агентлар билан алоқада бўлганлиги айтилади.

19–24 август кунлари Москвада “Аксилшўровий троцкийчи-зиновьевчи марказ” устидан очиқ суд жараёни бўлиб ўтади. Зиновьев, Каменев, Евдокимов, Смирнов, Мрачковский ва бошқалар, жумладан, Кировни ўлдиришда, Сталин, Ворошилов, Жданов, Каганович, Оржоникидзега нисбатан суиқасд тайёрлашда айбланадилар. Суд жараёнида қораланган 16 киши олий жазога ҳукм қилинади ва ҳукм 25 августда ижро этилади. Мамлакатнинг бошқа регионларида ҳам шундай “судчалар” ўтказилиб, 160 дан зиёд киши террорчиликда айбланиб, отиб ташланади.

25 сентябрда Сочида истироҳат қилаётган Сталин ва Жданов Сиёсий бюрога куйидаги телеграммани юборадилар: “Ўр. Ежовни ички ишлар халқ комиссари лавозимида тайинлашни мутлақо зарур ва шошилиш иш деб ҳисоблаймиз. Ягода троц-

кийчи-зиновьевчи блокни фoш этишда ўз вазифасини юқори савияда бажара олмади. ОГПУ бу ишда тўрт йилга орқада қолди. Партия ходимлари ва НКВДнинг вилоятлардаги аксар вакиллари шу ҳақда гапирмоқдалар...”

Сталин ва Ждановнинг бу сўзларига қараганда, 1937–1938 йиллардаги “Катта қирғин” бундан тўрт йил илгари, яъни 1932 йилда, яъни 1929 йилда СССРдан чиқариб юборилган Л.Д.Троцкий совет фуқаролигидан маҳрум қилинган йилиёқ бошланиши ва троцкийчи-зиновьевчи унсурлар тамомила қириб ташланиши лозим эди.

Сталин шу қирғиннинг тўрт йилга кечикканлигининг сабабини Ягоданинг “троцкийчи-зиновьевчи блокни фoш этишда ўз вазифасини юқори савияда бажара олмагани”да кўради. Унинг бу фикр-хулосасига қараганда, Ягода Сталиндан ва ВКП(б) МҚ Сиёсий бюросидан топшириқ олмай туриб ҳам, шундай катта “сиёсий операциялар”ни тайёрлаши лозим эди.

Хуллас, 26 сентябрда Ягода СССР ички ишлар халқ комиссари лавозимидан озод қилиниб, СССР алоқа халқ комиссари этиб тайинланади. Н.И.Ежов ВКП(б) МҚ котиби ва ВКП(б) МҚ қошидаги партия назорати комитети раиси лавозимларини сақлаган ҳолда СССР ички ишлар халқ комиссари этиб тасдиқланади. Тахмин қилиш мумкинки, Сталин ва у раҳбарлик қилган Сиёсий бюро Ягода ўрнига тайинланган янги СССР ички ишлар халқ комиссарига катта ваколатлар берган ва у, Ягодадан фарқли ўлароқ, “ўз вазифасини энг юқори савияда бажариш”га киришади.

29 сентябрда Сиёсий бюро ВКП(б) МҚнинг “Аксилинқилобий троцкийчи-зиновьевчи унсурларга муносабат ҳақида”ги қарорини кўриб чиқади. Қарорда бундай муҳим мафкуравий янгилик ўз ифодасини топган эди: “а) Сўнгги вақтга қадар ВКП(б) троцкийчи-зиновьевчи аблаҳларни халқаро буржуазиянинг илгор сиёсий ва ташкилий отряди деб келди. Сўнгги фактлар шундан шаҳодат берадики, бу жаноблар яна шундай тубанликка тушиб кетган эканларки, энди уларга Европадаги фашистлашган буржуазиянинг разведкачилари, жосуслари, қўпоровчилари ва заракунандалари, деб қараш лозим бўлади”; Қарор муаллифлари бундан шундай хулосага келишган: “б) шу муносабат билан яқинда қамоққа олинган ва тергов қилинаётган, шунингдек,

аввал қораланган ва сургун қилинган троцкийчи-зиновьевчи аблаҳларни қириб тугатиш лозим”.

4 октябрда Сиёсий бюро Сталин ва Ждановнинг мазкур телеграммасига жавобан Ежов ва Вишинский томонидан тайёрланган 585 кишини қамоққа олиш ҳақидаги илтимосини кўриб, розилик беради.

Шу воқеадан тўрт-беш кун аввал, 23 сентябрда Кузбассдаги “Марказий” шахтада портлаш содир бўлган эди. 19–22 ноябрда бўлиб ўтган судда қўпоров ишлари яширин троцкийчи гуруҳ томонидан “эски” мутахассислар тўдасига мансуб инженерлар билан келишган ҳолда амалга оширилгани “аниқланади”. Олий жазога ҳукм қилинган 9 айбдорнинг 6 таси отиб ташланади, 3 таси бўйича чиқарилган ҳукм жазо эса 10 йиллик қамоқ муддати билан алмаштирилади.

13 ноябрда СССР НКВД эсерлар яширин ташкилотининг очилгани ва тор-мор қилингани ҳақидаги циркулярига биноан, ҳамма жойда, шунингдек, сургундаги эсерларни қамоққа олиш бошланади.

4–7 декабрда ВКП(б) МҚнинг пленуми бўлиб ўтади. Пленумда Ежов фош этилган троцкийчи гуруҳлар, улар томонидан амалга оширилган қўпоровчилик ишлари, “троцкийчиларнинг ишлари” бўйича мингдан ортиқ кишиларнинг қамоққа олингани ҳақида ҳисобот беради. Шунингдек, тайёрланаётган суд жараёнида “қора курси”га ўтиражак Пятаков, Радек ва бошқаларнинг номларини ошкор қилади. Бухарин ва Риковга яна янги айблар қўйилганини айтиб, “аксилинқилобий ўнг марказ”нинг мавжудлигини эълон қилади.

Сталин ва у раҳбарлик қилган Сиёсий бюро 1937 йилда ишга тушажак Катта қирғиннинг ойболтасини шу тарзда қайраб, НКВД ва СССР прокуратурасидаги Ежов ва Вишинский сингари жаллодлар қўлига катта ишонч билан топширади.

## 2-БОБ. 30-ЙИЛЛАР АВВАЛИДАГИ СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ЎЎРАВОНЛИК СИЁСАТИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

### 2.1. “Тозалаш” кампанияси

1930 йилда ўтказилган бир неча суд жараёнларидан кейин СССРнинг сиёсий майдонида тинчлик мавсуми бошлангандек бўлди. Лекин 1932 йил ёзида “Марксчи-ленинчилар иттифоқи” деган ташкилотнинг фош этилиши яна сиёсий вазиятни ўзгартириб юборди. Бу ташкилот раҳбари М.Н. Рютиннинг “Сталин ва пролетар диктатурасининг бухрони” деган ҳужжатни тайёрлаб тарқатгани маълум бўлди. Шу ҳужжатда “саноатлаштиришнинг авантюристларча суръатлари” ва “авантюристларча олиб борилган жамоалаштириш” кампаниясининг ҳалокатли оқибатларига шахсан Сталиннинг жавобгар эканлиги айтилган ва уни ўз лавозимидан бўшатиш талаб қилинган эди. ОГПУ томонидан топилган бу ҳужжат умуман мухолифотнинг сиёсий платформаси, деб эълон қилинди. ВКП(б) МКга яқин шахслардан бири – Б.Николаевскийнинг гувоҳлик беришича, Сталин Рютинни қамоққа олиб, унга ўлим жазосини беришни истаган экан, аммо Сиёсий бюронинг аксар аъзолари унинг фикрига қўшилишмаган. Натижада Рютин сургун қилиниб, Зиновьев, Каменев ва бошқалар “Марксчи-ленинчи иттифоқ” аъзолари сифатида партиядан ўчирилган ва сургун қилинган. Шу воқеадан кейин бир неча ой ўтгач, Л.Седовнинг отаси Троцкийга ёзган хатидан маълум бўлишича, мухолифот кучлар ўзаро бирлаша бошлаганлар. Энг аввало ахборот алмашиш мақсадида тузилган бу блок ўнг ва сўл қанотларга ажралган мухолифотнинг таниқли вакилларида иборат бўлган.

Шундан кейин ВКП(б) МКнинг 1933 йил январь пленумида партия аъзолари ўртасида “тозалаш” кампаниясини ўтказиш масаласи кун тартибига қўйилади. Май ойида бошланган бу кампаниядан мақсад партия аъзолари ўртасида кун сайин ўсиб бораётган мухолифий кайфиятга чек қўйиш ёки уни жиловлаш эди. Беш

ойга мўлжалланган бу кампания бир ярим йил давом этади ва партия аъзоларидан 18 фойзининг ўчирилиши билан хотималанади (Ўша вақтда коммунистларнинг 15 фойзи ўз ихтиёри билан партиядан чиққан). Бу, большевиклар партиясининг сиёсий ҳаётида бухронли жараён кечаётганини англаиб турарди.

1934 йил 26 январда партиянинг XVII съезди очилади. Кейинчалик С.М. Кировнинг “енгил қўли билан” партия тарихига “ғолиблар съезди” сифатида кирган бу сиёсий анжуманда реал ҳаётга хийла яқин иқтисодий дастур қабул қилиниб, синфий кураш тўғрисида вазминлик билан баҳс юритилган, съезд делегатлари Сталин бошчилигидаги партия раҳбарияти атрофида бирлашишга ҳаракат қилишган. Аммо Сталиннинг съезддаги нутқини “микроскоп билан” ўқиган хорижий тарихчиларнинг кузатишларича, бу нутқда партия сиёсий курсининг янада кескинлажагини англагувчи оҳанглар йўқ эмас эди. Масалан, француз тадқиқотчиларидан бири Н.Верта Сталиннинг қуйидаги сўзларига эътибор қаратган: “Тўғри йўл берилгандан кейин, масаланинг тўғри ечими берилгандан кейин, – деган эди Сталин, – ишнинг муваффақият қозониши ташкилий ишга, партия йўлини ҳаётга тадбиқ этиш учун курашни ташкил этишга боғлиқ... Ташкилий иш ҳамма нарсани, шу жумладан, сиёсий йўлнинг тақдирини ҳам ҳал қилади...”<sup>9</sup>

“Бундан шу нарса келиб чиқадики, – деб ёзишган “История России. XX век” ўқув қўлланмаси муаллифлари Н.Вертанинг шу масаладаги фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда, – агар партия йўли тўғри бўлса, мавжуд муаммолар партия раҳбариятининг директивалари билан уларнинг бажарилиши ўртасидаги айирма натижасида юзага келган. Ҳолбуки, фаросатсизлик, лоқайдлик орқасида бажармаслик билан директиванинг ҳаётдан узоқлиги ёки ишташланиш, фитна орқасида бажармаслик ўртасидаги айирмани реал ҳаётда аниқлаш осон эмас. Бундан ташқари, съездда ғоят муҳим қарор қабул қилиниб, мамлакатнинг олий раҳбарияти амалда ҳеч ким томонидан назорат қилинмайдиган органга айланди: барча бўғиндаги партия-давлат органларини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ЦКК (Марказий назорат комиссияси) – РКК (Россия назорат инспекцияси) ВКП(б) МК қошидаги Партия назорати комиссиясига ва

<sup>9</sup> Қаранг: История СССР. XX век. –М.: АСТ, 2001. –С. 377.



СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Совет назорати комиссиясига, яъни МК ва ХКСни назорат қилмайдиган, балки уларга бўйсунган, марказнинг вилоятлар устидан назоратини таъминлайдиган органларга айлантирилди”<sup>10</sup>.

Бу сўзларга қўшимча тарзида айтиш лозимки, Совет давлатининг шу йиллардаги раҳбари Сталин 1934 йилда, партиянинг XVII съезидан кейин, ҳадсиз-ҳудудсиз ҳуқуқларга эга бўлди. Балки шунинг учундир у, Кировдан кейин, партиянинг шу съезиди доим “ғолиблар съезди” деб тилга олишни яхши кўрган.

Айрим сиёсатшунос ва тарихчиларнинг асарларида, шунингдек, давлат арбобларининг мемуарларида қайд этилишича, партия иерархиясида юқори лавозимларни эгаллаган айрим шахслар ВКП(б)нинг мазкур съезида МКнинг биринчи котиби лавозимига Сталиннинг ўрнига Кировни тавсия этмоқчи бўлишган (Киров бунга рози бўлмаганлиги сабабли бу масала кун тартибидан тушиб қолган). Съездда МК таркибини сайлаш вақтида эса, ҳисоб комиссияси айрим аъзоларининг гувоҳлик беришларича<sup>11</sup>, бир қанча делегатлар Сталиннинг МК аъзоси бўлишига қарши овоз беришган (Бу овозлар, мазкур адабиётда ёзилишича, 270–300 миёнасида бўлган). Бундан хабардор бўлган Сталин ўзининг исм-шарифи ўчирилган бюллетенларни йўқотиш ва съездда унга қарши фақат 3 тагина овоз берилганини айтишни буюрган. Бу тахминда жон борлигини шу нарса тасдиқлайдики, XVII съезд материалларини қайта кўриш пайтида 166 та бюллетеннинг йўқлиги ёки йўқотилгани маълум бўлган. Ҳар ҳолда Сталин XVII съезди 50-йилларга қадар ифтихор туйғуси билан “ғолиблар съезди” сифатида эслаб юрган бўлса-да, у шу съездда делегатлар ўртасида ўзига қарши партия аъзолари борлигини, бинобарин, бу аъзолар сони яқин орада кўпайиши ва муҳолиф кучларни ташкил этиши мумкинлигини жуда яхши билган.

1934 йил 1 декабрда, кутилмаганда, С.М.Кировнинг ўлими мамалакатдаги юмшай бошлаган сиёсий вазиятни ҳаддан зиёд тўлқинлантириб юборди. Бу суиқасд ким томонидан ва қандай ташкил этилганидан қатъий назар (шу ҳақда ҳозирга қадар бири-бирига зид турли-туман фикрлар мавжуд), бу воқеа сиёсий-тарихий вазиятнинг кескинлашишига сабаб бўлди. Сталин XVII

<sup>10</sup> Ўша манба. Ўша бет.

<sup>11</sup> Қаранг: ўша манба. –Б. 378.

съездеда жонлана бошлаган ва сафи кенгайиши мумкин бўлган сиёсий рақибларига зарба бериш учун шу фожиадан усталик билан фойдаланди. Унинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан МК “Ўртоқ Кировнинг ёвузларча ўлидирилиши билан боғлиқ ҳодисанинг оқибати тўғрисида” “эпик хат” тайёрлаб, барча партия ташкилотларига юборди. Мазкур хатда айтилишича, мамлакатда фитнес тайёрланган бўлиб, бу фитнеснинг тепасида троцкийчи ва зиновьевчи унсулар турган. Шунинг учун ҳам партия МКи шу хат орқали коммунистларни Троцкий, Зиновьев ва Каменевга хайрихоҳлик билан қараган партия аъзоларини ўз сафларидан чиқариб ташлашга даъват этган. Кировнинг ўлимига оид расмий маълумотга қараганда, унинг ўлими Смольнийга сохта партия билети билан қирган шахс (Николаев) томонидан амалга оширилган. Шунинг учун ҳам МК биринчи навбатда партия аъзолари ўртасида “тозалаш” кампаниясини янги куч билан давом эттиришга қарор қилган.

Шубҳасиз, 1933 йил майида бошланган ва 1934 йил декабрида кенг кўламда давом эттирилган “тозалаш” кампаниялари Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Республиканинг бирламчи партия ташкилоти мавжуд бўлган ҳар бир муассасада “тозалаш” кампаниялари ўтказилиб, партия аъзоларининг сиёсий ҳаётидаги оғишлар, ўзгаришлар ва ҳ.к.лар партия ташкилотларининг йиғилишларида кенг муҳокама қилинди, шу вақтгача республиканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаоллик кўрсатиб келган кўпгина коммунистлар аввал эсер ё кадет партияларига аъзо бўлганликлари ёки шунга ўхшаш бошқа сабаблар билан партиядан чиқарилди ва адо этиб турган лозимларидан четлаштирилди.

Шундай “тозалаш” кампанияларидан бири Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Фанлар қўмитасининг партия ташкилотида бўлиб ўтган. Мазкур партия ташкилоти “тозалаш” бўйича текшириш комиссиясининг 1934 йил 16–19 сентябрдаги йиғилиши стенограммаси сақланган бўлиб, ундан маълум бўлишича, биринчидан, шубҳа остига олинган ҳар бир коммунистнинг фаолияти бир неча кун давомида муҳокама қилинган бўлса, иккинчидан, Ўрта Осиё бўйича ўтказилган “тозалаш” комиссиясига шахсан Я.Х.Петерс раҳбар этиб тайинланган экан.

Кези келганда, айтиш лозимки, Петерс (1886–1938) давлат хавфсизлиги органларининг раҳбарларидан бири бўлиб, сиёсий фаолиятини 1917 йил октябрида Петроград Ҳарбий-инқилобий қўмитасининг аъзоси, шу йилнинг декабридан эса ВЧК коллегияси аъзоси, ВЧК раисининг ўринбосари, Ҳарбий трибунал раиси сифатида бошлаган. У чекистлар томонидан ташкил этилган фитналар – сиёсий провокацияларнинг ташкилотчиларидан бири бўлган. Ҳамкасбларидан ўта шафқатсизлиги билан ажралган Петерс 1920–1922 йилларда ВЧКнинг Туркистондаги мухтор вакили, РКП(б) МҚК Туркистон бюросининг аъзоси лавозимларида хизмат қилиб, “босмачилар” ва уларга ён босган кишиларни қириш ишига раҳбарлик қилган. Кўплаб отиб ўлдириш, гаровга олинган кишиларни жазолаш, қийнаш, мол-мулкларини мусодара қилиш ва ҳ.к.ларда шахсан иштирок этган<sup>12</sup>. У 1922 йилдан ГПУ Шарқ бўлими бошлиғи, 1923 йилдан эса ОГПУ коллегияси аъзоси бўлган. 1930 йилда ОГПУ органларидан партия ишига ўтган.

ВКП(б) МК Ўрта Осиёда “тозалаш” кампаниясини ўтказиш комиссиясига ВЧК-ГПУ-ОГПУ органларининг шафқатсизлиги билан донг қозонган шахсни раҳбар этиб тайинлаган ва, бинобарин, унга Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда бу кампанияни чекистларга хос хушёрлик ва шафқатсизлик билан ўтказиш ишини топширган.

Фанлар қўмитаси партия ташкилотининг юқорида тилга олинган йиғилиши таниқли давлат арбоби Низомиддин Хўжаевнинг сиёсий қиёфасини текширишга бағишланган. Қўлимиздаги стенограммага қараганда, йиғилиш 16 сентябрда бошланиб, бир неча кун давом этган ва текшириляётган шахсни қоралаш ва партия сафидан ўчириш билан якунланган.

“Тозалаш” кампаниясида умри чойхонада ёки гап-гаштакларда ўтган кимсалар эмас, балки халқ ва мамлакат манфаати йўлида фидойиларча хизмат қилган кишилар “галвирдан ўтказилган”. Кампания иштирокчилари шундай кишиларни қандай “галвирдан ўтказганлари” билан танишишдан аввал Низомиддин Хўжаевнинг ҳаёт йўлига унинг замондошлари ёрдамида назар ташласак.

<sup>12</sup> Қаранг: Млечин Л. КГБ. Председатели органов безопасности. Рассекреченные судьбы. – М., 2001. – С. 357.

Н.Хўжаевнинг замондошларидан бири Лазиз Азиззода “Янги ҳаёт курашчилари” деган китобини шу таниқли давлат арбоби ҳақидаги мақола билан бошлаган ва шу мақолада, жумладан, бундай маълумотни берган:

“1919 йил бошида Н.Хўжаев Туркистон Ўлка Марказий Ижроия комитети аъзоси бўлиб ишлайди ҳамда ўша даврда катта роль ўйнаган партия ва совет дружинаси штабининг раиси бўлган. Шу дружинанинг аъзолари Миркомил Миршаропов, Саид Мақсудхўжа Хўжаев, Миржалил Каримов, Бадриддин Аъламовлар Низомиддин Хўжаевдан тарбия олдилар. Унинг ўзбек ва рус тилларига чечандиги, жасорати, қобилияти, ишчанлиги ҳамманинг эътиборини ўзига тортар эди, шунинг учун ҳам уни ўша пайтдаги энг масъулиятли ишларга сайлар эдилар. Айни йилда Туркистон Марказий Ижроия Комитети, Миллий ишлар халқ комиссарлиги коллегияси ва Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қошидаги Ўлка мусулмон бюроси аъзоси бўлиб ишлайди...

...1921–1924 йиллар мобайнида Низомиддин Хўжаев Бутун Россия ёғоч саноати союзининг область бўлими, Ўлка партия комитети Марказий контроль комиссияси, Туркистон Ижроия Комитети аъзоси вазифаларида ва айни замонда Тошкент Эски шаҳарида партия ва совет идораларининг масъул ўринларида ишлайди...

...Низомиддин Хўжаев 1925–1930 йилларда партия ва советларнинг турли масъул лавозимларида ишлаб туриб, айни вақтда Ўрта Осиё давлат университетида ўқийди ва 1929 йилда иқтисод факультетини битиради, ўша кундан эътиборан Ўзбекистон ССР Давлат план комиссиясининг президиуми аъзоси вазифасида ишлайди. 1932 йилда эса Ўзбекистон тарихий ёдгорликлари ва санъатини сақлаш комитетининг раиси, 1933 йилда СССР Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги Бутуниттифоқ граждандар уруши ва Қизил Армия обидаларини сақлаш комитети аъзоси ҳамда... Давлат план комиссияси президиумининг аъзоси бўлиб ишлайди”<sup>13</sup>.

Л.Азиззода китобхонларни Н.Хўжаев фаолиятининг совет мафкураси нуқтаи назаридан “ибратли” томонлари билангина таништириб қолмасдан, у йўл қўйган сиёсий хато ва камчиликларни ҳам “очиб ташлаган”. У давом этиб ёзган:

<sup>13</sup> Азиззода Л. Янги ҳаёт курашчилари. –Тошкент: Фан, 1977. –Б. 9–10.

“...Низомиддин Хўжаев ўзининг узоқ муддат самарали ишлаган чоғларида баъзи гоёвий чалкашликларга мойиллик ҳам кўрсатди. Биринчиси 1918 йил “Кўқон мухторияти” тарафдорларининг Тошкентда бўлган намойишида иштирок этиб, Тошкент турмасидан Муваққат ҳукумат вакилини озод этди. Аммо Низомиддин бу хатосига иккинчи куниёқ иқрор бўлади. Унинг яна бир хатоси 1920 йил бошида содир бўлди. 1919 йил сентябрь ойида бўлган V Туркистон қурултойи, хусусан ўша йилнинг ноябрида Москвадан Туркистон комиссияси келганидан кейин Советлар Туркистонининг сиёсий, иқтисодий ва ҳўжалик ҳаётида бир қанча ўзгаришлар вужудга келади. Олдинда бўлган хатолар тузатила бошланди. Мана шу вақтда маҳаллий меҳнаткашлар ва совет кадрлари кўплаб етишиб шакллана бошлаган эди. Буларнинг бири Турор Рисқулов бўлди. Мана шу кадрлардан ўлка кўламида ишлаб турган маҳаллий миллат коммунистларининг бир қисми маҳаллий оғмачиликка берилди. Улар Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасини “Турк республикаси”га айлантириш, ўлкада махсус мусулмон армиясини тузиш, баъзи комиссарликларнинг марказдан мустақил бўлиши каби зарарли таклифлар билан чиқдилар. Низомиддин Хўжаев ҳам шундай хатоликларга йўл қўяди”<sup>14</sup>.

Лазиз Азиззоданинг бу фикрлари эълон қилинган 1977 йилда совет мафқураси КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси М.Суслов раҳбарлигида ҳамон ҳукм сураётган, бу мафқура талаблари камаймай, аксинча, янада ошаётган пайт эди. Шунинг учун Л.Азиззода машҳур давлат арбоби фаолиятининг нурли ва нурсиз томонларини шу мафқура талаблари асосида ёритган.

Л.Азиззоданинг Н.Хўжаев ҳақидаги “Инқилоб курашчиси” (1968) деган рисоласидан бизга яна шу нарса маълумки, у Чўлпоннинг яқин дўстларидан бири бўлибгина қолмай, унча-мунча шеърлар ҳам ёзган. У ўзи учун ёзган шеърларидан бирида ўша йиллардаги мураккаб руҳий кечинмаларини бундай ифодалаган эди:

Бу дунё лаззатин топмай, чекиб ғам  
Юрардим изланиб, ҳеч олмайин дам.

<sup>14</sup> Ўша манба. –Б 10–11.

Қаердан топса мумкин зарра роҳат,  
Йўқолсин юртимиздан хоб-у ғафлат.

Кеча-кундуз юракда ўт ёнадур,  
Шу халқим дардида дил ўратонадур.

Бу ғафлат ичра токай биз ётурмиз,  
Келиб ғайратга, элни уйғотурмиз.

Бўлур обод юрт қўлни-қўлга берсак,  
Тутиб қўлга қурола, майдонга кирсак.

Биз давр тўфонларида ёруғ йўл излаб, ўзини ўтга-чўққа урган кишининг бу ўта самимий дил сўзларини ўқир эканмиз, улар устига ўз халқининг мустамлакачилик кишанларидан халос бўлишини орзу қилган миллатпарвар инсоннинг кўз ёшлари чак-чак томиб турганини кўргандек бўламиз.

Аммо ўша машъум “тозалаш” чоғида ҳозир бўлган 30 коммунист, 15 комсомол ва 115 партияга аъзо бўлмаган кишиларнинг бирортаси уни ҳимоя қилиб чиқмади. Холбуки, улар 1934 йилда, вақтинча бўлса-да, шундай бахтли имкониятга эга эдилар. Аммо уларнинг аксари лоқайдлиги билан, бир қанчаси эса Н.Хўжаевга нисбатан туйган нафратлари туфайли уни жар ёқасидан улоқтиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Уни яқиндан билган кишилардан бири, исми кўрсатилмаган Турсунхўжаев (Саъдулла Турсунхўжаев бўлса ажаб эмас) эса шу йиғилишда асосий айбловчи бўлиб чиқди. У ўзининг ҳам аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлганини айтишни унутмай, асосан, Н.Хўжаевни Петерснинг олдида ер билан битта қилишга интилди. Турсунхўжаев, жумладан, бундай сўзларни айтди: “Низомиддин Хўжаев “Турк адам марказият” ташкилотининг йирик вакиларидан бири бўлган. Унда қатнашган М.Бузрук, С.Мақсумов кейинчалик муҳожирликда қолиб кетишди. Бу ташкилот мўмдек юмшоқ бўлиб, минут сайин, соат сайин, ой сайин ўз қиёфасини ўзгартира олган. 1917 йилда Низомиддин Хўжаев биздан генерал Дутов билан музокара олиб бориш учун юборилган. Низомиддин Кўқон мухториятининг ташкил этилишида катта роль ўйнаган. У обрўли раҳбарлардан эди... Низомиддин Хўжаевни Тошкентдаги дастлабки совет муассасаларининг ташкилотчиси,

дейишади. Бу нотўғри. Мен шуни яхши биламанки, Низомиддин Бахшурulloзода, Назир Хўжаев сингари ашаддий миллатчиларнинг яқин дўсти бўлган...”

Йиғилишда таниқли жамоат арбобларидан бирининг бундай сўзларини эшитган Петерс Низомиддин Хўжаевга нисбатан тўнини тескари кийиб олади. У бу сўзлар орқали Н.Хўжаевнинг сотқин ва мунофиқ инсон сифатидаги қиёфасини кўриб, бундай дейди: “Турсунхўжаевнинг нутқи катта тарихий аҳамиятга молик, бу нутқ гоҳ у, гоҳ бу томонга огаётган ўртоқлар учун катта сабоқ... Турсунхўжаевнинг бу масалада айтган гапларининг аксар қисми ҳақиқат эканига менда заррача шубҳа қолмади, зеро, Турсунхўжаевнинг ўзи шу воқеаларни гувоҳи бўлган.

Бу ерда ўртоқлар қадимий ёдгорликлар тўғрисида қизиқ гапларни айтишди. Мен келажакда масжидларга эмас, балки ёдгорликларга пул сарфлаш лозим, деб биламан. Мен масжидларга сарфланган маблағ бўйича маълумотлар тайёрлаш ҳақида топшириқ бердим... Турсунхўжаев шу борада қилинган бемаъниликлар ҳақида бор гапни айтиб берди, лекин ўзини ишчи қилиб кўрсатаётган Н.Хўжаев бундай қилмаган. Н.Хўжаевнинг айтишича, унинг 10 йиллик стажи бўлса ҳам, ҳеч бир ерга сайлашмаган... Сени Рисқулов билан от ўғриси Ўтарбоев тасодифан Ички ишлар халқ комиссарлигига кўтаришган... Агар сен партиядо виждонан ишламоқчи бўлсанг, агар сен виждонан социализмни қуришни истасанг, сенинг олдинда майдон очик: ишлашинг мумкин, ўсининг мумкин, сенга ҳамма вақт жой топилади, аммо агар сен ишлашни хоҳамасанг, ўзингга алоҳида ҳуқуқлар талаб қилиб мингиллаб юрсанг, ишлашни хоҳамасанг, пролетарча фикрлашни хоҳамасанг, сендақалар бизга керак бўлмайди...”

Бу, улугрус шовинизми билан заҳарланган, кўзи қонга тўлган чекистнинг сўзлари эди. Агар бу сўзларнинг нафақат маъноси, балки оҳангига қарасангиз ҳам, мустамлакачи давлатнинг ишончли вакили сифатида ўртаосиёлик “қора кўз”ларни сариқ чақага олмайдиган калондимоғ, ўта разил бир инсоннинг қиёфаси кўз олдингизда яққол гавдаланади.

19 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишда Низомиддан Хўжаев партия аъзолари сафидан ўчирилади. Ва кўп ўтмай, камоққа олинади. Маҳбуснинг 1936 йил 10 январда гувоҳ Юсуф Алиев билан юзлаштирилиши вақтидаги савол-жавобдан маълум бўлишича, у 1920

йилда “Игтиҳод ва тараққий” ташкилоти вакиллари билан бирга иттифоқ ҳукуматидан Туркистон учун баъзи бир имтиёзларни олиш мақсадида Москвага борган. Улар Москвада Татаристон ва Бошқирдистон вакиллари билан учрашиб, улар билан бирга Шарқ компартияларини тузиш платформасини ишлаб чиқишган. **Уларнинг бу сафардан, хусусан, “Туркистон компартияси” ва “Туркистон республикаси”ни тузишдан мақсади СССР таркибидан секин-аста чиқиш бўлган.** Лекин Т.Рисқулов, Н.Хўжаев сингари ўзбек халқи вакилларининг асл мақсадини тушунган Москва кўп ўтмай, Т.Рисқуловни Москвага ишга чақириб олади ва шу гоё билан “чангланган” халқ вакиллари ўртасига нифоқ уруғларини сочади. Турсунхўжаевнинг “тозалаш” йиғилишида Н.Хўжаевни фош этиши шу сўнгги ҳодисанинг самараси эди.

Низомиддин Хўжаев гарчанд “Катта қирғин”нинг жабру жафоларига гирифтор бўлган эса-да, унинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳужжат ва материаллар сақланиб қолган. Таниқли давлат арбобининг рафиқаси Фотимахон Хўжаева ўтган асрнинг 70-йилларида шу бой архивни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Комил Яшинга берган ва атоқли адиб шу ҳужжатлар ва барҳаёт замондошларнинг хотиралари асосида Низомиддин Хўжаев тўғрисида роман ёзмоқчи бўлган. У “Ёднома” деган сўнгги китобида шу фаройиб шахс ҳақида бундай сўзларни ёзиб қолдирган:

“...Республикамиздаги энг йирик инқилобчилардан бири Низомиддин Асом ўғли Хўжаевдир. У ёмон ниятли одамларнинг ҳаракатлари билан 1934 йилда партиядан ўчирилди ва 1942 йилда ҳалок бўлди. У партиядан чиқарилган ва таъқибга учраган йили юқори ташкилотларга йўллаган хатида шундай деб ёзганди:

“...Мен ҳарф терувчи – матбаачи(ман), ишчилар манфаати учун профессионал курашчи Низомиддин Хўжаевнинг душманлари ёқамдан олаяптилар. Менинг большевиклар партиям бунинг тагига етмай, ўз дўстини қонхўр аблаҳлар тўдасига топшириб, ишчилар манфаати йўлидаги ўттиз йиллик курашимдан кейин партиядан улоқтириб ташлади. Бунақа бўлиши сира ҳам мумкин эмас, мен бунга аминман...”

Низомиддин Хўжаев чиндан ҳам ўзининг пок номини оқлади. Бироқ унғача орадан анча йиллар ўтди, оиласи бошига ёмон кулфатлар тушди. Вафодор рафиқаси Фотима хоним тўртта мурғак боласи билан қолганди. Шахсга сиғиниш йилла-



рида бу оила бошига тушган кўргиликлар қоғозга туширилса борми, у ёниб кетиши турган гап”<sup>15</sup>.

“Тозалаш” кампанияси вақтида ноҳақ жабрланган ва жазоланган кишиларнинг умумий сони аниқ эмас. Аммо ўша йилларда барча муассаса ва корхоналарда бирламчи партия ташкилотлари бўлгани ва шу ташкилотларда ўнлаб партия аъзоларининг чиғириқдан ўтказилганини эътиборга олсак, республика бўйлаб юзлаб кишиларнинг партиядан ўчирилиб, ишдан олинганлиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳам, академик Комил Яшиннинг сўзлари билан айтганда, шахсга сиғиниш йилларида қанчадан-қанча оилалар хонавайрон этилдики, агар улар бошига тушган кўргиликлар қоғозга туширилса, унинг ёниб кетиши турган гап.

## 2.2. “Қулоқлаштириш” кампанияси

Сўнгги йилларда эълон қилинган сиёсий адабиётдан маълум бўлишича, ўтган асрнинг 20-йилларида СССР тасарруфидаги қишлоқларнинг ижтимоий тузилишида жиддий ўзгаришлар рўй берган. Бир томондан, бойларнинг тазйиқ ва сиқик остига олиниб, мул-мулкларининг мусодара қилиниши, иккинчи томондан, ёшларнинг шаҳарда очилган ўқув юртларига, камбағалларнинг эса ишлаб чиқариш корхоналарига оқиб келиши натижасида ўрта ҳол деҳқонлар қишлоқ аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этган. Совет давлатининг бой ва нисбатан фаровон турмуш кечирган аҳолига нисбатан нафратли муносабати ва, аксинча, батрак ва чорикорларга кўпроқ ён босиши қишлоқдаги маънавий иқлимга салбий таъсир кўрсатган. Қишлоқ аҳолисининг камбағал ва ночор қисми совет тарғиботи ва ташвиқоти таъсирида бойлар ва ер-сув эгаларига нисбатан ғаразли хатти-ҳаракатларни амалга оширганлар. Бу ҳол 20-йиллар охирида бошланган жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” кампаниясида кўплаб адолатсизликларнинг содир бўлишига сабаб бўлган.

Сўнгги йилларда олиб борилган текширишлар шундан шаҳодат берадики, 20-йиллар охири – 30-йилларнинг бошларида, юқорида баён қилинган сабабларга кўра, қишлоқда “қулоқлар”нинг мавқеи катта бўлмаган. Бинобарин, уларда совет давлати амалга ошираётган тадбирларга жиддий қаршилик кўр-

<sup>15</sup> Комил Яшин. Ёднома. –Тошкент: Ёш гвардия, 1989. –Б. 182.

сатиш имконияти қарийб бўлмаган ва улар совет давлати учун хавфли муҳолиф кучни ташкил этмаган. Аксинча, шу йилларда жонлана бошлаган деҳқонларнинг ўрта қатламида – ўртақоллар орасида – совет давлатидан норозилик кайфияти тобора кучайиб борган. Бунинг сабаби улар хўжалигининг равнақ топа бошлаши билан уларга қўшимча солиқларнинг жорий этилиши, натижада, уларнинг яна қашшоқлана бошлаши ёки туғилиб ўсган жойларидан қочишга мажбур бўлиши эди.

Совет давлати шаҳарда ҳам капиталистик “унсурлар”нинг авж олишига имкон бермаган. Собиқ бойлар, амалдорлар, эшонлар янги сиёсий тузум исканжасига тушиб, шу тузум билан муросаи мадорада яшашдан ўзга чора топа олмаганлар. 1928–1929 йиллардаги совет жамиятининг ижтимоий-демографик тузилиши шундай эди.

Аmmo совет давлати катта қийинчилик билан кечаётган жамоалаштириш кампаниясини голибона яқунлаш мақсадида қишлоқ районларда яшаётган аҳоли ўртасида “қулоқлаштириш” кампаниясини бошлаб юборди. Юқорида айтиб ўтилганидек, шу йилларда, масалан, Ўзбекистон қишлоқларида “қулоқлар” қарийб қолмаган, уларнинг бир қисми отиб ташланган, иккинчи қисми ер-сувидан ажралгани учун камбағаллашиб қолган, учинчи қисми эса, шундай қисматга тушгани сабабли ҳақиқат излаб шаҳарга кўчиб кетган ва кўчиб кетаётган эди. Шунинг учун ҳам қишлоқда олиб борилган “қулоқлаштириш”нинг оғир зарби ўртақол деҳқонларнинг елкасига тушди. Турли амал ва мартабаларга эришган батрақлар “қулоқлаштириш” даврида ўзларининг шахсий муносабатларидан келиб чиққан ҳолда кўни-қўшниларининг, қариндош-уруғларининг оёқларига болта урдилар. Большевиклар партиясига кириб, қишлоқдаги аввалги мавқеларини сақлаб қолган кимсалар эса кечаги батрақларнинг йўлига қопқон қўйдилар. Бу, куни кеча яқунланган фуқаролар урушининг ўзгача бир кўриниши эди.

“Аргументы и факты” газетаси (1988 йил, 14-сон)да бериغان маълумотга қараганда, жамоалаштириш кампанияси бошлангунга қадар СССРда 26,5 млн. деҳқон хўжалиги мавжуд бўлиб, улар ихтиёрида 118 млн. экин майдони бўлган. Зўравонлик билан олиб борилган жамоалаштириш натижасида 1933 йилда СССРда 23,3 млн. хўжаликкина қолган, яъни 3 млн. энг қудратли деҳқон хўжалиги тугатилган. Қишлоқ аҳолисининг ҳақ-ҳуқуқларини топтаган, мол-мулкларини жамоа хўжалиги фойдасига ўтказиб, қўл-

оёқларини кўринмас занжирлар билан боғлаган жамоалаштириш компанияси деҳқонларда совет давлати сиёсатидан қаттиқ норозилик туйғуларини уйғотмаслиги асло мумкин эмас эди. Шундай бўлди ҳам. Йирик хорижий советшунослардан бири Стивен Коэннинг гувоҳлик беришича, 25 млн. деҳқон оиласи жамоалаштиришга қаттиқ қаршилиқ кўрсатган. Совет давлати улар қаршилигини синдириб, жамоа хўжалиқларини барпо этиш учун қишлоқ фаоллари, шаҳардан юборилган ишчилар, милиционерлар, қизил аскарлар ёрдамида уларга қарши ҳарбий хуружлар уюштирган, қамоққа олган ва сургун қилган. Бундай бедодликка қарши нафақат Марказий Россия, Ўрол, Сибирь ва Кавказда, балки Туркистонда ҳам деҳқонларнинг кўплаб галаёнлари бўлиб ўтган. Шубҳасиз, бундай галаёнларда иштирок этган деҳқонлар қатағон тўпига ем бўлганлар.

Бошқа республикаларда бўлганидек, шу йилларда Ўзбекистон республикасида ҳам янги-янги қамоқхоналар ташкил этилган ва бу қамоқхоналар маҳбуслар билан тўла бўлган. Маълум бўлишича, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети шу вазиятни инобатга олиб, 1935 йил 29 мартда “Ўзбекистон ССРнинг 1935 йилдаги ишчи кучига бўлган эҳтиёжи ва уни қондириш ҳақида” махсус қарор қабул қилган. “Правда Востока” газетасининг 1935 йил 5 апрель сониде эълон қилинган бу қарор СССР ички ишлар халқ комиссари Ягоданинг эътиборини тортмай қолмайди. У газетанинг мазкур сонини СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Молотовга йўллаб, унинг эътиборини бундай қарорнинг оммавий газетада чоп этилиши нотўғри эканлигига қаратади. Ўз навбатида Молотов Тошкентга куйидаги телеграммани юборади:

#### Телеграмма

**“Тошкент. Совнарком. Файзулла Хўжаевга**

1935 й. 29 апрель

Мутлақо махфий

Шифрли

Нухаси ўр. Ягодага

“Правда Востока” газетасида Наркомвнудел<sup>16</sup>нинг Ўрта Осиё лагерларида фойдаланилмай ётган ишчи кучининг голят катта сони кўрсатилган Ўзбекистон ХКСнинг “Ўзбекистон ССР-

<sup>16</sup> Наркомвнудел – Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД)нинг 30-йиллардаги қисқартирилган шакли.

нинг 1935 йилдаги ишчи кучига бўлган эҳтиёжи ва уни қондириши ҳақида” 29 мартдаги қарори эълон қилинган.

Иттифоқ Совнаркоми бу қарорни, айниқса, унинг эълон қилинганини нотўғри ва сиёсий одобга зид ҳисоблаб Ўзбекистон ХКСга мазкур қарорни зудлик билан бекор қилишини тавсия этади.

Бажарилгани ҳақида хабар қилинг. –№ 658 (III) 619.  
ХКС

Молотов<sup>17</sup>.

Ўзбекистон ҳукуматининг бу қароридан маълум бўлишича, республикада, аввалги йилларда бўлганидек, 1935 йилда ҳам ишчи кучига эҳтиёж ғоят катта бўлган. Бу эҳтиёж эса минглаб кишиларнинг арзимаган баҳонаи сабаблар билан қамалгани натижасида вужудга келган. Ўзбекистон Халқ Комисарлари Совети юқорида тилга олинган қарорни қабул қилибгина қолмай, унинг “Правда Востока” газетасида чоп этилган нусхасини СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига юборган ва республикада ишчи кучига шундай катта эҳтиёж бўлган бир вақтда НКВДнинг Ўрта Осиёдаги лагерларида минглаб маҳбусларнинг бекор ётганига эътибор қаратган бўлиши мумкин. Агар тахминимиз тўғри бўлса, республика раҳбарияти бу қарорни қабул қилиш билан қамоққа олинган бегуноҳ кишиларнинг бир қисмини озод қилиш ёки уларни республикадаги меҳнат жабҳаларига жалб этишни кўзлаган. Ҳар ҳолда ҳукумат раҳбарлари, бир томондан, республиканинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш, иккинчи томондан, Ўрта Осиё лагерларида ётган ҳамда Беломорканал ва Москва – Волга каналидек улкан қурилишларга юборилажак маҳбусларни республикада олиб қолиш ва улар меҳнатидан фойдаланиш чораларини излашган кўринади.

ВКП(б) МКнинг “Ёлпасига жамоалаштириш районларидаги қулоқхўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида” 1930 йил 30 январда қабул қилган қарори билан қишлоқ аҳдини ёлпасига жамоалаштиришигина эмас, балки оммавий равишда қатағон қилиш фожиалари ҳам бошланиб кетди. Қишлоқда қулоқларнинг ўртача сони 2–3 фоизни ташкил этгани ҳолда кўпгина районларда қатағон қилинган қулоқлар сони 10–15 фоизга кўтарилди. Ҳолбуки, ОГПУ

<sup>17</sup> Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Документы и материалы. В трех томах. Том 2. –Ташкент: Шарқ, 2006. –С. 332.

томонидан белгиланган режага кўра, қулоқларнинг 3–5 фоизигина қаттагон қилиниши режалаштирилган эди.

“Қулоқлар” сургуни гарчанд шу йилнинг февраль ойида бошланган бўлса-да, ОГПУнинг шу ҳақдаги директивалари ёпишасига жамоалаштирилиши лозим бўлган районларга январь ойидаёқ етиб борди. “Қулоқлар” бу директиваларда уч тоифага: 1) “аксилнқилобий фаоллар”, 2) “қулоқ фаоллари”дан бошқа унсурлар, қулоқ бойлар ва ярим помешчиклар, шунингдек, 3) район ҳудудларида қолдириладиган қулоқларга ажратилган эди. Биринчи тоифадаги “қулоқлар” судсиз концентрацион лагерларга юборилган ва ҳатто отиб ташланган, аммо кейинчалик уларнинг отилмай ва қамалмай қолган қисми иккинчи тоифага ўтказилган. Икки тоифадаги “қулоқлар” СССРнинг ёки ўзлари яшаган юртнинг олис жойларига сургун қилинган. Учинчи тоифа “қулоқлар”и эса жамоа хўжаликларидан четроқдаги кичик посёлкаларга жойлаштирилган. Биринчи тоифа “қулоқлари” 60 минг оиладан, иккинчиси 150 минг оиладан иборат бўлиб, уларга РСФСР, Ўрта Осиё, Кавказ орти ва Шимолий Кавказдаги миллий районлардан бир қанча оилалар қўшилган ва уларнинг умумий сони 245 минг хўжаликка етган.

Шуни ёдда тутиш керакки, совет давлати шу йилларда “қулоқлар”га қарши курашда ГПУ-ОГПУ органларига гоят катта ваколат берган эди. Бу ваколатдан фойдаланган чекистлар “қулоқлар”ни судсиз-терговсиз отиб, бу даҳшатли воқеа бошқаларга ҳам ибрат бўлиши учун қатл этилган “қулоқлар” рўйхатини маҳаллий ва марказий матбуот саҳифаларида эълон қилиб боришган. Бу ҳол аҳолида совет давлатига қарши уйғониб бораётган кайфиятни кучайтириб юбориши мумкин эди. Шунинг учун ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1930 йил 15 февралдаги қарори билан “аксилнқилобий қулоқ унсурлар”ни отиш фактларини маҳаллий ва марказий матбуот саҳифаларида эълон қилиш ҳақидаги 1929 йил 3 январда қабул қилган қарорини бекор қилади.

Ўрта Осиёдаги “қулоқлар” 1930 йил баҳорида ўз юртларидан сургун қилина бошлади. “Учлик”лар томонидан рўйхатга олинган турли тоифаларга ажратилган “қулоқлар” Сибирь, Ўрол, Шимолий Қозоғистон ва Беломорканал қурилишига жўнатилади. 1931 йилдан бошлаб эса “қулоқлар”га “махсус кўчкинчилар” мақоми берилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фойдаланиш

мақсадида уларнинг катта қисми Ставрополь ўлкаси ва Украинанинг Херсон вилоятига юборилди. Фаргона водийси, Самарқанд, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан “қулоқ” қилинганлар Ставрополь ўлкасининг Арзгир, Дивенск, Прикумск ва бошқа туманларига, ўзбекистонлик “қулоқлар”нинг қолган қисми эса Херсон вилоятининг Николо-Александровск, Ново-Романовка ва бошқа туманларига бадарга қилинди. “Қулоқлар”нинг учинчи тоифага мансуб қисми эса республиканинг “Боявут”, “Далварзин”, “Савай”, “Булунгур”, “Хазорбоғ”, “Учқўрғон”, “Норин” ва бошқа совхозларига юборилди. Ўзбекистонлик “қулоқлар”, аёнки, серкўёш ўлкада ўсиб-улғайган ва дала ишларига мослашган эдилар. Шунинг учун уларнинг бир қисми Херсон вилояти, Ставрополь ўлкаси, айниқса, Шимолий Қозоғистоннинг аёзли қишига дош беролмай, совуқ ва очликдан қийналиб ўлиб кетди. Хусусан, Шимолий Қозоғистоннинг Шартандин туманидаги 37-меҳнат поёлкасига бадарга қилинган ўзбеклар ўта совуқ иқлимдан ташқари, ноанъанавий ишларни бажаришда кунлик нормаларини бажара олмай, бир бурда нонга зор бўлиб, азоб-уқубат чекдилар. Уларнинг илиқ ўлкаларга кўчириш тўғрисидаги илтижолари эътиборсиз қолди.

30-йиллардаги мажбурий миграцияларга бағишланган илмий адабиётда берилган маълумотга қараганда, ёппасига жамоалаштирилган районлардан 1930 йилнинг охирига қадар 371645 кишидан иборат 77795 оила шимолий ўлкаларга сургун қилинган. Агар “қулоқлаштириш” кампанияси 1939 йилга қадар давом этганини эътиборга олсак, бу рақам яна бир неча маротаба ошади.

Афсуски, жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” йилларида Ўзбекистон бўйича қанча кишининг “қулоқ” қилиниб, Сибирь, Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Беломорканал ва Москва-Волга канали қурилишларига, шунингдек, республика ичидаги меҳнат посёлкаларига юборилгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Россиялик тарихчи В.Н. Земсковнинг “Отечественная история” журналининг 1994 йил 1-сонида эълон қилинган “Қулоқлар сургунни” тақдири (1930–1954 йй.) мақоласида қайд қилинишича, фақат 1930–1931 йилларда махсус қишлоқларга ишлаш учун кўчириб келтирилган “қулоқлар” сони 1 млн. 803 минг 5392 кишини ёки 391 минг 26 оилани ташкил этган. Аммо айрим тарихчилар қулоқ қилинганлар сони 3,5 млн дан 9 млн гача бўлган, деб тахмин қиладилар. Россияда нашр этилган энциклопедиялар-

дан бирида эса, 1929–1933 йилларда Шимолий Россияга ҳаммаси бўлиб 9 млн.га яқин “қулоқлар”нинг сургун қилингани айтилган. В.Н.Земсковнинг юқорида зикр қилинган мақоласида берилган маълумотга кўра, 1930–1931 йилларда Ўрта Осиёдан 6 минг 944 хўжалик сургун қилинган. Улардан 159 таси Қозоғистонга, 2 минг 213 таси Шимолий Кавказга, 3 минг 444 таси Украинанинг Херсон вилоятига мажбуран юборилган, 1 минг 128 таси эса Ўрта Осиёдаги махсус посёлкаларга жойлаштирилган<sup>18</sup>. Аммо бу рақамларнинг бирортасига ишониш қийин.

Совет давлати миллий республикалардаги “қулоқлар”ни собиқ иттифоқнинг турли районларига бадарга қилиш билангина кифояланмади. Шу йилларда ВКП(б) Марказий Комитетининг ташаббуси билан “йигирмабешмингчилар” ҳаракати бошланди. Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенск ва бошқа sanoat марказларидаги ишчилардан ташкил топган бу ҳаракатнинг 433 та вакили Ўзбекистонга келди. Улар республиканинг ўзидан “отилиб чиққан” 353 ишчи билан бирга қишлоқларга бориб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга “бел боғлаб киришдилар”. Қишлоқ хўжалигининг нозик томонларидан мутлақо беҳабар бу ишчиларнинг 139 таси жамоа хўжаликларига раис, раис ўринбосарлари ва правление аъзолари бўлиб сайланди. 57 таси туман миқёсидаги раҳбарлик лавозимларини эгаллади. Қолганлари эса жамоа хўжаликларидagi бирламчи партия ташкилотларига котиб этиб сайланди. Марказ “доноларча топилган” бундай тадбири билангина кифояланиб қолмади. РСФСРнинг марказий районлари Ўзбекистоннинг айрим туманларини оталикка олди. 1930 йили баҳорги экин кампаниясига “ёрдам бериш” учун Марказий Россиядан 458 кишидан иборат 26 та бригада Ўзбекистонга келди. Дурадгор, темирчи, чилангир сингари касб эгаларидан ташқари, бу бригада-ларда талайгина сиёсий ходимлар бўлган.

Юқорида баён қилинган фактлар шундан далолат берадики, Марказ 30-йилларнинг бошларидаёқ Ўзбекистонни “қизил” колонияга, Марказнинг соғин сигирига айлантириш режасини мукамал ишлаб чиққан ва шу режани тўла амалга ошириш учун жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” кампанияларини амалга оширган эди.

<sup>18</sup> Қаранг: Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. –Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 104–105.

Йиллар ва даврлар ўтиши билан халқ ҳаётида рўй берган хатто фожиали воқеалар ҳам секин-аста унутилиб боради. Ҳозир Сибирь ва Шимолий Кавказга, Беломорканал ва Москва – Волга канали қурилишларига сургун қилинган ватандошларимиздан бирортаси қолмаган. Украинага сургун қилинганлардан ҳам саноқли кишиларгина тирик. Ҳолбуки, тарихчилар нафақат 1916 йил қўзғолони қатнашчилари, балки жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” даври қурбонларининг ҳам хотираларини ёзиб олиб, авлодларга қолдиришлари лозим эди. Яхши ҳамки, совет даврида нашр қилинган ижтимоий-сиёсий адабиётда шу даврга оид айрим воқеалар амалдаги мафкура нуқтаи назаридан бўлса-да, ёзиб қолдирилган. Шундай воқеалардан бири 1934 йилга оид. Маълум бўлишича, шу йили баҳор кечикиб, давлатга пахта топшириш режасини бажариш хавф остида қолган. Бу ҳолдан ташвишланган Москва октябрь ойи охирида ВКП(б) МКнинг В.В.Куйбишев ва Н.К.Антипов раҳбарлигидаги бригадани Ўзбекистонга юборган. “Бригада, – деб ёзилган “Ўзбекистон ССР тарихи”нинг 3-жилди (1967) да, – маҳаллий коммунистларнинг қўллаб-қувватлашларига суянган ҳолда колхозлар, қишлоқ Советлари ва бошқа ташкилотларни синфий душмандан тозалаш бўйича катта ишларни амалга оширди. 1934 йилнинг ноябрь–декабрь ойларида қўпурувчилик билан шугулланган 1303 та қулоқ, 498 та савдогар, 199 та руҳоний, 40 та амир амалдорлари фош этилди. Тозалаш натижасида колхозлар қадди-қоматларини тиклаб олдилар. Уларнинг аксари пахтани териб олиб, давлатга топширишда муваффақият қозонди. Аммо республика бўйича 1934 йилда давлатга пахта топшириш режаси фақат 87,7 % га бажарилди”<sup>19</sup>.

Агар баҳор кечиккан ва ғўзани ўз вақтида экиш имкони бўлмаган, жамоа хўжаликларига миришкор деҳқонлар эмас, балки Россиядан келган ишчилар – “йигирмабешмингчилар” раҳбарлик қилган бўлса, бунда “қулоқлар” у савдогарларнинг, руҳонийлару собиқ амир амалдорларининг нима айби бор?!.

Аммо партия ўз олдига қўйган қайси оамшумул режани бажара олмаган бўлса, доим синфий душманларни айблаб келган ва ўзи йўл қўйган ҳар бир хатони уларга ағдариб, минглаб ва миллионлаб кишиларнинг ёстигини қуритиб келган.

<sup>19</sup> История Узбекской ССР. В 4-х томах. Том третий. –Ташкент: Фан, 1967. –С. 602.



Биз юқорида жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” даврида рўй берган фожиаларни назарда тутиб, шу даврни фуқаролар уруши даврига қиёслаган эдик. Агар фуқаролар уруши йилларида совет давлати айби билан бир миллат фарзандлари бири-бири билан урушган ва бир-бирининг қонини тўккан бўлса, “қулоқлаштириш” даврида совет давлати ўз халқини “қулоқлар” ва “йўқсиллар”га ажратиб, биринчисининг ер-сувини, мол-мулкни тортиб олди ва ўзини синф сифатида қириб ташлади.

### 2.3. Очарчилик

30-йиллар аввалида жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” кампанияси вақтида йўл қўйилган кўпол хатолар мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб келди.

“1932 йил охирида, – деб ёзган эди СССРдаги “Катта қирғин”нинг тадқиқотчиларидан бири Роберт Конквист, – Сталин шафқатсизлик ва иқтисодий чора-тадбирларни усталик билан ўзаро уйғун ҳолда қўлаб, барча деҳқонларни қарийб тўла жамоалаштиришга муваффақ бўлди. Қаршилик энди оддийгина йўл билан бостирилди. Агар деҳқон фақат ўз оиласи учун ишлаб, давлатга ҳеч вақо бермаган бўлса, маҳаллий ҳокимлар вазиятни акс ҳолга айлантиришди. Деҳқонларнинг омборларидаги ғалла солинган энг сўнги қоқлар тортиб олинди, экспортга чиқарилди, ҳолбуки, шу вақтда қишлоқда очарчилик авж олган эди. Ҳатто ёғ ҳам экспорт қилинди, украин болалари эса сут йўқлигидан қирила бошлади.

Қишлоқда очарчиликни вужудга келтиришда Сталинни тўла айблаш мумкин. 1932 йилдаги ҳосил ўрта даражадан тахминан 12 % гина паст эди. Бу, очарчиликни вужудга келтирадиган даража эмас. Аммо аҳолининг маҳсулотларни тайёрлаб бериши 44 % га оширилган эди. Кутилганидек, шунинг натижаси ўлароқ улкан кўламдаги очарчилик бошланди. Эҳтимол, бу тарихда биринчи бор сунъий равишда пайдо қилинган очарчиликдир”<sup>20</sup>.

1932 йилда ғалла собиқ иттифоқ бўйича, аввалги йилларга қараганда, 12 % кам бўлганига қарамай, совет давлати бу ғалланинг бирор қисмини ҳам ички эҳтиёжга – халқни ғалла билан таъминлашга ажратмай, экспортга чиқариб, мамлакатда қурила

<sup>20</sup> Конквист Р. Большой террор. Книга 1. –Изд.: РАКСТНИЕКС, 1991. –С. 21–22.

бошланган саноат корхоналари учун завод ва фабрикаларни, техник асбоб-анжомларни сотиб олди. Оқибатда совет мамлакатининг жанубий районлари – ўзбек “қулоқлар”и сургун қилинган Украина, Шимолий Кавказ, Қуйи Волга бўйлари ва Шимолий Қозоғистонда очарчилик, эпидемия янглиғ, юз минглаб кишиларни ўз домига тортди. Сўнгги йилларда ошкор қилинган маълумотларга қараганда, юқорида тилга олинган районларда 25–30 млн. киши очлик азобини тортган. Бутунукраина инқилобий комитети раиси Г.И.Петровскийнинг 1937 йилда инглиз мухбирига берган интервьюсида айтилишича, Украинада миллионлаб кишилар очликдан тиришиб ўлган. Украин ёзувчиси Иван Стаднук эса “Одам фаришта эмас” деган романида ўша йиллардаги даҳшатли воқеаларни тасвирлаб: “Очликдан дастлаб эркаклар ўлди. Кейин болалар. Кейин аёллар...”, деб ёзган эди.

Украинага сургун қилинган ўзбек “қулоқлар”ининг фарзандларидан бири қибрайлик марҳум Собир Мўминовнинг хотирлашича, Херсон вилоятига сургун қилинган қарийб барча оталар 1932 йилнинг ўзидаёқ очликдан қирилиб кетишган.

“Ҳар доим бўлганидек, – деб давом этади Роберт Конквист юқорида тилга олинган китобида, – ҳокимият маълумотлар бермай, архивга кириш ва масалани текшириш имконини бермаганидан сўнг, очарчилик қурбонлари сонини аниқлаш осон эмас. Маълум ҳисоб-китобларни эҳтиёткорлик билан қиёслаш шундан шаҳодат берадики, очарчиликдан ва шу боис тарқалган касалликлардан 5–6 миллион кишининг ўлганлиги ҳақиқатга яқин, шулардан 3 миллиони Украинага тўғри келади; шунингдек, Қозоғистон, Шимолий Кавказ ва Ўрта Волга ҳам катта талофат кўрган. Ҳатто расмий рақамларга қараганда ҳам, Украина аҳолиси 1926 ва 1939 йиллар орасида 31 миллиондан 28 миллионга қадар камайиб кетган. ОГПУнинг Сталинга йўлаган маълумотларидан маълум бўлишича, 3,3–3,5 % миллион киши фақат очликдан ўлган”<sup>21</sup>.

Афсуски, очарчилик йилларида Ўзбекистон бўйича қанча кишининг очликдан вафот этгани ҳақида илмий адабиётда бирор маълумот учрамайди. Тарихчилар бу муҳим масалани умуман четлаб ўтишган. Жанубий Қозоғистоннинг Тошкентга чегарадош районларидан оқиб келган очларнинг Чимкент тракти атрофида тўда-тўда бўлиб ўлиб ётганлиги ҳақидаги хотиралар очарчилик

<sup>21</sup> Ўша манба. –Б. 22.

Ўзбекистонни четлаб ўтганини мутлақо англамайди. Ўзбекистон 20-йиллар охиридан бошлаб совет давлатининг пахта базасига айлантирилгани сабабли буғдойзор ва арпазор ерлар ҳам пахта учун ажратилган ва дон маҳсулотлари Ўзбекистонга Россиянинг ғаллакор районларидан келтирила бошлаган. 1932 йилда РСФСР Ўзбекистонни ғалла билан мутлақо таъминламагани сабабли очарчилик ўлкамиздаги ҳар бир хонадонга нақд ўлим шарпасини олиб кирган. Ўзига тўқ ва фаровон турмуш кечирган кишилар ҳам 1932–1933 йилларда очлик азобини тортиб, нариги дунёга равона бўлишган. “Тилла-кумуш тош экан, Арпа-буғдой ош экан” қабилидаги мақоллар шу йилларда тўқилгани тасодифий эмас.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин хорижда нашр этилган “Миллий Туркистон” журналида эълон қилинган мақолаларда очарчилик йилларига оид баъзи бир маълумотлар ҳам учрайди. Бу мақолалардан маълум бўлишича, очарчилик ўроғи Фарғона водийсида, айниқса, кўп одамларни ўриб кетган. Бу мақолаларда бир неча миллион водийликларнинг очликдан вафот этиб кетгани айтилган бўлса-да, бу рақамнинг тахминий эканлиги сезилиб туради. Очарчилик йилларидаги мудҳиш воқеалар ОГПУ назорати остида бўлгани учун вақтли матбуотда ҳам, ўзбек ёзувчиларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топмаган. Чамаси, шу давр ҳақидаги бизга маълум ягона манба Зарифа Саидносированинг “Ойбегим менинг” хотиралар китобидир.

Муаллиф ўзбек халқи тарихининг шу мусибатли йилларини бундай сўзлар билан эслаган:

“1932–1933 йиллар жуда оғир келди. Русияда қурғоқчилик сабабидан буғдой битмади; бу очарчилик, дегани эди.

Бир куни уйда ёлғиз ўзим ўтирар эдим. Кўкракда сут бормийўқми, билмайман. Омон<sup>22</sup> тиззамда, уни эмизар эканман, эшикдан шошилиб қайнотам кириб келди:

– Болам, бир бурда нонингиз борми? – ўтиришга улгурмасдан остонада туриб сўради у.

Мен “йўқ” дея олмадим. Ўрнимдан турдим-да, шкафнинг ост-устини очиб изладим. Бир бурда қаттиқ нон ҳам топилмади. Ҳозир қозонларда, товоқларда қолган ошни, кути-кути ётган

<sup>22</sup> Сўз Ойбек ва Зарифа Саидносированинг тўнғич ўғли, Ўзбекистон Миллий университети доценти, тарих фанлари номзоди Омон Тошмухамедов (1932–2008) ҳақида бормоқда.

қаттиқ нонларни кўрганымда, шу воқеа ёдимга тушади-да, юрагим эзилиб кетади.

Ўша замонда кўчаларда ким кўп – гадоёллар ва ғариблар кўп. Йўл бўйи очликдан шишган одамлар йўлиқарди...

Тезлик билан “ёпиқ дўконлар” ташкил қилинди. Ойбекни ҳам, мени ҳам олимлар ва ёзувчилар учун очилган “ёпиқ дўконлар”га боғладилар. Тирикчилик бир мунча тартибга тушди.

Мен ҳар куни дўконга бориб, бирор нарса кўтариб келаман. Олимлар дўконига эса сингилларим боради.

Эрта баҳор чоғи... Курғоқчилик йилларининг энг оғир вақти. Мен Гоголь кўчасидан борар эканман, бир чол олти яшар бола билан ариқ бўйида ердан недир терар эди. Мен бу манзарадан таажжубланиб, тўхтадим:

– Ота, нима қиялпсиз? – сўрадим чолдан.

– Илдиз теряпмиз, илдиз!.. Еймиз! – деса бўладими у?

Мен уялиб кетдим. Бошимни қуйи солароқ, гўё биров мени қувлагандай, югура кетдим...”<sup>23</sup>

Бир бурда нон, бир қошиқ овқат топа олмаган минглаб ватандошларимиз очлик йилларида гиёҳлар, ўт-ўланларнинг илдизларини, молга бериладиган кунжараларни еб, шишиб-тиришиб ўлиб кетишган.

Октябрь тўнтаришининг дастлабки йилларида ҳам, 20-йилларнинг бошларида ҳам очарчилик бўлган. Лекин 1932–1933 йиллардаги очарчилик жуда кўп кишиларнинг ҳаётдан бевақт ўтиб кетишига сабаб бўлган. Совет давридаги очарчиликлар тарихига назар ташлаган киши уларнинг дастлаб Ленин, сўнгра Сталин раҳбарлигидаги большевиклар партияси ва улар ихтиёридаги ВЧК-ГПУ-ОГПУ туфайли содир бўлганини кўради. 1921 йил охири – 1922 йил бошларида Россияда очарчилик бошланганида, ҳали Туркистонда пахта яккаҳоқимлиги ўрнатилмагани учун очарчилик даҳшатлари ўзбек халқини четлаб ўтган эди. Лекин 1922 йил январь ойи бошларида республика Халқ Комиссарлари Шўроси Туркистонда “Очлик” солигини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қизиги шундаки, мазкур қарор Россияда бошланган очарчилик сабабли чиқарилган бўлиб, Туркистон халқи ўз рўзғоридан орттириб, россияликлар-

<sup>23</sup> Саидносирова З. Ойбегим менинг. Хотиралар. –Тошкент: Шарқ, 1994. –Б. 152.

га озиқ-овқат маҳсулотларини юборган. 1932–1933 йиллардаги очарчилик вақтида эса Ўзбекистон ҳукумати ўз муаммоларини ҳал қилиш машаққатларидан ташқари, Орол денгизидagi балиқларни тутиб, ССРСнинг очлик гирдобига тушган марказий минтақаларига юборишга мажбур этилган.

1932–1933 йиллардаги очарчилик сўнгги йилларда сиёсатчи ва тарихчи олимлар томонидан муайян мақсадда ташкил қилинган, деб талқин қилинмоқда. Роберт Конквист ҳам юқорида номи зикр қилинган китобида шу ҳақда бундай сўзларни ёзган: “Бош мақсад деҳқонларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да, шунчаки батамом бўйсундириш эканига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Виктор Кравченконинг гувоҳлик беришича, Днепропетровск вилоят комитети котиби Хатаевич 1933 йилда унга бундай деган экан: “1933 йил ҳосили бизнинг кучимиз ва сабр-қаноатимиз учун имтиҳон бўлди. Уларга (яъни деҳқонларга – муал.) кимнинг бу ерда хўжайин эканини кўрсатиш учун очлик даркор бўлди. Очлик миллионлаб кишилар ҳаётини ютиб юборди, аммо колхоз тузуми энди барқарор бўлади”. Шундай қилиб, оммавий қирғин ўша вақтда қишлоқда жавлон урди ҳамда минглаб полиция ва партия бошлиқлари шафқатсиз тезкорлик машқига эга бўлдилар”<sup>24</sup>.

Нақадар даҳшатли ҳақиқат! Сталин ва у раҳбарлик қилган ВКП(б) МКнинг Сиёсий бюроси деҳқонларни синдириш, уларнинг инон-эрklarини жиловлаш ва қўл-оёқларига кишан солиш учун омборларидаги сўнгги галлани тортиб олди ва нақд очлик ўлимига гирифтор қилди. Шундай даҳшатли жиноят эвазига жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” кампаниясини амалга оширди ва мамлакатни саноатлаштириш имконига эга бўлди. Сталин ва у раҳбарлик қилган ВКП(б) МКнинг Сиёсий бюронинг ғайриинсоний ва ғайримаданий қиёфасини кўриш учун яна бир масалага тўхталиш лозим.

СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети 1932 йил 7 августда “Давлат корхоналари, колхозлар ва матлуботлар ҳамда жамоат (социалистик) мулкани мустаҳкамлаш тўғрисида” қарор чиқарган. Аҳоли ўртасида “беш бошоқ ҳақида қонун” номи билан “машҳур” бўлган бу қарор совет давлати юзидаги оқ ниқобни бутунлай олиб ташлади.

<sup>24</sup> Конквист Р. Большой террор. Книга 1. –Изд.: РАКСТНИЕКС, 1991. –С. 23.

“Оч дехқонларга қарши кураш учун қабул қилинган бу қарор давлат ва жамоат мулкани ўғирлагани учун ўлим жазоси бериладиган жиноятлар билан тенглаштирди. ОГПУ учликларига ўлим ҳақидаги ҳукмларни сиёсий бюро тасдиғисиз ижро этиш ижозати берилди.

Донни ўғирлагани учун ҳар қандай колхозчи ўн йил оладиган бўлди. Ҳаттоки манман деган судьялар ҳам бир неча бошоқни ўғирлаган дехқонни ўн йилга лагерга юбориш учун қўл кўтара олмадилар.

Тезлаштирилган саноатлаштириш ва дехқонларни мажбурий равишда колхозларга олиб кириш мамлакатни Фуқаролар уруши ҳолатига олиб кирди, деб ёзади Олег Хлевнюк. Оч қолган одамлар галлани олиб чиқишга йўл беришмади. Дехқонлар бутун мамалакат бўйлаб галаён кўтаришди. 1929 йилда мамлакатда 1300 та галаён – ҳар куни тўрттадан галаён бўлиб ўтди. 1930 йил январидagi галаёнларда 125 минг дехқон қатнашди. Февраль ойида – 220 минг. Март ойида эса 800 мингга яқин...

Сиёсий бюро мамлакат устидан раҳбарликни фақат қирғин туфайлигина ушлаб турди. 1930 йилда, ОГПУда олиб борилган “иш”ларга қараганда, 20 мингдан ортиқ киши отиб ташланган...”<sup>25</sup>

Шу йилларда бир ҳовуч бугдой ё арпани уйига олиб кетмоқчи бўлган ёки очликдан тинка-маддори қуригани сабабли бир ҳовуч бугдой ёки арпани хирмондан олиб еган киши ҳам жиноятчи ҳисобланиб, суд қилинган ва лагерга юборилган. Шу йилларда пахта қимматбаҳо стратегик ашё ҳисобланиб, экспортга чиқарилгани учун беш-олти грамм пахтанинг пахтазордаги чаноқларда қолгани ёки йўлга тўкилиб ётгани ҳам давлат мулкига нисбатан хиёнат сифатида баҳоланган ва ёш болалардан тортиб, колхоз раисларигача шафқатсиз равишда жазоланган. Шу тарзда совет давлати халқни ҳам очлик билан қирган, ҳам ўғирликда айблаб қамоқхона ва лагерларга ташлаган.

“Очлик азобини чекаётган дехқонлар, – деб ёзади Л.Млечин, – болаларини боқиш учун бир-икки қисм донни ўғирлашга уринишди. Аммо шу заҳоти ОГПУ ишга тушди. 1930 йилда 7 август қонуни бўйича мингга яқин ўлим ҳукмлари чиқарилади. 1933 йилнинг биринчи ярмида ҳам шунча одам қатл этилди”<sup>26</sup>.

<sup>25</sup> Млечин Л. КГБ. Председатели органов госбезопасности. Рассекреченные судьбы. –Москва: Центрполиграф, 2001. –75–76.

<sup>26</sup> Уша манба. –Б.79.

Очарчилик Украина ва Қозоғистонда, айниқса, даҳшатли кечгани учун бу республикаларда одамхўрлик ҳоллари ҳам оз бўлмади. Қозоғистонда очлик ва тиф эпидемияси туфайли қозоқ аҳолисининг 49 фоизи ҳалок бўлди. Бир неча юз минг қозоқлар Хитой, Мўғулистон, Афғонистон сингари қўшни давлатларга қочиб кетдилар. Шундай ҳоллар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Аммо шу ҳақда на тарихий-мемуар, на илмий адабиётда бирор маълумот учрамайди.

Хуллас, Сталин ва Сиёсий бюронинг “ижоди” бўлган очарчилик 150 миллионли халқ бошига бало тошлари бўлиб тушди.

“1932–1933 йиллардаги очарчилик, – деб ёзади Л.Млечин, – тўрт миллиондан беш миллионга қадар бўлган кишилар ҳаётини олиб кетди. Шу нарса даҳшатга соладики, Сиёсий бюро аъзоларига келган ҳужжатлар таҳлили кўрсатишича, улар очарчилик кўламиндан, одамлар чеккан азоб-уқубатлардан яхши хабардор бўлишган. Аммо тарихчиларнинг қайд қилишича, бирорта ҳужжат йўқки, унда Сталиннинг ва бошқа мамлакат раҳбарларининг миллионлаб ватандошлар қирилиб кетаётганидан ачингани акс этган бўлсин.

Сиёсий бюро аъзолари таназзулдан қандай чиқиш йўлини билишмади. Партиядаги кўпгина кишилар оч қорним – тинч қулоғим, деб ўтиришди. 1929–1931 йилларда партия аъзолари ўртасида навбатдаги тозалаш ўтказилиб, чорак миллион киши ўчирилди.

1932 йил 10 декабрда партия аъзолари ва аъзоликка номзодлар ўртасида янги тозалаш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Тозалаш 1935 йилнинг баҳорига қадар давом этди. Партияга қабул қилиш ва номзодларни аъзоликка ўказиш фақат 1936 йил 1 ноябрдагина қайта тикланди”<sup>27</sup>.

Сталин ва Сиёсий бюро учун шу йилларда миллионлаб кишиларнинг очликдан қирилиб кетаётгани эмас, балки улар ҳалқумидан олиб қолинган дон эвазига илғор хорижий давлатлардан замонавий заводларни сотиб олиш ва мамлакатни санотлаштириш муҳимроқ эди.

#### 2.4. Сталинча қурилишлар ва қуллар меҳнати

1929 йил 11 июлда СССР Халқ Комиссарлари Совети “Жиноятчи маҳбуслар меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида”

<sup>27</sup> Ўша манба. –Б 79–80.

қарор қабул қилди. Мазкур қарор қатагон машинаси бетўхтов ишлаган 30–50-йилларда совет давлатига “меҳнат-тузатув лагерлари”даги миллионлаб қуллар меҳнатидан фойдаланишда “хуқуқий” қалқон бўлиб хизмат қилди.

Тарихдан шу нарса маълумки, большевиклар режимининг сиёсий душманлари ва оддий жиноятчилар учун қамоқхона ва лагерлар Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида, аниқроғи, турли миқёсдаги Фавқулодда комиссиялар мамлакат аҳолисини қон қақшата бошлаган йилларда барпо этилган эди. Маҳбусларни қамоқхоналарда эмас, балки шаҳар чеккаларидаги лагерларда сақлаш ва улар меҳнатидан фойдаланиш ўша йиллардаёқ йўлга қўйила бошлади. РСФСР Адлия халқ комиссарлиги 1918 йилда маҳбуслар меҳнатидан тушган даромаднинг уларга сарф этилган маблағдан зиёда бўлиши йўлларини ишлаб чиқди. 1919 йилдан бошлаб мажбурий меҳнат лагерлари ташкил этила бошланади. Улар гарчанд РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги тасарруфида бўлган эса-да, унга амалда асосан чекистлар раҳбарлик қилишган. Бунга совет давлатининг бош чекисти, ВЧК раиси Ф.Э.Дзержинскийнинг айнаи вақтда ички ишлар халқ комиссари ўринбосари лавозимини эгаллагани қўл келган.

СССР Халқ Комиссарлари Совети 1923 йил 13 октябрда махсус йўналишдаги Соловец лагерини ташкил этиш тўғрисида қарор чиқаради. Мазкур лагернинг рус тилидаги тўла номи “Словецкий лагерь особого назначения” бўлиб, у илмий-сиёсий адабиётда ҳам, маҳбуслар ўртасида ҳам шу сўзларнинг илк ҳарфларидан ташкил топган СЛОН номи билан тилга олиниб келади. Мазкур қарор қабул қилинган ва кучга кирган 1929 йил 13 октябрни СССРда лагерлар тизимининг вужудга келган куни, деб ҳисоблаш мумкин.

Сталин ва у раҳбарлик қилган Сиёсий бюронинг хоҳиши-иродаси билан 20-йилларнинг ўрталарида қишлоқ районларда жамоалаштириш, шаҳарларда эса саноатлаштириш ҳаракати авж олди. Шу йилларда бошланган жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” кампаниялари, аслида, мамлакатни қисқа муддатда тўла саноатлаштириш ишига хизмат қилиши, аниқроғи, “қулоқлар”га тегишли мол-мулкни мусодара қилиш натижасида тушган фойда ҳам, меҳнат посёлкаларида “қулоқлар” меҳнатидан келган даромад ҳам саноатлаштириш кампанияси эҳтиёжига



сарф қилиниши лозим эди. Совет давлати шу ҳар икки кампанияни халқ манфаати йўлида амалга оширилаётган буюк ишлар, деб жар солган. Аммо биринчи ва иккинчи бешйилликлар даврида кўплаб ҳарбий заводларни қуришдан мақсад, биринчи навбатда, совет давлатининг ҳарбий салоҳиятини ошириш, замонавий қурол-аслаҳаларни ишлаб чиқариш, янги ҳарбий кампанияларга тайёрланиш эди.

Жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” кампанияларининг ваҳшиёна йўллар билан амалга оширилиши натижасида собиқ совет мамлакати бўйлаб кўплаб исён ва ғалаёнлар кўтарилди. Бу исён ва ғалаёнлар шафқатсизлик бостирилиб, уларнинг раҳбарлари ва аксар иштирокчилари қамоққа олинди. Шу тарзда “маҳбуслар армияси”ни ташкил қилганлар сони кундан-кунга ошиб борди. Бу ҳол, ўз навбатида, лагерлар тизимининг йил сайин кенгайиб бориши ва пировардида “Жиноятчи маҳбуслар меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида”ги қарорнинг чиқишига сабаб бўлди.

Мазкур қарорга кўра, ОГПУ собиқ иттифоқнинг етиб бориш ва ўзлаштириш қийин, аммо ер ости ва ер усти бойликлари зиёда бўлган чекка ўлкаларида хўжаликни ривожлантириш, шу муҳим вазифани бажариш учун эса жамиятдан айри қилинган хавфли унсурлардан фойдаланиш ва улар ёрдамида аҳолиси кам бўлган жойларни ўзлаштириш лозим эди. Хуллас, совет давлати ичида “меҳнат-тузатув лагерлари” деб аталган яна бир улкан давлат пайдо бўлди. Бу давлат Соловец оролларида Урта Осиёгача, Кавказдан Узоқ Шарққача бўлган бепоён ҳудудда миллионлаб маҳбусларни қул қилиб ишлатди. Улар ишлаган жойлар “сталинча буюк қурилишлар”, улар яшаган жойлар эса 1918–1929 йилларда “махсус йўналишдаги лагерлар”, 1929 йилдан кейин эса “меҳнат-тузатув лагерлари” деб аталди. Маҳбуслар йўллар ва йирик саноат корхоналарини қурдилар, балчиқ жойларни қурутдилар, ўрмонларда дарахт кесдилар, тилла ва кўмир конларида силласи қуриб йиқилиб тушгунча меҳнат қилдилар. Тўйиб овқат емаган, иссиқ кийинмаган, аёзли рус қишига мослашмаган, ярим оч маҳбуслар шафқатсиз назоратчилар ва улардан ҳам шафқатсиз итларнинг назорати ва таъқиби остида ишладилар.

1930 йил охирларида ОГПУ қошида Лагерлар бош бошқармаси ташкил этилди. Шу тарзда бутун дунё аҳлини ҳамон ларзага солиб келаётган “ГУЛАГ архипелаги” майдонга

келди ва ғоят катта кўламли лойиҳаларни бажаришни бўйнига олган лагерлар ташкил этила бошлади.

“Россия. XX век” рукнида нашр қилинган “ГУЛАГнинг сталинча қурилишлари. 1930–1953” (Москва, 2005) тўпламида “маҳбуслар армияси” кучи билан бунёд этилган иншоотлар ва қурилишлар ҳақидаги махфий ҳужжатлар эълон қилинган. Тўплам “Каналлар”, “Темир йўллар” ва “Колимада тилла олиниши” деган уч бобдан иборат бўлиб, канал ва темир йўл қурилишлари ҳам, олис Колимадаги конларнинг ўзлаштирилиб, ишга туширилиши ҳам қуллар меҳнати билан амалга оширилганки, жаҳон тарихида бундай гайриинсоний воқеа бўлмаган.

ОГПУ-НКВД-МВД органлари томонидан ишлаб чиқилган режага кўра, 1930–1953 йилларда Беломорканал, Москва-Волга, Главгидростройдан ташқари, бошқа қурилишлар ҳам амалга оширилиши лозим эди. “Шу давр, – деб ёзилган мазкур тўпламнинг муқаддимасида, – Совет давлатига И.В. Сталин раҳбарлик қилган даврга тўла тўғри келади. Тўпلامимизда текширилаётган ОГПУ-НКВД-МВДнинг барча қурилишлари ё унинг ташаббуси билан, ёки унинг синчков назорати ва фаол иштирокида бошланган (бу қурилишларнинг ўша пайтда “коммунизмнинг сталинча қурилишлари”, “буюк сталинча қурилишлар” деб номланиши шундан), Сталиннинг ўлимидан кейин эса тўхтатилган. Тўпلامимизда текширилаётган шундай қурилишлар орасида БАМ, Чум-Салехард-Йгарка темир йўл магистрали, Татар бўғози тагидан ўтадиган тоннель ҳам бўлган”<sup>28</sup>.

Агар Сталин ўлмаганида совет давлати бу қурилишларда қуллар меҳнатидан фойдаланишда давом этган ва ГУЛАГ архипелагида қуддорлик тузумини қайта тиклаган бўларди.

#### **2.4.1. Беломор-Болтиқ канали (Беломорканал)**

Беломор-Болтиқ каналини қуриш ғояси XIX асрда пайдо бўлган. Бу қурилиш Болтиқ денгизи билан Оқ денгиз ўртасидаги сув йўлини қарийб 4 минг километрга қисқартириши мумкин эди. Аммо чор ҳукумати қурилишга ҳаддан зиёд катта маблағ сарф бўлиши ва ва шу маблағ ўзини оқдамаслиги мумкинлигидан чўчиб, уни бошлашга журъат этмаган. Фақат 1930 йилга келиб, аван-

<sup>28</sup> Сталинские стройки ГУЛАГа. 1930–1953. Составители: А.И.Кокурин, Ю.Н.Моруков. –М., 2005. –С.7.

тюрларча бошланган бошқа кампаниялар ва стратегик объектлар қаторида шу қурилишни ҳам бошлашга қарор қилинди. Сталин иштирокида ишлаб чиқилган режага кўра, қурилиш мамлакатда илк бор маҳбуслар меҳнати эвазига амалга ошиши лозим эди.

Шу вақтда СССРдаги энг кўп маҳбуслар “маҳсус йўналишдаги Соловец лагер”да тўпланган бўлиб, улар Беломорканал қурилишига сафарбар этилади. Генрих Ягода қурилишга ажратилган маблағни тежаш мақсадида ҳатто экскаваторлардан фойдаланмаслик ва барча ишларни қўл билан бажариш ҳақида буйруқ беради. Қурилиш зарбдор суръатлар билан олиб борилиб, 20 ойда яқунланади. Тарихчилар узунлиги 227 км бўлган Беломорканалнинг 20 ойда қуриб битказилгани тўгрисида ёзганларида, узунлиги 80 км ни ташкил этган Панама каналини қуриш учун 28 йил, 160 км узунликдаги Суэц каналини қуриш учун эса 10 йил даркор бўлганини айтишни унутмайдилар. Беломорканал қурилишининг икки йилга етар-етмас муддатда тезкорлик билан тугалланганининг асосий боиси маҳбусларнинг қулдорлар қамчиси остида ишлаши эди. Қурилишда қатнашган 280 минг маҳбуснинг учдан бир қисми совуқ ва оғир меҳнатдан вафот этгани бу фикрнинг далилидир.

Шлюзлардан бирининг яқинида гранит плита ўрнатилган бўлиб, унда: “БелБалтЛag маҳбуслари – канал қурувчиларига. Биз сизларни унутмаймиз”, деган сўзлар ёзилган.

1930 йил майида СССР Меҳнат ва Мудофаа Советида “Болтиқ-Беломор йўл қурилиши тўгрисида” маъруза тайёрланиб, унинг биринчи қисмида канал трассасининг Нева дарёсидаги Ленинград портидан Ладога кўли орқали Свирь дарёси бўйлаб, Онега кўли ва Онега-Беломор канали орқали Оқ денгизга чиқиши айтилган, шунингдек, йўлнинг умумий узунлиги 906 км, навигация (сув йўли) эса йилда 150–170 кун давом этиши қайд этилган эди. Маърузанинг бошқа бўлимларида қурилажак каналнинг ҳарбий-стратегик аҳамиятидан ташқари, транспорт ва халқ хўжалиги тараққиётида тутажак ўрни ҳақида сўз борган. Маъруза Сиёсий бюронинг 1930 йил 5 майдаги йиғилишида муҳокама қилинади. Ўша йилнинг 3 июнида СССР ХКС раиси ўринбосари В.В.Шмидт “Болтиқ-Беломор каналини қуриш ҳақида”ги Меҳнат ва Мудофаа Совети қарорига имзо чекади. Шу куни Болтиқ-Беломор каналини қуриш бўйича Комитет тузилиб, Я.Э.Рудзутак – раис, Г.Г.Ягода – раис ўринбосари, И.Ф.Кадацкий ва С.А.Бергавинов

эса комитет аъзолари этиб тасдиқланади. Комитетнинг 31 майдаги йиғилишида ОГПУга Беломорканал қурилишини ишчи кучи билан таъминлаш вазифаси топширилади.

1930 йил 18 февралда ОГПУ Лагерлар бошқармаси бошлиғи ёрдамчиси Я.Д.Раппопорт ва ОГПУ Транспорт бўлими бошлиғи ёрдамчиси В.А.Кишкин ОГПУ раиси ўринбосари Ягода номига рапорт йўллайди. Унда ёзилишича, Лагерлар бошқармаси ихтиёридаги маҳбуслар орасида малакали ишчи кучи озми-кўпми бўлгани ҳолда ер қовлаш ишлари учун зарур миқдорда инженерлар мутлақо йўқ эди. Яна шу ҳужжатда қайд қилинишича, ОГПУ Транспорт бўлими томонидан ҳибсга олинган зараркунанда-инженерларни Лагерлар бошқармасига юбориш, шунингдек, "тергов жараёнида мазкур ишга ярайдиган яна бир қанча шахсларни қамоққа олиш йўли билан бу масалани ҳал қилиш мумкин эди.

Хуллас, Беломорканал қурилиши учун ОГПУнинг Соловец лагерини ишчиларни етказиб беради. Агар 1930 йил июнида каналнинг бўлажак трассасидаги ишлар учун 600 нафар маҳбус ажратилган бўлса, 1931 йил ўрталарида улар сони 10 мингдан ортади. 1932 йил 1 январда БелБалт лагерида 64 минг 400, 1932 йил 1 апрелда 80 минг 200, 1932 йил 1 июлда 122 минг 800, 1932 йил 1 октябрда 125 минг, 1933 йил 1 январда 107 минг 900, 1933 йил 1 апрелда 119 минг 660, 1933 йил 1 июлда эса 66 минг 971 нафар маҳбус ишлайди. 1933 йил июлида маҳбуслар сонининг озайиши бир қисм маҳбусларнинг Москва–Волга канали қурилишига ташланиши ва стахановча ишлаган маҳбусларнинг озод қилинишидир.

Беломор-Болтиқ сув йўли қурилишида қатнашган БелБалт-Лаг маҳбусларининг "ўлими жадвали" қуйидагича:

1931 йилда 1 минг 438 киши ёки лагердаги маҳбусларнинг ўрта йиллик сонидан 2, 24 % ўлган.

1932 йилда 2 минг 10 киши ёки лагердаги маҳбусларнинг ўрта йиллик сонидан 2, 03 % ўлган.

1933 йилда 8 минг 870 киши ёки лагердаги маҳбусларнинг ўрта йиллик сонидан 10, 56 % ўлган.

1933 йилдаги ўлиш ҳолларининг кўпайиш сабаблари мамлакатда очликнинг ҳукм сургани, маҳбусларни овқатлантиришнинг кескин даражада ёмонлашгани, баҳорги тошқин арафасида каналдаги ишларнинг ҳаддан зиёд ортгани ва оғирлашгани, асосий иншоотларнинг ишга туширилганидир.

Курилишда қўл меҳнати асосий меҳнат тури бўлгани учун кўп нарса меҳнат жараёнини ташкил қилишга боғлиқ эди. Беломорканал курилишида *бригада* ва *фаланга* деган ишлаб чиқариш уюшмаларининг икки тури ўйлаб топилган. Бригада 25–30 кишидан ташкил топган бўлиб, улар ер қазииш, арматура билан ишлаш, замбил ташиш сингари ишнинг муайян турлари билан машгул бўлган. 250–300 кишидан иборат фалангалар эса белгиланган участкадаги барча ишларни комплекс тарзда амалга оширган. Ишлаб чиқариш уюшмаларининг бу ҳар икки тури лагерда меҳнат жараёнининг тўғри ташкил этилишида муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Бу ҳар икки ишлаб чиқариш уюшмасида ишнинг самарали бўлиши ва қизгин тус олишида илғор маҳбусларни тақдирлаш масаласи муҳим омил бўлди. Илғор бригада ва фалангаларга Фахрий байроқларни топшириш, самарали меҳнати билан ажралган маҳбуслар номини Ҳурмат тахтасига ёзиш ва уларни ёрлиқлар билан мукофотлаш сингари маънавий рағбатлантириш йўлларидан ташқари, моддий мукофотлар ҳам жорий этилди. Нормани эплаган ва ортиғи билан бажарган маҳбуслар 1200 г гача нон паёғи, карам ёки картошкали пирашка (прембюдо) ва пул билан тақдирланишган. Аммо маҳбуслар учун энг керакли ва орзу қилинган мукофот ишчи кунларининг ҳисобга олиниши эди. Нормани ортиғи билан бажарган маҳбуслар учун уч иш куни муддатнинг 5 кунига, зарбдорларнинг ҳар бир иш куни муддатнинг бир кунига тенглаштирилган эди. Лекин интизомни бузган, ишдан бош тортган ёки ишлабчиқариш натижаси сохта бўлган маҳбуслар паёғи қисқартирилиб, улар кучайтирилган режимли ротага ўтказилган, ҳисобга олинган кунлари бекор қилинган, ҳатто ишлари судга узатилган.

1933 йил бошларида Болтиқ-Беломор сув йўли курилиши якунланади. Шу йил 23 апрелда каналнинг 165-участкасига сув қуйилади. Сўнгги ишлар бораётганига қарамай, 28 майда канал бўйлаб “Чекист” пароходи бошчилигида кемалар карвони суза бошлайди.

1933 йил 2 августда СССР ХКСнинг “Ўр. Сталин номидаги Беломор-Болтиқ каналини очиш тўғрисида”ги қарорига имзо чекилди. Шу йилнинг 4 августидан СССР Марказий Ижроия Комитети (МИК) Беломорканал курилишида самарали меҳнат

қилган ишчилар, инженерлар ва раҳбарларни СССР орденлари билан мукофотлади. Шубҳасиз, мукофотланганлар орасида бирорта маҳбус бўлмаган. Аммо СССР МИК шу куни “Ур. Сталин номидаги Болтиқ-Беломорканал қурилиши қатнашчиларига имтиёзлар бериш тўғрисида” ҳам қарор қабул қилган. Шу қарорга кўра, 12 минг 484 маҳбус жазо муддатини ўташдан озод қилинган, 59 минг 516 маҳбуснинг жазо муддатлари эса қисқартирилган.

227 километрлик каналнинг атиги йигирма ойда қуриб туғалланиши афсонавор воқеа эди. Аммо каналнинг ҳар бир километрида қанчадан-қанча маҳбусларнинг суяклари қолгани ҳеч кимни қизиқтирмади. Аксинча, совет тарғибот машинаси катта тарихий воқеа рўй бергани ҳақида бонг урди. 1933 йил 17 августда 120 нафар совет ёзувчиси канал бўйлаб пароходда сайр қилишди. Бу ёзувчилар орасида Максим Горький, Алексей Толстой, Валентин Катаев, Вера Инбер, Виктор Шкловский, Лев Никулин, Евгений Габрилович, Михаил Зощенко, Всеволод Иванов сингари машҳур қалам аҳллари бўлишган. Шубҳасиз, улар ўзларининг нима мақсадда бу саёҳатга таклиф қилинганларини яхши билишган: улар “халқлар доҳийси”нинг донолиги, минглаб маҳбусларнинг фойдали меҳнат кучогида қайта тарбиялангани, совет давлат тузумининг афзаллиги ҳақида китоб ёзишлари лозим эди. 84 ёзувчи қандайдир йўл билан совет ҳукумати томонидан режалаштирилган лойиҳада қатнашиш “бахти”дан озод бўлишга эришди. Қолган 36 ёзувчи эса бирор узрли баҳона топа олмади ёки лойиҳадан четда туришни ўзига эп кўрмади. Хуллас, 1934 йили “Сталин номидаги “Беломор-Болтиқ канали” деган маҳобатли китоб олам юзини кўрди ва муаллифлар бу китобни партиянинг “шонли XVII съезди”га катта ҳурмат билан бағишладилар.

#### ***2.4.2. Махсус йўналишдаги Соловец лагери (СЛОН)***

Махсус йўналишдаги Соловец лагери 1923 йилда Соловец оролларида ташкил этилган ва 1939 йилга қадар ҳукм сурган. Лагерь дастлаб олти бўлинмадан иборат бўлган. Олти оролда жойлашган бу бўлинмалардан ташқари, Кемь шаҳрида тақсимот пункти фаолият кўрсатган. 20-йилларнинг иккинчи ярмида

СЛОН бениҳоя кенгайиб, Оқ денгиз қирғоқларидан Карелияга-ча бўлган ҳудудларни эгаллаган ва Соловки СЛОНнинг ўн икки бўлинмаларидан бири бўлиб қолган.

1933 йилда Соловки Беломор-Болтиқ канали қурилишининг 8-бўлинмасига, СЛОН 1937 йилда қайта қурилиб, Махсус йўналишдаги Соловец қамоқхона (турма)сига – СТОНга айлантирилган. СТОН эса 1939 йилда тугатилган.

Соловкига ўн минглаб маҳбуслар келтирилган ва улар ниҳоятда оғир шароитда, ўта совуқ иқлимда шафқатсизларча ишлатилган. Соловец лагерида қулар меҳнатидан фойдаланишда эришилган тажриба ОГПУ ва совет давлати раҳбарларига меҳнат-тузатув лагерлари тизимини бунёд этиш имконини берган ва бу лагерлар жазо муддати ўтиладиган муассасаларнинг асосий турига айланган.

РАССЕЛЕНИЕ

Организовано по плану № 1.

Пр. № 4 и. д. -

28.8.33

ВОСТАНАВЛЕНИЕ

СОСТАВА ПАРТИИ К. КОММУНИСТОВ СССР

Совет Народных Коммунистов СССР восстанавливает:

1.- Организацию Соловецкого Лагерь Прислужившим: работ особого назначения и двух переобучаемо-воспроизводительных пунктов в Архангельской и Земля.

2.- Организацию и управление указанным в ст. 1 Лагерем и переобучаемо-воспроизводительными пунктами возложить на ОГПУ.-

3.- Все участки, здания, леса и мертвый инвентарь, ранее принадлежавшие бывшему Соловецкому монастырю, а также Пертоместовский и Архангельскому переобучаемо-воспроизводительному пункту передать безвозмездно ОГПУ.-

4.- Одновременно возложить в пользование ОГПУ находящуюся на Соловецких островах недвижимость.-

5.- Основа в ОГПУ немедленно поступить к организации труда заключенных для использования основано-хозяйственных, ремесленных и промыслов и предприятий, освобожденных полностью от уплаты государственных и местных налогов и сборов.

ЗАМ. ПРЕДСЕДАТЕЛЯ СОСТАВА

НАРОДНЫХ КОММУНИСТОВ:

ПРЕДСЕДАТЕЛЬ СЕЛМАЕ СОСТАВА

НАРОДНЫХ КОММУНИСТОВ:

С Е К Р Е Т А Р Ь СОСТАВА


НАРОДНЫХ КОММУНИСТОВ:

/10762/003/

/007/НЕВА/.-

СССР ХКСнинг Соловец лагерини тузиш ҳақидаги қарори. 1923 йил.

Карта-схема лагерных отделений, командировок, агглюнтов, 1923–1936 гг.



Лагерь бўлимлари ва пунктларининг схема-картаси.  
1923–1936 йй.

Совет мамлакатида яшаган 50 га яқин миллат ва элатларга мансуб маҳбуслар 1923 йилдан бошлаб Соловец лагерига юборилган.

Афсуски, қурилишга оид юқорида келтирилган маълумотлар умумий характерга эга бўлиб, мазкур қурилишда ўзбек миллатига мансуб қанча маҳбус қатнашгану, шулардан қанчаси ҳалок бўлгани аниқ эмас.



Соловец лагерига янги маҳбусларнинг келиши. 1927 й.





Лагернинг ўрмон зонасидаги кўриқлаш иншооти

Соловец оролида тор темир йўл қурилиши

Аммо Соловец лагеридаги маҳбусларнинг 1927 йилнинг 1 октябрдаги миллий таркиби қуйидагича бўлган:

Руслар	9 364	Литваликлар	58	Тоғлиқлар	7
Яҳудийлар	739	Кареллар	48	Руминлар	7
Белоруслар	592	Венгрлар	40	Тавлинлар	7
Поляклар	353	Эронийлар	39	Афгонлар	7
Украинлар	229	Чувашлар	32	Французлар	6
Туркманлар	198	Чеченлар	29	Бурятлар	6
Татарлар	184	Лезгинлар	28	Қараймлар	5
Грузинлар	184	Ингушлар	26	Доғистонликлар	4
Эстонлар	113	Хитойлар	24	Кабардинлар	4
Арманлар	108	Қалмиқлар	23	Қирғизлар	3
Латинлар	91	Лўлилар	22	Серблар	3
Черкеслар	89	Турклар	21	Италянлар	2
Немислар	65	Греклар	20	Албан	1
Ўзбеклар	63	Чехлар	13	Зириян	1
Финлар	62	Молдаванлар	9	Корейц	1
Осетинлар	59	Сартлар	8	Черемис	1

Шубҳасиз, Беломорканалдек улкан қурилишлар бошланган 30-йилларнинг биринчи ярмида юқорида номлари келтирилган миллатлар каби, ўзбек халқининг ҳам совет давлати томонидан жиноятчи ҳисобланган кўплаб фарзандлари турли баҳонаи сабаблар билан қамоққа олинган ҳамда мазкур қурилишлардаги “қуллар армияси” сафида меҳнат қилган ва ўлиб кетган.

Соловец оролига 10 йиллик жазо муддатини ўташ учун

1930 йилда юборилган ўзбеклар орасида Ўзбекистон маориф халқ комиссари ўринбосари, шоир Боту (Маҳмуд Ҳодиев) ҳам бўлган. Ботунинг рафиқаси Валентина Васильеванинг қизи Наима Маҳмудова томонидан эълон қилинган кундаликлари (Тошкент, 2012) ва “Соловкига сафар” (“Тарихнинг номаълум саҳифалари”, 3-китоб, Тошкент, 2012) ёдномасида шоирнинг Соловкидаги ҳаётига доир маълумот берилган.

### **2.4.3. Москва – Волга канали қурилиши**

1931 йил июнь ойида ВКП(б) МКнинг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ВКП(б) МК ва Москва шаҳар партия комитети биринчи котиби Л.М. Каганович “Москванинг шаҳар хўжалиги ва СССР шаҳар хўжалигини ривожлантириш тўғрисида” маъруза қилиб, Москвани сув билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхталлади ҳамда мазкур масала даврнинг энг ўткир масаласи эканини таъкидлайди.

Шу йилларда Москвадаги кўчаларнинг 73 %, уйларнинг эса 42 % гина сув тармоғига уланган, ёз кунларида айрим кўчалардаги, ҳатто шаҳар марказидаги сув қувурлари бўлган уйларида ҳам сув кеча ва кундуз давомида иккинчи қаватдан тепага чиқмасди. Ҳолбуки, шаҳар ичида аҳоли истиқомат қиладиган кўп қаватли уйлاردан ташқари, Москва автомобиль заводи, Электрозавод, “Шарикоподшибник”, “Велострой” сингари йирик саноат корхоналари бўлиб, уларнинг ҳам сувга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи йилдан-йилга муаммо бўлиб келаётган эди. Мавжуд оғир вазиятдан чиқиш учун 1931 йилда Москва дарёсининг Можайск участкасида, шунингдек, Истра ва Руза дарёлари бўйида ҳовузлар қуриш ғояси кўтарилган эди. Аммо бу ғоя масалани тўла ҳал этиш имконини бермаслиги аён бўлгани учун Москва дарёсини Волга билан қўшиш ғояси ҳам пайдо бўлган эди. Бу ғоянинг амалга ошиши натижасида Москвани сув билан таъминлаш масаласи ҳал бўлибгина қолмай, Москва дарёсидаги сув сатҳи ҳам бир неча барабар кўтарилиб, Волга дарёсидаги пароходлар бу ерга кира олган, шунингдек, Москва беш денгиз билан боғланган бўларди.

ВКП(б) МКнинг июнь пленуми шу лойиҳани маъқуллаб, Москвадаги ташкилотларга Давлат Режа комитети (Госплан) ва Сув хўжалиги халқ комиссарлиги билан биргаликда шу ин-

шоот лойиҳасини зудлик билан ишлаб чиқишни ва 1932 йилда Москва дарёсини Волга билан қўшиш бўйича қурилиш ишларини бошлаб юборишни топширади.

1931 йил 10 октябрда, ҳали Беломорканал қурилиши тугамасдан, СССР ХКС раиси ўринбосари Я.Э.Рудзутак СССР ХКСнинг шу ҳақдаги қарорини имзолайди. Айни пайтда “Москва-Волга канали ҳамда Москва порти – Москаналқурилиш (МКС)ни барпо этиш бўйича давлат қурилиши ҳақидаги Низом” эълон қилинади. СССР ХКСнинг қарори билан А.И.Фридман Москва-Волга канали қурилишининг бош инженери, ОГПУ ГУЛАГи бошлиғи Л.И.Коган эса Москва-Волга канали қурилишининг бошлиғи этиб тайинланади. Л.И.Коган 1931 йил 16 ноябрдан эътиборан ўриндошлик асосида Беломорканал қурилишига ҳам бошчилик қилади.

1932 йил 1 июнда СССР Госплани раиси ва СССР ХКС раиси ўринбосари В.В. Куйбишев СССР ХКСнинг Москва-Волга канали қурилишини бошлаш тўғрисидаги қарорига имзо чекади. Қарорда кўрсатилишича, канал қурилиши 1934 йилнинг ноябрь ойида тугалланиши лозим эди. Яна шу қарорга кўра, СССР Меҳнат халқ комиссарлигига канал қурилишига ишчи кучини ёллаш районларини белгилаш вазифаси топширилган, шунингдек, қурилишда Беломорканал қурилишидаги ишлардан бўшган ишчи кучи ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш имконияти берилган эди.

1932 йил 14 сентябрда СССР ОГПУнинг қарори билан Москва яқинидаги Дмитров шаҳрида ОГПУнинг Дмитров меҳнат-тузатув лагери ташкил этилади.

Беломорканал қурилишининг асосан қул меҳнати ҳисобига амалга оширилаётганидан ҳайратланган ва романтик хаёлларга берилган айрим раҳбар шахслар шу йилларда янги-янги қурилишларни бошлаш таклифи билан чиқадилар. Бундай таклиф ва ғоялар бошланган улкан қурилишларнинг белгиланган муддатда тугашига жиддий ҳалал бериши мумкинлиги сабабли СССР ХКС 1932 йил 25 октябрда “ОГПУ кучлари билан бажарилаётган қурилиш объектлари тўғрисида” қарор қабул қилади. Қарор қуйидаги икки моддадан иборат бўлган:

“1. ОГПУ зиммасига икки муҳим қурилиш – Москва-Волга канали ва Байкал-Амур магистрали топширилгани муносабати

билан ОГПУ лагерлари учун қуйидаги объектлар асосий ишлар ҳисоблангани учун, қандай бўлишидан қатъий назар, ОГПУ лагерларига янги ишларни юклаш тақиқлансин:

- а) Беломорканалдаги қурилишнинг тугалланиши;
- б) Москва-Волга канали қурилиши;
- в) Байкал-Амур магистрали қурилиши;
- г) Колима;
- д) Ухта ва Печорадаги ишлар;
- е) Москва ва Ленинград учун мавжуд дастур асосида ўтин тайёрлаш.

2. Қайд қилинган объектлар қурилиши ОГПУ зиммасига топширилгани учун ОГПУ лагерларидаги эркин ва маҳбус мутахассисларни бошқа ташкилотларга кўчириш тўхтатилсин”.

Сўнги йилларда эълон қилинган бу махфий қарор билан танишиш 30-йиллар аввалида қуллар меҳнатидан нафақат Беломорканал ва Москва-Волга канали, балки Волга-Дон канали, Байкал-Амур магистрали қурилишларида, шунингдек, Колимадаги ўрмонлар, тила ва торф конларида ишлаш, Ухта ва Печора дарёларидаги ишларни бажариш, ҳатто Москва ва Ленинград шаҳарлари учун ўтин тайёрлашда ҳам фойдаланилган.

Масалага чуқурроқ қараган киши шу йилларда СССРда яширин қуддорлик тузуми ҳукм сургани ва бу тузум ГУЛАГ архипелагида фаолият кўрсатиб, совет давлати хазинасини қон ва тер билан топилган миллиардлаб пуллар билан бойитганига амин бўлади.

#### **2.4.4. Дмитров меҳнат-тузатув лагери (Дмитлаг)**

Москва вилоятидаги Дмитров меҳнат-тузатув лагери ОГПУнинг 1932 йил 14 сентябрдаги буйруғи асосида ташкил этилган. ГУЛАГ 5-(таъминот) бўлимининг собиқ бошлиғи А.Е.Сорокин Дмитлаг бошлиғи этиб тайинланган. Унинг 1932 йил 9 октябрда чиқарган буйруғига кўра, қуйидагилар лагернинг тартиб-интизом қоидалари бўлган:

1. Эрталаб соат 5 дан 30 дақиқа ўтганда туриш.
2. Эрталаб соат 5 дан 45 дақиқадан бошлаб соат 6 дан 30 дақиқа ўтгунга қадар нонушта қилиш.
3. Соат 6-ю 30 дан соат 7 гача сафланиб, иш жойига етиб бориш.

4. Соат 7 дан 17 гача – ишлаш.
5. Соат 17 дан 19 гача – овқатланиш.
6. Соат 19 дан 22 гача – маданий-тарбиявий ишлар.
7. Соат 22 дан 5 дақиқат ўтганда ётиб ухлаш.

Лагерь пункти бошлиғи томонидан белгилаб берилган зонада маҳбусларнинг юриши қатъиян тақиқланган; уларнинг тунги соатларда бу зонада – ўқ отилиши мумкин бўлган жойда юриши қочишга уриниш, деб баҳоланган ва бундай ҳолларда постда турган қўриқчиларнинг маҳбусни огоҳлантирмасдан ўқ отишларига рухсат берилган.

1933 йил 11 февралда Я.Д. Раппопорт, орадан ярим йил ўтгач, 1933 йил 23 сентябрда эса С.Н. Фирин лагерь бошлиғи этиб тайинланади. Фириннинг 1933 йил 2 декабрда чиқарган буйруғига кўра, СССРнинг жанубий республикаларидан борган маҳбуслар учун совуқ 25°га чиққанида, бошқалар учун эса совуқ 30°га чиққанида иш тўхтатилган.

1932 йил октябридан бошлаб ОГПУ лагерларидаги маҳбусларнинг биринчи партияси Дмитлагга кела бошлайди. 1933 йил сентябрида Дмитлагга Ленинград ва Ўрта Осиёда ҳибсга олинган, шунингдек, Темникомский ва Вишерский лагерларидан, Саратовский меҳнат-тузатув лагеридан ва Сибирдан маҳбуслар келади. В.Головановнинг “Мусибат географияси” (“География скорби”, “Вокруг света” журнали, 2003 йил, 43-сон) мақоласида берилган маълумотга қараганда, 1933 йил 1 январда Дмитлагдаги маҳбуслар сони 1 миллион 200 минг киши бўлган. Аммо “Сталинские стройки ГУЛАГа” китобида қайд қилинишича, 1933 йил 1 январда Дмитлагда 10 минг 400, 1933 йил 1 апрелда 39 минг 328, 1933 йил 1 июлда 53 минг 116, 1933 йил 1 октябрда 86 минг 914; 1934 йил 1 январда 88 минг 534, шу йилнинг 1 апрелида 118 минг 155, 1 июлида 163 минг 845, 1 октябрда 188 минг 311; 1935 йил 1 январда 192 минг 229, шу йилнинг 1 апрелида 195 минг 648, 1 июлида 182 минг 633, 1 октябрда 189 минг 882; 1936 йил 1 январда 192 минг 34, 1 апрелда 175 минг 629, 1 июлда 180 минг 390, 1 октябрда 183 минг 414; 1937 йил 1 январда 146 минг 920, 1 апрелда 147 минг 695, 1 июлда 74 минг 693, 1 октябрда 29 минг 660; 1938 йил 1 январда 16 минг 66, 1 февралда эса 6 минг 814 нафар маҳбус бўлган<sup>29</sup>.

<sup>29</sup> Сталинские стройки ГУЛАГа. 1930–1953. –М., 2005. –С. 65, 71, 77.

1934 йил 1 январдаги маълумотга кўра, Дамитлагдаги маҳбусларнинг 70 % Москва-Волга канали қурилишида ишлаган.

1936 йил июлидаги маълумотга кўра, канал қурилишида Дамитлагдаги СССР халқларининг 46 миллати вакиллари ишлаган.

1936 йил 25 октябрга қадар бир ойда атиги 9 кунгина маҳбуслар учун гўштли овқат тайёрланган, 1936 йил 25 октябрдан кейин эса бу “гўштли кунлар” сони 15 га кўтарилган, яъни маҳбуслар бир кун гўштли, бир кун гўштсиз овқат истеъмол қилишган.

Дамитлагдаги ўлим даражаси қуйидагича:

1933 йилда – 8 минг 873 киши ёки маҳбуслар умумий сонининг 16,1 %.

1934 йилда – 6 минг 41 киши ёки маҳбуслар умумий сонининг 3,88 %.

1935 йилда – 4 минг 349 киши ёки маҳбуслар умумий сонининг 2,3 %.

1936 йилда – 2 минг 472 киши ёки маҳбуслар умумий сонининг 1,4 %.

1937 йилда – 1 минг 68 киши ёки маҳбуслар умумий сонининг 0,9 %.

1938 йилда – 39 киши<sup>30</sup>.

1932 йил 14 сентябрдан 1938 йил 31 январга қадар Дамитлагда 22 минг 842 киши вафот этган.

Қурилишда ишлаган маҳбусларнинг муайян фоизи совуқ, очлик, хасталик ва ишнинг оғирлигидан вафот этибгина қолмай, ногирон ҳам бўлиб қолган. Шу боис Дамитлаг бошлигининг 1934 йил 30 январь санали буйруғи асосида канал қурилишининг Шимолий районида Ногиронлар шаҳарчаси ташкил этилган.

Дамитлагдаги маҳбусларнинг қандай шароитда яшаб ишлагани тўғрисида замондошларнинг қуйидаги хотиралари ёрқин тасаввур беради: “Мингга яқин ифлос, силласи қуриган кишилар белларига қадар лойга ботиб, котлован тагида ивирсинарди. Холбуки, октябрь, ноябрь ойлари келиб, даҳшатли совуқ бошланган эди! Энг асосийси, маҳбуслар ҳаддан зиёд озиб-тўзиган ва оч эдилар”. Яна бир хотира: “Қараб турсак: гоҳ бир, гоҳ бошқа

<sup>30</sup> Кўрсатилган манба. – С.77.

бир маҳбус лойга ағанаб тушмоқда. Улар заифликдан жонларини худога топшираётган, куч-қувватлари қолмаган эди. Ўликларни аравалар – “грабарка”ларга солиб, олиб кетишарди...”; “Тасодифан гувоҳлар кўриб қолмаслиги учун тун тушишига яқин ...каналдан йиртиқ иштонли ўликлар ортиланган “грабаркалар” карвони секин-аста кўзголар, махсус дафн командаси эса отларни олиб келар эди. Олдиндан кундуз кунлари ўрмонда узун ва чуқур ўраларни қазиб қўйишарди. Одамларни қабрга, худди молни ташлагандек, бир-бирининг устига отиб юборишарди. Бир карвон кетиши билан иккинчиси етиб келарди. Яна одамларни ўрага ташлашарди...”<sup>31</sup>

Маҳбуслар шундай оғир шароитда ишлаб, ўлганларига қарамай, лагерда нашр қилинган газеталарда шундай воқеалар ҳақида ёзиш қатъиян тақиқланган эди. Кимки лагердаги тартиб-интизомни, бирор жойда ёзилмаган қонун-қоидаларни бузса, қаттиқ жазоланар, ё муддатига янги муддат қўшилар, ёки отиб ташланар эди.

Каналда хизмат қилган маҳбуслар учун униформа (ягона ярим ҳарбий форма) жорий этилган бўлиб, улар канал аскарлари деб аталган. Канал аскарлари ўртасида турли маданий-тарбиявий ишлар олиб борилган. 1934 йил охирида канал қурилишида “Перековка”, “Каналоармейка”, “Перековка тридцатипятника”, “За нову Людину” (украин тилида), “Канал зарбдори” (ўзбек тилида), “Долой неграмотность” сингари оз нусхали газеталар, “На штурм трассы”, “Москва-Волгастрой” журналлари, шунингдек, “Перековка” кутубхонаси сериясида китобчалар нашр қилинган. 3 минг нусхада чоп этилган “Перековка” газетасининг адади 30 минг нусхага кўтарилиб, ўз атрофига 5 минг лагерь мухбирларини жамлаган.

Дмитлагда Миртемир, Ашурали Зоҳирий сингари шоир ва олимлар маҳбуслик йилларини ўтказиб, “Канал зарбдори” газетаси ва “На штурм трассы” журналида қурилиш ҳаётидан олинган шеър ва очеркларини эълон қилганлар.

1934 йил 5 ноябрда Истра дарёсида сув омбори қурилиши тугаллангани эълон қилинган. Шу тантанали воқеа муносабати билан 307 нафар энг илғор канал аскарлари қамоқдан озод қилинган, 1 минг 817 маҳбуснинг муддати 2–3 йилга, 2 минг 822

<sup>31</sup> “Семья” журнали, 1990 йил, 13-сон.

маҳбуснинг муддати 1–2 йилга, 4 минг 273 маҳбуснинг муддати эса 1,5–1 йилга камайтирилган.

1937 йил 4 июлда СССР ХКС ва ВКП(б) МКнинг "Москва-Волга канали қурилишининг тугаллангани тўғрисида" деб номланган қўшма қарори чиқади. Канал қурилишида эришган катта ютуқлари учун 404 киши Ленин, Қизил Юлдуз, Меҳнат Қизил байроғи, "Хурмат белгиси" орденлари билан мукофотланадилар.

Н.И.Ежов НКВДга халқ комиссари этиб тайинланганидан сўнг, НКВД тизимида ҳибсга олиш "мавсуми" бошланди. Фирин қурилиш бўйича йирик мутахасис ҳисоблангани сабабли унга ҳеч ким тегмади. Аммо 1933 йилдан бошлаб НКВД ходимларига қарши бошланган қатагон уни ҳам четлаб ўтмади. У 1937 йил 28 майда ҳибсга олиниши билан қурилиш раҳбарлари билан маҳбуслар ўртасида қамоққа олишлар оммавий тус ол олди. "Фирин иши" бўйича 218 киши қамоққа олинди. 1937 йил 8 августда эса Бутов полигонида Дмитлаг маҳбуслари оммавий равишда отилди.

1938 йил 31 январда лагер тугатилади.

#### **2.4.5. Колимадаги тилла конлари**

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1931 йил 20 августда бўлиб ўтган йиғилишида олтин конларидан фойдаланиш масаласи муҳокама қилинган. Масалани ўрганиш ва шу масала бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш учун Г.К.Оржоникидзе, В.В.Куйбишев ва Я.Э.Рудзутақдан иборат комиссия тузилган. И.В.Сталин Сиёсий бюронинг 1931 йил 10 октябрда ўтказилган йиғилишида мазкур комиссия хулосалари бўйича сўзга чиққан ва ВКП(б) МК 11 ноябрь куниеқ "Колима ҳақида" махсус қарор қабул қилган. Бу қарорга кўра, Колима дарёларининг юқори оқимидаги тилла заҳираларини зудлик билан ўзлаштириш учун ВКП(б) МКга бўйсунувчи махсус трест ташкил этилган. "Дальстрой" деб ном олган бу трест ишини кузатиб бориш ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягодага топширилган..

СССР ХКСнинг 1932 йил 20 мартда қабул қилган "Колима ҳақида"ги қарори асосида "Дальстрой"га 25 минг киши учун озиқ-овқат ва махсус кийим-кечак, 4 ярим минг от-уловга эса ем-хашак ажратиб берилган. Айни пайтда ОГПУга сув йўли очи-



лиши билан Колимадаги кон районларига дастлаб 5 минг, кейин эса 20 минг маҳбусни кўчириш вазифаси топширилган. Дальстройдаги маҳбуслардан кўз-қулоқ бўлиб туриш учун 1932 йил 1 апрелда ОГПУнинг Шимоли-шарқий лагери ташкил этилган.

СССР ХКСнинг “Дальстрой ҳақида”ги 1935 йил 16 март санали қароридан маълум бўлишича, ўтган уч йил ичида шу вақтга қадар текшириш ишлари олиб борилмаган Колима районларидаги конларни ўзлаштиришда катта ютуқларга эришилди. Қарорда ёзилишича, бу ютуқларни мустаҳкамлаш учун 1935 йил 1 апрелидан кечикмай мазкур районларга 19 минг маҳбусни юбориш, олинган тилла ва бошқа фойдали қазилмаларни тегишли саноат корхоналарига ўз вақтида етказиш учун навигация ойларида мунтазам фаолият кўрсатувчи сув йўларини ташкил этиш, 1935 йилнинг март-апрель ойларида Дальстрой учун 5 тонна юкни кўтара олувчи 120 та автомашина, 3 тонна юкни кўтара олувчи 116 та автомашина, 6 та автобус, 5 та енгил машина ва 50 та трактор, 1935–1936 йилларда эса 25 минг кийик, 400 бош қора молни ажратиш лозим эди.

Колима конларидан 1934 йилда 5,5 тонна, 1935 йилда 14,4 тонна, 1936 йилда эса 32,4 тонна тилла олинади. Колимадаги тилла конларини ўзлаштиришнинг бу дастлабки натижалари ўта қувонарли бўлгани учун 1937–1940 йилларда бу конлардан олинадиган тилла миқдорини бир неча барабар ошириш билан бирга 1937–1940 йилларда Колима дарёси ва унинг барча ирмоқлари ҳавзаларида геологик-қидирув ишларини олиб боришнинг истиқболли режаси ишлаб чиқилади.

Совет матбуотида эълон қилинган маълумотларга қараганда, 1937–1938 йилларда Дальстройда 70 минг маҳбус ишлаган. 1937 йилда 51,4 тонна, 1938 йилда 61,9 тонна тилла олинган. Бундан ташқари, 1937 йилда Колима конларида кўрғошин олиш ишлари ҳам бошланиб, шу йили 40 тонна, 1938 йили эса 202 тонна кўрғошин олинган.

Қатагон тегирмонидан омон чиққан айрим маҳбусларнинг хотирлашларига қараганда, НКВД терговчилари тухматдан иборат сўроқномаларга қўл кўймай, “ўжарлик қилган” маҳбусларга: “Сени борса-келмас жойларга юбораман!” деб дағдага қилишган. Совет давлатининг шундай “борса-келмас” жойларидан бири Колима эди. Бу ерда қиш ойларида ҳарорат 50°–60° гача тушгани учун

кўплаб маҳбуслар очлик ва совуқдан вафот этиб кетишган, яна қанчадан-қанча маҳбуслар, қўл-оёқларию қулоқларини совуққа олдиришган. Бечора маҳбуслар тинка-мадорлари қуригани ёки хасталикка дучор бўлганлари туфайли иш нормасини бажара олмай, бошқалар билан барабар овқатланиш имконига эга бўлишмаган. Колимадаги лагерларда совуқ, очлик ва касалликдан ташқари, маҳбусларнинг яна бир даҳшатли душманлари бўлган. Булар, бошқалар меҳнати эвазига яшаб, инон-ихтиёрларига бўйсунмаган маҳбусларнинг туз-насибаларига чанг солувчи, ўзларини эса “болталаб” кетувчи каллакесарлар ва ўғрилар эди.

Бизга масаланинг шу даҳшатли томони ҳам маълум бўлгани учун ўша йилларда Колиманинг тилла қонларидан олинган ҳар бир грамм олтин ёки қўрғошин ортида ўн минглаб жабрдийда маҳбусларнинг қонлари ва жонлари турибди, десак, хато бўлмайди.

Улар Колимадаги нафақат тилла қонларида, балки ўрмонларда дарахт кесиш, торф қазииш, заводдар, сув ва темир йўли транспортда ишлашда ҳолдан тойгунча ишлашга мажбур этилдилар.

Совет давлати хазинасига тонналаб келиб тушган тиллалар баҳоси ўн минглаб маҳбусларнинг азиз жонларидан қиммат бўлмаган.

Энди ҳамлетона савол туғилади: Бу “Катта қирғин”нинг бошланиш сабаблари нимада?



### 3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА "КАТТА ҚИРГИН"НИНГ БОШЛАНИШИ

КПССнинг 1956 йилда бўлиб ўтган XX съезди ва шу съезддан сўнг И.В.Сталин ҳамда унинг раҳбарлигидаги Сиёсий бюро айби билан амалга оширилган сиёсий қатағонлар жаҳон жамоатчилиги томонидан қанчалик қораланганига қарамай, на Совет давлати, на унинг вориси Россия Федерациясининг олий органлари 5 миллионга яқин аҳолини ажал тегирмонига ташлаган сталинча қатағончилик сиёсатини ҳанузга қадар расмий равишда қораламай, халққа қарши қаратилган бу геноциднинг келиб чиқиш сабаблари ва фожиали оқибатлари ҳақидаги даҳшатли ҳақиқатни айтмай келди ва айтмай келмоқда.

1937–1938 йиллардаги Катта қиргин Совет давлати тонгида Ленин бошлаб берган, кейин Сталин изчил давом эттирган қатағон сиёсатининг авж нуқтасидир. Тарихчиларнинг бир қисми Совет давлатининг бу ғайриинсоний сиёсатини ҳокимият учун кураш натижаси, иккинчи қисми эса бошланажак Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги тарихий зарурат, деб ҳисоблайдилар. Бундан бўлак фикр ва қарашлар ҳам йўқ эмас. Аммо мамлакат халқига қарши қаратилган бу қиргиннинг келиб чиқиш сабаблари қандай бўлмасин, у, моҳиятига кўра, Совет давлатининг ўз халқига нисбатан амалга оширган қиргини – геноцидидир.

СССР парчаланиб, унинг харобалари ўрнида мустақил республикалар қад кўтарганида, Совет давлатининг бутун умри давомида миллий республикаларда нисбатан мустамлакачилик сиёсатини олиб боргани илк бор айтила бошлади. Йиллар ўтиши билан бу фикр-қараш ҳақиқат эканлигига ҳатто социалистик тузум маддоҳлари ҳам иқрор бўлдилар. Тарихдан шу нарса бизга маълумки, мустамлакачи давлат мустамлака-давлатга раҳбарлик қилган миллий кадрларга ҳеч қачон ишонмаган ва улар орасига низо уруғларини ташлаб, уларга бир-бирларининг гўштларини ейиш "имкон"ини берган. Вақти-вақти билан бу раҳбарларнинг калаларини сапчадек олиб турган. Совет давлатининг Ўзбекис-

тон Совет Социалистик Республикасидаги сиёсати ҳам худди шундай “классик формула”га асосланган эди.

Камина Совет давлатининг махфий архивларида ишлаган кезларимда, назаримга иттифоқо бир даҳшатли ҳужжат тушиб қолган. Бу ҳужжатга қараганда, 1937 йилда Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби Акмал Икромов қамоққа олиниб, унинг ўрнига Усмон Юсупов сайланиши биланоқ республика НКВДсида янги котибнинг ҳар бир қадамидан огоҳ қилиб турувчи гуруҳ тузилган. Бу гуруҳ олдига қўйилган вазифа келажакда саркотибнинг қамалишига асос бўлувчи маълумотларни изчил тўплаб бориш эди.

Совет давлати ОГПУ-ГПУ-НКВД ёрдамида миллий раҳбарларга қарши шундай операцияларни тайёрлабгина қолмай, бошқа синалган усуллардан ҳам баракали фойдаланиб келди. Шундай усуллардан бири республиканинг икки раҳбари – Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев ва уларнинг тарафдорлари ўртасида низо оловини ёқиш, иккинчиси эса, “танқид – келажак меваси” деган ниқоб остида матбуот ва йиғилишларда миллий раҳбарларни танқид ва бадном қилувчи чиқишларни ташкил этиш эди.

Ўша йилларда сиёсий саҳнага чиққан ва Ўзбекистон республикасига раҳбарлик қила бошлаган Акмал Икромов ҳам, Файзулла Хўжаев ҳам эгаллаган лавозимларига ҳар томонлама муносиб, чуқур билимли, давлат миқёсида фикрловчи шахслар эди. Улар амалий ишлари билан қисқа муддатда республика аҳолиси ўртасида катта ҳурмат ва эътибор қозонганлар. Бу шахслар билан 20-йиллар охири – 30-йиллар бошида учрашиш, суҳбатлашиш ва ҳатто Москвада ўз уйида, Борис Пастернак сингари шоирлар даврасида қабул қилиш шарафига муяссар бўлган Галина Серебрякова уларнинг сиёсат ва давлат арбоблари ҳамда том маънодаги зиёлилар сифатида самимий ҳурмат қилган. Унинг Файзулла Хўжаев тўғрисидаги хотираларида бундай воқеа ҳикоя қилинади: “У (Файзулла Хўжаев – Н.К.) бизнинг хонадонимизда бўлганида, онам ва дўстларим туфайли ҳаётимизни безаган музикани тинглашни севарди. Бир куни Хўжаев Икромов билан келиб қолди. Улар бизникида турмуш ўртоғимнинг гимназиядоши Борис Пастернак билан танишишди. Бизникида тез-тез меҳмон бўлиб турувчи Пастернак ўша оқшомда “Лейтенант Шмидт”

достонини ўқиди. Биз бу асарни нафас олмай тинглаб, жуда ҳам манзур бўлганини айтдик. Пастернак ўқишни тугатгунига қадар Хўжаев унинг ёнида тек туриб тинглади. У рус шеърятининг билимдони экан, гоҳ Блокдан, гоҳ Брюсовдан мисоллар келтириб, Пастернак билан узоқ суҳбатлашди...”<sup>32</sup>

Рус адабасининг бу кичик хотираси бизда Файзулла Хўжаев ўз даврининг йирик давлат арбобларидангина эмас, балки юксак маданиятли намояндаларидан бири бўлганлиги ҳақида ҳам ёрқин тасаввур уйғотади. У шундай шахс бўлганлиги сабабли СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1924–1930 йиллардаги раиси А.И.Риков (1881–1938), “Правда” (1918–1924) ва “Известия” (1934–1937) газеталари муҳаррири Н.И.Бухарин (1888–1938) сингари машҳур давлат ва жамоат арбоблари билан яқин муносабатда бўлган.

Лекин Совет давлати НКВД орқали, ВКП(б) МКнинг Сиёсий бюроси эса ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси орқали Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовларни жамоатчилик олдига обрўсизлантирувчи маккорона ишларни мунтазам равишда амалга ошириб борди. Чунончи, Ўрта Осиё Коммунистик университети ўқитувчиси Г.Галузо (Г.Туркестанский) “Коммунистическая мысль” журналининг 2-сонида (1926) Ф.Хўжаевнинг “Бухоро инқилоби тарихига доир” китобидаги “Жадидлар” боби ва “Историк марксист” журналининг 1-сонида (1926)да чоп этилган “Ёш бухороликлар ҳақида”ги мақоласини кескин танқид қилиб чиқди. Рақиблар Ф.Хўжаевга қарши курашда унинг жадидчилик муҳити ва савдогар оиласидан етишиб чиққани фактини кейин ҳам ўз мақсадлари йўлида талқин қилиб келдилар. Улар назарида, савдогар оиласи ва жадидлар муҳитидан чиққан кишининг ҳукумат раҳбари бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам, Мажид Ҳасаний ва Ислом Усмоновлар “Ойдин кунлар армони” (1997) рисоласида тўғри ёзганларидек, Ф.Хўжаев қатнашган Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят партия конференцияларида унинг шаънига доғ туширувчи игво ва бўҳтонлар тарқатилган.

1925 йил ноябрь ойининг сўнгги кунларида республика коммунистларининг 2-съезди бўлиб ўтади. Съезд арафасида юқори

<sup>32</sup> Сербрякова Г. Люди великой цели / Литературная Россия (газета), 24 марта 1967 г.

лавозимларда хизмат қилган 18 киши ўз вазифаларидан воз кечганлари ҳақида коллектив ариза берадилар. Бу фавқулодда ҳодисанинг сабаби хусусий мулкни йўқотиш ҳисобига ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши, эски раҳбарларга нотўғри муносабатда бўлиш ва кадрларни келиб чиқишига қараб юқори лавозимларга қўйиши эди. Ф.Хўжаев “18 лар гуруҳи”нинг бу позициясини тўғри ҳисоблагани учун уларга қарши бирор кескин чора кўрмаган. Бу ҳол кейинчалик унга қарши расмий ҳужумнинг бошланишига сабаб бўлган.

1929 йилда Қосимовчилар устидан ўтказилган суд жараёни Ўзбекистонда Катта қирғиннинг фожиали кенг қўламда ўтишига сабаб бўлди. Шу суд жараёнида ГПУ айғоқчиси Обид Саидовнинг хоинона сўзга чиқиши, суддан кейин эса шубҳали ўлими 1929–1930-йилларда Наркомпрос ходимлари ва “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоларининг оммавий равишда қамоққа олинишига баҳона бўлди. Акмал Икромов ҳам, Файзулла Хўжаев ҳам ўзбек зиёлиларининг қатагон этилган шу икки гуруҳига руҳан яқин эдилар. Шунинг учун улар боши узра ҳам қора қўзғунлар айлана бошлади. 1932 йилда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар партия конференциясида ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси котиби Я.Бауманнинг Ф.Хўжаев фаолиятидаги гоявий хатолар ва миллатчилик кўринишларини танқид қилиб чиқиши Москванинг ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раисига бўлган муносабати кескин ўзгарганининг белгиси эди. Афсуски, шундай мураккаблашиб бораётган сиёсий шароитда Ибодулла Хўжаев маиший бузуқлиги учун партиядан ўчирилиб, НКВД терговчиларига “ем бўлади”. “Улар, – деб ёзади “Ойдин кунлар армони” рисоласи муаллифлари, – И.Хўжаевни устма-уст сўроқ қилиб, асл мақсадларига эришмоқчи – Ф.Хўжаевни илентирмоқчи эдилар. Ибодуллани тунда ҳибсга олишиб, тонггача сўроқ усуллари қўллашиб тергашади. Терговчилар ундан акасига қарши кўрсатма беришни талаб қилишади. Октябрь байрами муносабати билан унга жавоб беришиб, кейинроқ яна сўроқни давом эттиришларини англатишади. Ибодулла акасининг уйига келиб, у НКВД бошлиғи билан чиқиб кетганини билади-ю, уни ҳам қамоққа олишибди-да, деган ўйга бориб, ўзини отиб қўяди”<sup>33</sup>.

<sup>33</sup> Ҳасаний М., Усмонов И. Ойдин кунлар армони. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 53.

Бу мудҳиш воқеа 1935 йил 7 ноябрда рўй беради. Рақиблар И.Хўжаевнинг фожиали тақдиридан, ҳатто мусулмон одати бўйича кечган дафн маросимларидан республика раҳбарига қарши курашда маккорона фойдаланадилар. Бу ҳол уларнинг Москвада тайёрланган сценарий асосида ҳаракат қилганларидан шаҳодат беради.

1937 йилнинг март ойларидан бошлаб айрим ўзбек зиёлилари ҳибсга олина бошлади. 1937 йил бўрони ҳали кўтарилмаган, лекин, кейинчалик маълум бўлишича, республика НКВДси қора рўйхатидаги ҳар бир бахтсиз кишини жосуслик, аксилинқилобчилик ва миллатчиликда айбловчи хуфяномаларни тўплаб, Катта қирғинга тап-тайёр бўлиб турган экан.

Москвалик журналистларнинг гувоҳлик беришларича<sup>34</sup>, 1937 йил 2 июлда Сталин 863/ш рақамли “аксилшўровий унсурлар тўғрисидаги директива”ни Кагановичга айтиб турган ва у “дохий” оғзидан чиққан қуйидаги сўзларни ёзган:

*“Шу нарса аён бўлдики, бир пайтлар турли вилоятлардан Шимолдаги ва Сибирдаги районларга юборилган, сургун муддати ўтганидан кейин эса, ўз вилоятларига қайтган собиқ қулоқлар ва жиноятчиларнинг катта қисми колхоз ва совхозларда бўлганидек, транспортда ва саноатнинг айрим соҳаларида ҳам турли-туман аксилшўровий ва диверсион жиноятларнинг бош сабабчилари бўлмоқдалар. ВКП(б) МК вилоят ва ўлка ташиқлотларининг барча секретарларига ҳамда НКВДнинг вилоят, ўлка ва республикалардаги барча вакилларига ўз юртига қайтган қулоқлар ва жиноятчиларнинг энг гаразгўйларини учликлар орқали маъмурий йўл билан дарҳол ҳибсга олиб отиб ташланиши учун барчасини ҳисобга олишни, қолганларни, ашаддий бўлмаган, аммо гаразгўй унсурларни эса рўйхатга олиши ва НКВДнинг кўрсатмаси асосида районларга юборишни таклиф қилади. ВКП(б) МК беш кунлик муҳлатда учликлар таркибини, шунингдек, отишига мўлжалланганлар сонини, шу билан бирга сургун қилинувчилар сонини МКга тақдим этишни таклиф қилади.*

*МК секретари И.Сталин*<sup>35</sup>.

<sup>34</sup> Сидоров Н. Список смерти / Совершенно секретно (газета), 2007. № 9.

<sup>35</sup> Репрессия. 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск I. –Ташкент: Шарк, 2005. –С. 27

Мазкур директива шу куннинг эртасигаёқ барча маҳаллий ҳокимиятларга етиб борган. Айти пайтда НКВД худди шундай топшириқни 266-рақамли шифрограмма билан барча вилоят, ўлка ва республикалардаги вакилларига етказган. Ежов имзоси билан юборилган шифрограммаларда бундай сўзлар ҳам бор эди: “...Шу йилнинг 8 июлига биринчи ва иккинчи категориядаги шахслар сонини менга телеграф билан юборинг. Операциянинг бошланиш вақти ва уни олиб бориш тартибини қўшимча хабар қиламан”<sup>36</sup>.

Белгиланган вақтда партия ташкилотлари секретарлари ва НКВД маҳаллий бошқармаларининг бошлиқларидан рўйхатлар оқиб кела бошлади. ВКП(б) МК Махсус сектори IV шифр бўлими ходимлари асосий ижрочининг кимлигини билганлари учун барча шифрограммаларни Ежов номига жўнатиб турадилар. “Темир нарком” эса рўйхатларни назардан ўтказиб ва уларга даҳшатли ҳужжат тусини бериб, Сталинга етказди. Сталин Сиёсий бюронинг Москвадаги аъзолари ҳузурида рўйхатларни “овозга қўйиб”, минглаб кишилар тақдирини ҳал қилади. Мана, улар – қўллари қон билан бўялган Сиёсий бюро аъзолари: Лазарь Каганович, Вячеслав Молотов, Анастас Микоян, Климент Ворошилов, Андрей Андреев, Андрей Жданов, Влас Чубарь, Михаил Калинин, Николай Ежов.

Агар дастлабки махсус директиваларда фақат сургундан қайтган ёки қочган қулоқлар рўйхати берилган бўлса, кўп ўтмай, улар ёнига собиқ оқ гвардиячилар, руҳонийлар, собиқ сиёсий партияларнинг аъзолари – эсерлар, меньшевиклар, шунингдек, босмачилар, иттиҳодчилар ҳам қўшилади. Бўлажак қурбонлар рўйхати кун сайин, ҳатто соат сайин кенгайиб боради. Ежов 16 июлда махсус кенгаш ўтказиб, йиғилганларни операцияни ўтказиш режа ва тартиблари билан таништиради, сўз орасида: “Агар операция вақтида яна минг киши отиб юборилса, бунинг хавотирланадиган жойи йўқ”, деган фикрни билдиради. Чекистлардан бирининг ҳибсга олинган чоллар тақдири тўғрисидаги саволига эса: “Агар оёғида тура олса, отиб ташлайверинг”, деб жавоб беради<sup>37</sup>.

<sup>36</sup> Там же. – С. 28.

<sup>37</sup> Қаранг: *Сидоров Н.* Списки смерти / Совершенно секретно (газета), 2007. № 9.



31 июль куни тасдиқланган 00447 рақамли махфий буйруққа кўра, қатагон 5 августда “барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРлар”да бошланиши лозим эди. Лекин Ўзбекистон НКВДси раҳбарлари доғда қолмасликлари учун июль ойининг ўрталаридаёқ қатагон машинасини ишга тушириб юборадилар.

1937 йил 10 июнда Ўзбекистон компартиясининг навбатдаги 7-съезди ўз ишини бошлайди. “Ўзбекистон совет энциклопедияси”нинг 13-жилди (1979)да съездда муҳокама қилинган масалалар тўғрисида фақат қуйидагилар ёзилган: “Съезд Ўзбекистон КП(б) МК ва Ревизия комиссиясининг ҳисоботларини муҳокама қилди ҳамда партия марказий органларини сайлади. Съезд пропаганда ишини қисқа муддатда тегишли даражага кўтаришни, В.И. Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилишга кўпроқ эътибор беришни, партия Уставини заррача бузилишига йўл қўймасликни, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришни Ўзбекистон КП(б) МКга топширди”.

Ҳолбуки, съездда Республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев тақдири ҳал қилинган эди. Съезднинг 17 июнь куни бўлиб этган якуновчи йиғилишида Ф.Хўжаев Марказий Комитетнинг янгиланган таркибига маълум мақсадда киритилмаган. Бу ҳам озлик қилганидек, шу куни унинг шаънига туҳмат ва маломат тошлари отилган.

“Хуфёна ўйинининг миси кейинроқ чиқди, – деб ёзилган “Ойдин қуналар армони” рисоласида. – МК аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар билдирилган пайтда айрим делегатлар сўз олиб, дафъатан Файзулла Хўжаевнинг айблари хусусида батафсил фикр билдиргани томдан тараша тушгандек бўлди. Ростки, ҳеч ким буни кутмаганди. Масаланинг бундай чалкаш тус олиши мумкин эмас! Бу борада айрим сўз олиб чиққанлар Ф.Хўжаев бошлиқ ҳукуматни қаттиқ ва аёвсиз танқид қилиш йўлини танлашди. Айниқса, ҳукумат бошлиғининг келиб чиқиши, шахси хусусида асоссиз фикрлар билдирилди. Шунингдек, республикада саноатни ривожлантириш борасида йўл қўйилган хатолар, қишлоқни жамоалаштириш соҳасидаги камчиликлар, араб алифбосини бекор қилиш борасидаги шош-машошарлик, кадрлар танлашнинг номутаносиблиги, партия

ва Сталин йўлидан адашган айрим шахсларнинг юқори вази-  
фаларни ноҳақ эгаллаб туриши Ф.Хўжаевга бориб тақалди.  
Қўйилган айблар жиддий ва уларни дафъатан рад этиш мушкул  
эди”<sup>38</sup>.

Афсуски, камина, маълум сабабларга кўра, ушбу съезд мате-  
риаллари билан таниша олмадим. Лекин “Ойдин кунлар армо-  
ни” рисоласида 30-йилларда Хатирчи тумани партия комитети-  
нинг котиби бўлиб ишлаган Абдулла Низомхоновнинг хотираси  
келтирилганки, бу съездда вужудга келган фавқулодда вазиятни  
тўғри тушунишимизга ёрдам беради:

“Ўзкомпартиянинг VII съездида, – деб хотирлаган Абдулла  
Низомхонов, – бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Аммо  
ҳамма гап съезднинг раҳбар органларини сайлаш пайтида бўлди.  
Айниқса, республика Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Фай-  
зулла Хўжаевни Марказий Комитет аъзолигига сайлаш пайтида  
қизгин мунозара бўлди. Хоразм вилоят партия комитетининг  
биринчи котиби Н.Исроилов ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий  
Комитетининг биринчи котиби И.Ортиқов сўзга чиқишиб,  
Ф.Хўжаевни “укасининг ўз жонига қасд қилиб, ўзини-ўзи отгани  
ҳақида съездда ҳеч нима айтмади”, деб танқид қилишди. Ёпиқ –  
яширин овоз бериш пайтида Ф.Хўжаев Марказий Комитет аъзо-  
лигига сайланмай қолди. Шунингдек, у билан бирга республика  
молия халқ комиссари Акбар Исломов, ер ишлари халқ комисса-  
ри Рустам Исломов, Тошкент шаҳар советининг раиси Абдулхай  
Тожиев, Наманган вилоят партия комитетининг котиби Эрма-  
тов ҳам кўпчилик овоз билан рўйхатга олинган бўлсалар-да, ўз-  
ўзидан тушиб қолишди.

Съезднинг тўртинчи куни унга раислик қилувчи Марказий  
Комитетнинг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби Мирмуслим  
Шермухамедов ҳисоб комиссиясининг ахборотини кечқурун  
эшиттирамиз, деди. Кечки мажлис якуни эрталабга қолдирилди.  
Кейинги куни ҳамма йигилгач, қай кўз билан қарайликки, прези-  
диумда Ф.Хўжаев йўқ эди. Шунда А.Икромов сўз олиб: “Қадрли  
ўртоқлар! Съездни бир кун кечиктирганимиз учун кечира-  
сизлар. Бунинг сабаби ёпиқ овоз бериш натижасида Ф.Хўжаев  
Марказий Комитет аъзолигига ўтмай қолди. Мен бу ҳақда ўртоқ

<sup>38</sup> Хасаний М., Усмонов И. Ойдин кунлар армони. –Тошкент: Ўзбекистон,  
1997. –Б. 56.

Сталинга қўнғироқ қилиб, унга маълум қилдим. У киши менга: "Ҳаммасини демократия ҳал қилади", деб жавоб бердилар, деганча минбардан тушиб кетди"<sup>39</sup>.

Модомики, Ф.Хўжаев ва унга елкадош халқ комиссарларининг исм-шарифлари ёпиқ овоз бериш учун тайёрланган бюллетенга киритилган экан, уларнинг аксар съезд делегатлари томонидан ўчирилишига кимдир, албатта, "дирижёрлик" қилган. Ф.Хўжаев бу "дирижёр"нинг НКВД эканлигини яхши билган.

Бу, Ф.Хўжаев юлдузининг сўнганидан дарак берувчи даҳшатли воқеа эди. ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 24 июнда Ўзкомпартия МКнинг Ф.Хўжаевни Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги "илтимос"га "розилик беради". Ўзини НКВДнинг "қора қўнғиз"и кутаётганини сезган Ф.Хўжаевнинг юрак хуружи тугиб, ётиб қолади.

Ф.Хўжаев ҳаётининг шу ўта изтиробли кунлари қизи Вилоят Хўжаеванинг отаси ҳақидаги хотираларида бундай талқин қилинган:

"...1937 йилнинг ёзида, – деб ҳикоя қилган эди у адабиётшунос Мажид Ҳасанов билан суҳбати чоғида, – Ўзбекистон КП(б) VII съезди бўлиб ўтган. Отам шу съезддан ёмон кайфиятда қайтган эдилар. Билишимизча, бу съездда Фарғона делегациясининг вакиллари отамга ижтимоий келиб чиқиши бой табақадан, деб таъна тошини отишган. Отам Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси вазифасида ишлаб турганига қарамай, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети аъзолигига сайланмай қолганлар. Ўша кунларда отамнинг кайфиятлари жуда ёмон эди. Нималар бўлаётганини тушунмай, ҳайрон юрардилар. Орадан бир оз вақт ўтгач, отам Москвага бориб, бўлиб ўтган воқеани тушунтириш ниятида Сталин ҳузурига кирмоқчи бўлганлар. Айтишларича, Сталин отамни қабул қилмаган. Бир ҳафтадан кейин отамни НКВД ходимлари меҳмонхонада ҳибсга олганлар"<sup>40</sup>.

Бу даҳшатли воқеа 1937 йил 9 июлда содир бўлади. НКВД ходимлари Сталин билан шахсан учрашиш ниятида Москва-

<sup>39</sup> Ўша асар. –Б. 56.

<sup>40</sup> Хўжаева В. Ота-онам ҳақида хотираларим // Тарихнинг номаълум саҳифалари. 1-китоб. –Тошкент, 2009. –Б. 217.

га борган Ф.Хўжаевнинг қўлига кишан боғлаб, “Национал” меҳмонхонасидан олиб чиқиб кетадилар.

“Шу мудҳиш воқеадан кейин, – давом этади Вилоят Хўжаева, – мен отамни қайтиб кўрмадим. *Даҳшатли ялпи қирғиннинг ўткир тигига илк бор менинг отам рўбарў келганлар*” (таъкид каминаники – Н.К.)<sup>41</sup>.

Шу ерда Вилоят Хўжаеванинг хотираларини бўлиш лозим кўринади. Замондошлардан бирининг хотирлашича, Ф.Хўжаевнинг онаси фарзандининг қамоққа олинганини эшитиши билан А.Икромовнинг олдига нажот излаб борган. Ўзбекистон Марказкоми котиби махсус алоқа воситаси орқали Сталин билан уланиб, Ф.Хўжаевнинг ноҳақ қамалганини айтмоқчи бўлган. Лекин Сталин Икромовнинг дастлабки сўзларини эшитиши биланоқ гўшакни қўйиб қўйган ва шундан кейин Икромов билан Сталин ўртасидаги телефон алоқаси батамом узилган.

Яна Вилоят Хўжаеванинг хотираси билан танишишда давом этайлик: “Отам Москвадаги “Национал” меҳмонхонасида ҳибсга олинганларидан кейин сал ўтмай, уйимизни тинтув қилиб, онамни ва мени ҳам “халқ душмани”нинг оила аъзолари, деб сўроқ қила бошладилар. Оиламизга ғам, алам, фожиа соя ташлади. Онам бизга билдирмай тунни юм-юм йиғи билан ўтказардилар. Изтироб, ғам-аламдан онамнинг кўзлари ич-ичига чўкиб кетган эди. Онаизорим кўчага ҳам чиқмай, доимо унсиз фарёд чекардилар..

...Мен ёш бўлишимга қарамай, бир ўқимишли қариндошимиз билан бирга Москвага бориб, СССРнинг Бош прокурори Вишинский ҳузурига отамнинг ноҳақ қамалганлиги тўғрисидаги ариза билан кирдим. Ҳақиқат ўз ўрнини топар, деган умидда эдим-да. Орзуларим сароб бўлиб чиқди. Менинг кўзимга ниҳоятда баджаҳл, жаллод нусха бўлиб кўринган Бош прокурор аризамга кўз югуртириб чиқди-да, кўз ойнагини олиб, ўнг қўлини бигиз қилган ҳолда: “Врагам народа нет и не будет пощады!” – деди-да: “Биласизми, отангиз ким? У халқ душмани! Халқ душманига шафқат йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам. Шикоятга ўрин йўқ! Қарор қатъий! Марҳамат қилиб чиқиб кетинг!” – деди. Рангим қув ўчиб, устимдан совуқ сув қуйилгандек бўлди. Додлаб юборишимга сал қолди. Ўзимни зўрға тутиб олдим.

<sup>41</sup> Репрессия. 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 1. –Ташкент: Шарк, 2005. –С. 217–218.

Мен прокурорнинг вазоҳатидан шундай қўрққан эдимки, у мени ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ Сибирга ҳайдайди, деб ўйлагандим. Хайрият, ундай бўлмади. Мен аждарҳо оғзидан омон чиққаним учун ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Бироқ болаларга хос бу хурсандлигим узоққа бормади. Орадан маълум вақт ўтгач, онамни ва мени наридан-бери сўроқ қилишиб, узоқ Магаданга сургун қилишди. У ердаги даҳшатли ҳаётни (айниқса, аёл зотига) мен айтмаганим, сизлар ўқимаганингиз маъқул...”<sup>42</sup>

А.Икромов Москванинг талаби билан Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимидан озод қилинган Ф.Хўжаев ўрнига “учлик”ка Абдулла Каримовни тавсия қилади. Аммо Сталин билан Молотов 9 июлда А.Икромов номига йўллаган шифртелеграммаларида А.Каримов номзодини рад этишади. А.Каримов, уларнинг фикрига кўра, Ф.Хўжаев ташкил этган “аксилшўровий гуруҳи”нинг аъзоси эди. Шу тарзда ҳали на тергов қилинмаган, на судда айби исботланмаган Ф.Хўжаевнинг манглайига “аксилшўровий гуруҳ”, яъни советларга қарши уюшган ташкилот аъзоси деган тамга ёпиштирилади.

1937 йил июнь ойининг бошларида Кремльда Сиёсий бюро аъзолари иштирокида Мудофаа ҳарбий комиссарлиги қошидаги Ҳарбий советнинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилган. Ҳарбий советнинг 2 июнда бўлиб ўтган йиғилишида Сталин сўзга чиқиб, қамоққа олинган саркардаларнинг кўрсатмаларига суянган ҳолда мамлакатда Совет ҳокимиятига қарши ҳарбий-сиёсий фитнанинг етилганини маълум қилади. У мазкур фитнанинг раҳбарлари сифатида Троцкий, Риков, Бухарин сингари давлат арбоблари ва саркардаларнинг номларини тилга олади. Сершубҳа “доҳий”нинг бошида шаклланиб улгурган “фитна”нинг ипи бир айланиб, Троцкий, Риков ва Бухаринларга яқин бўлган шахсларни ҳам шу “фитна”га боғлаши ҳеч гап эмас эди. Бу “фитна”га янада кенг кўлам бериш учун “фитначилар давраси”га Ф.Хўжаевга ўхшаш миллий республикаларнинг раҳбарларини ҳам торттиш зарур бўлиб қолди.

1937 йил сентябрда Ўзкомпартия МКнинг II пленуми бўлиб ўтди. Пленумда, бир томондан, ВКП(б) МК котиби А.Андреевнинг иштирок этиши қатнашчиларга гайритабиий

<sup>42</sup> Тарихнинг номаълум саҳифалари, 1-китоб. –Тошкент, 2009. –Б. 217–218.

туялган бўлса, анчадан бери кўринмаган, Москвага чақириб олиниб, Ф.Хўжаев билан бир неча марта юзлаштирилган А.Икромовнинг пленум ҳайъатида ҳориган, эзилган ҳолда ҳозир бўлиши уларда, бир томондан, мамнуният, иккинчи томондан, қандайдир шубҳа ва ҳадик туйғуларини уйғотди. Съезд бошланиши билан А.Андреев минбарга кўтарилиб, Сталин билан Молотовнинг Ўзбекистон коммунистларига йўллаган хатини ўқиб беради.

Хатда бундай сўзлар ёзилган эди:

**“Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси**

**МК пленумига**

а) қамоққа олинган Бухарин, Хўжаев, Разумов, Румянцев, Полонский, Хўжанов, Антонов, Рисқуловларнинг кўрсатмалари;

б) ўртоқ Икромовнинг Бухарин, Ф.Хўжаев, Антипов, Разумов, Румянцев билан юзлаштириши баёни ва;

в) ўртоқ Икромовнинг аризаси билан танишиб чиқиб, ВКП(б) Марказий Комитети шуни аниқладик:

ўртоқ Икромов буржуа миллатчилари, ўзбек халқининг душманлари (Ф.Хўжаев, Хўжанов, Болтабоев, Тожиев, Каримов ва бошқалар)га нисбатан сиёсий кўрлик қилибгина қолмай, баъзан уларга ҳомий сифатида ҳам иш тутди...

...ВКП(б) Марказий Комитети қарор қилади:

1) Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети пленумига ўртоқ Икромов ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, ўз фикрини ВКП(б) Марказий Комитетига билдириши таклиф этилсин;

2) Мазкур хат билан боғлиқ масалаларни тушунтириши учун ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси ўртоқ А.А. Андреев Ўзбекистонга юборилсин.

И.Сталин,

В.Молотов.

1937 йил 10 сентябрь

Москва шаҳри<sup>43</sup>.

Андреев бу хатни ўқиб тугатганида залда бомба портлагандек бўлди. Даҳшатга тушган пленум қатнашчилари ўз тақдирларидан хавотирга тушдилар. Шундан сўнг бир неча шаҳар ва туман партия комитетларининг котиблари сўзга чиқиб,

<sup>43</sup> Ҳасаний М., Усмонов И. Ойдин кунлар армони. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 64–65.

жойларда рўй бераётган камчиликлар хусусида қимтиниб сўзлади. Сўз навбати Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари Зағвоздинга берилади. У қамоққа олинган Акбар Исломов, Рустам Исломов ва Абдулхай Тожиевнинг А.Икромовга қарши берган кўрсатмаларини ўқиб беради. Шу куни, яъни 20 сентябрь куни кечаси Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромов Тошкент шаҳри, Гоголь кўчасидаги 71-уйидан кишанланган ҳолда олиб кетилади.

Ф.Хўжаев билан А.Икромов хизмат юзасидан юзлаб кишилар билан алоқада бўлишган. Уларнинг қариндош-уруғлари ҳам оз бўлмаган. Бинобарин, бу икки раҳбарнинг қамоққа олиниши яна юзлаб бегуноҳ ватандошларимизнинг сталинча қатағон даврининг аччиқ тузини тотишларига сабаб бўлди. Зеро, “Ф.Хўжаевнинг думи”, “А.Икромовнинг думи” ёки “Ф.Хўжаевнинг қариндоши”, “А.Икромовнинг қариндоши” деган сўзлар “халқ душмани” деган даҳшатли ифода билан эгизак эди.

Ф.Хўжаев билан А.Икромовнинг ўзлари эса Сталин ва унинг жаллодлари ўт ёқиб турган дўзахга тушдилар.

ВКП(б) МКнинг юқорида тилга олинган пленумида Молотов Бухариннинг сўзини бўлганида, у: “Мен Зиновьев ҳам, Каменев ҳам эмасман, ўзимга ўзим ёлгон гапирмайман”, деганида, Молотов бундай “учкур” сўзларини айтган: “Ҳибсга олсак – тан оласиз!”<sup>44</sup>

Агар Бухарин 1937 йил 27 февралда қамоққа олинган бўлса, 2 июнга қадар тишини тишига қўйиб, қийноқларга чидаган. Аммо у инсон боласи кўрмаган қийноқларга дучор этилганидан сўнг, 2 июндан бошлаб терговчиларга “керакли” кўрсатмаларни бера бошлаган. “Оиласи ва қариндош-уруғлари ташвиши, шунингдек, бўлажак жараёнда ўзининг гуноҳсиз эканлигини исботлаш хоҳиши, – деб ёзади москвалик журналист Ю.Мурин, – Бухарин ва Риковнинг ўзларига ўзлари тухмат қилишга мажбур қилди”<sup>45</sup>.

Журналистнинг бу сўзларини Ф.Хўжаев ва А.Икромовга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Улар мисли кўрилмаган қийноқлардан кейин нафақат тергов пайтида, балки 1938 йил

<sup>44</sup> Мурин Ю. История одного признания / Совершенно секретно (газета), 2008. № 8.

<sup>45</sup> Ўша манба.

2 мартда Москванинг Колонна залида бошланган намунали суд жараёнида ҳам ўзларига қўйилган бошдан-оёқ тухматдан иборат айбларни бўйниларига олишга мажбур бўлдилар. Бу шармандали суд жараёнида “қора курсилар”да ўтирган бошқа давлат ва партия арбобларининг ҳам бундан бошқа иложлари йўқ эди. Сталин бу шармандали суд жараёнини манфаатдор шахс сифатида кузатибгина қолмай, унинг бош ташкилотчиси ва режиссёри сифатида ҳар бир сўроқномани ва ҳар бир айбланувчининг нутқи матнини ўз хоҳишига кўра ўзгартириб ва таҳрир қилгандан сўнггина матбуотда эълон қилинишига рухсат берган.

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси 12 кун давом этди. Айбланувчилар РСФСР Жиноят Кодекси 58-моддасининг 1, 1, 7, 8, 9 ва 11-бандлари бўйича айбландилар. Уларга қўйилган энг катта айб ўз олдига иттифоқдош республикалар ва Приморьени СССРдан ажратиб олиб, капитализмни тиклаш мақсадини қўйган ва фитначилардан иборат “ўнг троцкийчилар блок”ни тузиш, хорижий разведкалар билан алоқа ўрнатиб, СССРга қарши ҳарбий агрессияни тайёрлаш эди. Бу ва бошқа инсон зоти хаёлига келмаган айблар Молотовнинг “Ҳибсга олсак – тан оласиз”, деган формуласига биноан айбланувчилар томонидан тан олинди.

Ф.Хўжаев суд жараёнидаги таҳқирлашларига мардона чидади. Сўнгги сўзида ҳам белгиланган фикрий регламент доирасида сўзлашга интилди. Унинг сўнгги сўзлари бундай бўлди: (Мен бу сўзларни “Правда” газетасидаги матн асосида рус тилида келтираман.)

*“Мен яшашни истайман. Мен тубанлашганимни бутун теранлиги билан тушунганим, қилган жиноятларимнинг бутун оғирлигини тушунганим учун яшашни истайман.*

*Мен, эҳтимол, қолган умрим билан менга тиркалган жиноятлар ва катта айбларнинг қандайдир кичик бир қисмидан халос бўлишим учун тирик қолдиришларини сўрайман”<sup>46</sup>.*

Одатда тарихчилар ўз асарларида Ф.Хўжаевнинг сталинча суд жараёнидаги шу сўнгги сўзларини келтирадилар. Аммо бу сўзлардан олдин у шундай сўзларни айтганки, улардан

<sup>46</sup> Ф.Хўжаевнинг бу ва кейинги сўзлари қуйидаги манбадан олинди ва мақола муаллифи таржимасида берилди: Правда (газета), 1938. 12 март.



унинг ўзига-ўзи тухмат қилишга мажбур бўлгани шундоққина англашилиб туради:

*“Мен шахсан ҳеч қачон на извогар, на жосус, на қотил бўлмаганман (таъкид меники – Н.К). Аммо мен, қай бир тарзда бўлса-да, шу блокнинг қатнашчиси бўлиб қолган эканман, бунинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ, демак, мен унинг барча ишлари бўйича жавоб беришим шарт”.*

Ф.Хўжаев бу сўзлари билан Сталиннинг юзига қараб, “Мен ҳеч қачон халқ душмани бўлган эмасман!” – демоқда; “модомики, у ёки бу сабаб билан мазкур блок қатнашчилари орасига тушиб қолган эканман”, деган сўзлари тагида ўзига қўйилган барча айбларни рад этувчи улуг куч ётади.

Бу сўзлардан бир оз юқорироқда республиканинг собиқ раҳбари бундай сўзларни айтган:

*“Ўзбекистонни инқилобга қадар билган кишилар, бундан 10 йил илгари шу ерда бўлган ва сўнгги йилларда уни кўрган кишилар бу мамлакатнинг чеҳрасини таний олмадилар. Нима учун? Чунки, у ердаги ҳамма нарса батамом ўзгариб кетган. Иқтисод, маданиятнинг беҳад даражада юксалиши, кенг омма сиёсий фаоллигининг мислсиз даражада ўсиши – буларнинг ҳаммасига нисбатан қисқа муддатда – 10–20 йил ичида фақат ленинча-сталинча миллий сиёсат туфайлигина эришилди”.*

Доростида турган Ф.Хўжаев бу сўзларни ҳам бежиз айтмаган. У сўнгги 10–20 йил ичида республикада рўй берган юксалиш ўзи ва А.Икромовнинг раҳбарлигида эришилганига, ўзининг ва А.Икромовнинг “халқ душмани” эмас, балки халқнинг тиниб-тинчимас доно раҳбарлари бўлганига шама қилмоқда.

Сталин буни яхши тушунган. Бугун буни биз ҳам тушуниб турибмиз.

Лекин суд Ф.Хўжаев ва унинг тақдирдошларини олий жазога ҳукм қилди. Ҳукм 1938 йил 15 мартда Москвадаги НКВДга қарашли собиқ “Коммунарка” совхози ҳудудида ижро этилиб, маҳбуслар шу ерга дафн қилинди.

НКВДнинг собиқ ходими Лернен 1961 йили КПСС МК комиссиясига бундай сўзларни айтган: “Литвиннинг 1938 йили Ленинградда менга айтишича, у ўнг троцкийчилар блоки бўйича ўлимга ҳукм қилинганларни отиш пайтида иштирок этган. Унинг ҳикоясидан шу нарса ёдимда қолганки, Фриновский

Риковни отишдан аввал унга бир стакан спирт беришни буюрган ва у шу спиртни ичган. Бухаринни отишдан олдин эса уни таҳқирлашган, яъни: унга стул бериб ва шу стулга ўтказиб, жараён бўйича иштирокчиларнинг қандай отилишини томоша қилишга мажбурлашган. Бухарин билан Ягодани энг охирида отишган"<sup>47</sup>.

Республикамиз икки раҳбарининг умри шундай даҳшатли тарзда яқунланган.

Юқорида айтганимиздек, Ф.Хўжаев ва А.Икромов "халқ душманлари" сифатида айбланганларидан сўнг уларнинг барча яқин қариндош-уруғлари қириб ташланди, улар билан Халқ Комиссарлари Совети ва Марказкомда, вилоят, шаҳар ва туманлардаги барча корхоналарда ҳамкорлик қилган минглаб кишилар қатагон қилиндилар. Бу икки миллий раҳбарнинг ҳибсга олиниши билан Ўзбекистонда Катта қирғиннинг тўғони очилиб кетди.



---

<sup>47</sup> Мурин Ю. История одного признания / Совершенно секретно (газета), 2008. № 8.

#### 4-БОБ. “КАТТА ҚИРҒИН”НИНГ БОШЛАНИШ САБАБЛАРИ

1929 йилнинг декабрь ойида ВКП(б) Марказий Комитетининг биринчи котиби И.В.Сталиннинг 50 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Гарчанд Сталин шахсини улуғлаш ҳоллари 1926–1927 йиллардаёқ кўзга ташланган бўлса-да, унинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан бошланган хушомадгўйлик кейинчалик, айниқса, авж олган Сталин шахсига сизгиниш компаниясининг дебочаси бўлди. Ленин вафотидан, асосий рақиби Лев Троцкийнинг сиёсий ва жисмоний ўлимидан кейин Сталин ўзини большевиклар партиясининг ягона раҳнамоси сифатида, СССРдек улкан давлатни идора қилувчи ягона раҳбар сифатида ҳис қила бошлади. Кунни кеча партиясининг съезд ва пленумларида танқидий чиқишларни қўлаб-қувватлаган, танқиднинг жамият ҳаётидаги хато ва камчиликларни бартараф этувчи кучини яхши тушунган, бошқалардан ҳам хато ва камчиликларни “большевикларча” дадиллик билан фoш этишни талаб қилган доҳий энди танқидни ҳазм қилолмай қолди. Партия фаолиятидаги, шахсан унинг фаолиятидаги камчиликларга танқидий муносабат билдириш, унинг назарида, доҳийни партия аъзолари ўртасида, кенг жамоатчилик ўртасида обрўсизлантириш эди. У бутун ҳокимиятни ўз қўлига олиш билангина кифояланмай, мутлақ ҳокимиятга эришишга, бунинг учун эса ўзига сиёсий рақиб ёки мухолиф бўлган, ёки бўлиши мумкин бўлган кишиларни нафақат сиёсий саҳнадан четлаштириш, балки жисмоний маҳв этишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Сталиннинг Ленин вафотидан сўнгги сиёсий фаолиятига назар ташлаган киши унинг граждaнлар уруши, “қулоқлаштириш”, қишлоқни жамоалаштириш ва саноатлаштириш кампаниялари даврида катта ва қўпол хатоларга йўл қўйганини, албатта, кўради. ВКП(б) Марказий Комитетида ҳам, республика партия ташкилотларида ҳам шу хатоларни кўрган ва билган кишилар оз

бўлмаган. Бинобарин, шундай кимсалар, Сталин назарида, яқин вақтда мухолиф кучларга бориб қўшилиши ва бирлашган мухолиф кучлар унинг партия ва давлатда тутган мавқеига соя ташлаши ва ҳатто биринчи котиблик лавозимидан кетишга мажбур этиши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун ҳам у Ягода даврида тўрт йилга кечиккан қатагончилик компаниясини Ежов ёрдамида бошлаб юбориш ва шу кампанияга кенг кўлам бериш режасини тузди.

“Сиёсий бюро. 30-йиллардаги сиёсий ҳокимлик механизмлари” (Москва, 1996) китоби муаллифи О.В.Хлевнюкнинг ёзишича, “Катта қирғин”ни келтириб чиқарган омиларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ, муаллифнинг фикрига кўра, террор ва зулмнинг бутун совет даврида, айниқса, 30–50-йилларда давлатга асосий қуроли бўлиб хизмат қилганининг умумий сабабларидир. Бу масала бўйича адабиётда мавжуд бўлган ва “перманент тозалаш” назариясини ривожлантирган фикрларга кўра, қатагон совет режими ва умуман шу типдаги бошқа ҳар қандай режимлар яшовчанлигининг зарур шартидир. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, қатагонлар ва “қўрқиш тагтизими” турли-туман вазифаларни бажарган. Шу вазифаларнинг асосийларидан бири жамиятни мутелик шароитида ушлаб туриш, ўзгача фикрлилик ва мухолифликка чек қўйиш, дохийнинг яқка ҳокимлигини мустаҳкамлашдир.

Агар биз Совет давлатининг 20–30-йиллардаги геополитик вазиятини кўздан кечирсак, *биринчидан*, жаҳондаги ягона “пролетар давлати”нинг капиталистик давлатларнинг ғаразли қуршовида қолгани, *иккинчидан*, бу капиталистик давлатларнинг СССРни “гажиб ташлаш”га шайланиб тургани, *учинчидан* эса, ҳарбий қудрати, саноати ва техникаси ночор бўлган “пролетар давлат”нинг ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қодир эмаслиги ойдек равшан бўлади. Бу давлат илғор капиталистик давлатлар ҳужумидан сақланиши ва улар билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиши учун биринчи навбатда ҳарбий салоҳиятини ошириб, илмий-техник тараққиётида илғор капиталистик давлатларга етиб олиши зарур эди. Бунинг учун мамлакатнинг табиий бойлиқларини ўзлаштириш, саноат гигантларини барпо этиш сингари қатор оламшумул муаммоларни ҳал қилиш зарур эди.

Тарих шу ўта машаққатли вазифани бажаришни Сталиннинг зиммасига юклади. Сиёсат оламида Троцкий, Бухарин, Риков,

Каменев, Зиновьев сингари истеъдодли давлат ва партия арбоблари бор бўлган бир пайтда Лениндан кейин большевиклар партиясининг олий органига раҳбарлик қилган Сталиннинг бу вазифаларни муваффақият билан бажариши осон эмас эди. У ўз зиммасидаги тарихий вазифани бажариш учун, биринчидан, атрофига ўзига содиқ кишиларни тўплашга, иккинчидан, партия ва давлат органларидаги муҳолиф кучларга қарши шафқатсизлик билан курашишга, учинчидан, ўзининг якка ҳокимлигини ўрнатишга онгли равишда ва муайян режа асосида киришди. Шу курашнинг сўнгги натижаларидан бири ўлароқ 1937 йилнинг 23 февраль – 5 март кунларида Москвада ВКП(б) МКнинг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда “хорижий разведка органларига ёлланиб ишлаётган зараркуналлар, диверсантлар, жосуслар, қотиллар” Совет давлатининг асосий душманлари деб эълон қилинди. Сталин 1927 йилда бўлиб ўтган партиявий мунозара яқунларига асосланган ҳолда, ҳатто “душманлар”нинг аниқ сонини ҳам айтишдан тоймади: улар, дохий назарида, троцкийчи, зиновьевчи ва бўлак тоифаларга мансуб 30 минг киши эди. Пленум тугартугамас, шу душманларни ҳибсга олиш ишлари авж олиб кетди. 1937 йил 14–29 май кунларида М.Н.Тухачевский, И.Э.Якирь, И.П.Уборевич сингари атоқли қўмондонлар қамоққа олинди. Орадан тўрт ой ўтгач, 1937 йил 2 июлда Сиёсий бюронинг “Советларга қарши унсурлар ҳақида” қарори эълон қилинди. Шу қарор асосида она юртларига қайтиб келган барча “қулоқлар” рўйхатга олиниб, уларнинг аксари “учлик”лар қарори билан отиб ташланди. 1938 йил март ойининг биринчи ярмида эса “советларга қарши ўнг троцкийчи блок” устидан шармандали суд жараёни ўтказилиб, Н.И.Бухарин, А.И.Риков, Г.Г.Ягода, Н.Н.Крестинский, Х.Г.Раковский, А.П.Розенгольц, В.И.Иванов, М.А.Чернов, Г.Ф.Гринько, И.А.Зеленский, С.А.Бессонов, А.И.Кромов, Ф.Хўжаев, В.Ф.Шарангович, П.Т.Зубарев, П.П.Буланов, А.Г.Левин, Д.Д.Плетнев, И.Н.Казаков, В.А.Максимов-Диковский, П.П.Крючковларга “халқ душмани” ва “Ватан хоини” деган айблар қўйилиб, отиб ташланди. Бу, Сталин томонидан ҳокимият учун олиб борилаган курашнинг 30-йиллардаги авж нуқтаси эди. Тарихчилар томонидан “сиёсий спектакль” сифатида баҳоланган бу суд жараёни Сталиннинг ўз рақибларига қарши курашда ҳар қандай разил ишлардан ҳам қайтмаслигини намоён қилди.

Мазкур суд жараёнининг фожиали оқибатлари фақат 21 кишининг отиб ташлангани билангина тугамайди. Сталин шу 21 кишини уруғ-аймоғи-ю сафдошлари-ю таниш-билишлари билан бирга батамом қириб ташлади. Чунончи, Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаевнинг бирорта яқин қариндоши тирик қолмади. Ҳатто кекса онаси ҳам Сибирь азобгоҳларида вафот этиб кетди. Акмал Икромовнинг “халқ душмани” деб эълон қилиниши билан Ўзбекистон партия Марказкомининг қарийб барча аъзолари, вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотларининг котиблари қамоққа олинди. Биргина Жомбой тумани партия ташкилоти котиби Зиё Ўмасбоевнинг орқасидан шу тумандаги у билан салом-алиқда бўлган 56 киши қатагон жабрини тортди. Агар Акмал Икромов туфайли биргина тумандан 56 киши қатагон қилинган бўлса, бутун республикамиздан А.Икромов ва Ф.Хўжаев туфайли қанча бегуноҳ кишилар қатл этилган ёки борса-келмас жойларга сургун қилинганикин?!

Кўрамизки, ҳокимият учун кураш баҳонасида Сталин ўзини сиёсий рақибларинигина эмас, балки уларни оила аъзолари ва хизматдошларини ҳам қириб юборди.

Шундай қилиб, 1937–1938 йиллардаги қатагон оммавий қирғинга – “Катта қирғин” га айланиб кетди.

Юқорида айгиб ўтилганидек, капитализм қуршовида яшаётган Совет давлати ўзини-ўзи ҳимоя қилиши учун мудофаа қудратини ошириши, оғир саноатни ривожлантириши, замонавий танклар, замбараклар, самолётларни ишлаб чиқариши, ҳарбий кадрларни тайёрлаши, бунинг учун эса, биринчи навбатда сув ва темир йўл транспортини ривожлантириши, электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиши, Сибирь кенгликларида фойдаланилмай ётган конларни ишга тушириши лозим эди. 30-йилларнинг бошларида ГПУ-ОГПУ органлари томонидан қамоққа олинган зараркунадалар, безорилар, “қулоқлар”, қотиллар армияси, Сталин назарида, қамоқхона ва лагерларда олаётган нон-тузини нафақат оқлаши, балки ўз меҳнати билан давлат хазиналарини бойитиши ҳам мумкин эди. Бутун фикр-зикрини шу мақсадга марказлаштирган доҳий маҳбуслар меҳнатидан фойдаланишни давлатнинг иқтисодий тангликдан чиқиб, катта суръат билан ривожланишининг гарови деб ҳисоблади. ГПУ-ОГПУ органлари унинг буйруғи асосида

нафақат зараркунандалар ва жиноятчилар, балки, ҳозирги давр ифодаси билан айтсак, диссидентлашиб бораётган кишилар ва уларнинг яқинларини ҳам қамоққа олиб, уларни Соловец оролларидаги заводлар, Москва бўсағасидаги канал қурилишлари ва бошқа жойларга юбордилар. 1937–1938 йил қурбонлари эса Колимадаги олтин, олмос ва торф конлари ҳамда ўрмонларга сафарбар қилинди. Ўта совуқ ва изгиринли жойларда фавқулодда оғир шароитда ишлаган маҳбусларнинг катта қисми очлик ва хасталиқдан мунтазам равишда вафот этиб ва улар ўрнига XX асрнинг янги қуллари мунтазам равишда келтирилиб турилади. Шу тарзда сталинча қатагон тегирмонига тушган жабр-дийдаларнинг аксари 3 ё 5, ёки 10 йиллик жазо муддатини ўтаб, оилалари бағрига қайтиш имконига умуман эга бўлмади.

Совет давлати 30-йилларнинг ўрталарига келиб, қадди-қоматини тиклаб олди: замонавий саноат корхоналари, шу жумладан, ҳарбий заводлар ишга тушди, халқ қишлоқда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобига яхши турмуш кечириш имконига эга бўлди. Лекин 1932 йили фашизмнинг Германияда бош кўтариб, Ҳитлернинг тарих сахнасига чиқиши дунёдаги геополитик вазиятни кескин ўзгартириб юборди. Фюрер бошлаган милитаристик сиёсатнинг асосий йўналиши СССРга – коммунистик жамиятни қуришга шайланган давлатга қаратилган эди. СССР катта ҳарбий салоҳиятга эга бўлган ва Европа давлатлари томонидан қўлаб-қувватланган Германия билан бўлажак муқаррар урушда мағлубиятга учраши мумкин эди. Немис қўшинлари СССРнинг ғарбий ва жанубий чегараларини ёриб, мамлакат ичкарасига босиб кирган тақдирда очлик, жамоалаштириш, “қулоқлаштириш” ва қатагончилик йилларида совет давлатидан озор чеккан аҳолининг муайян қисми душман тарафига ўтиб, большевизмга қарши курашиш эҳтимоли йўқ эмас эди. Шунинг учун ҳам Сталин 1937–1938 йиллардаги қатагоннинг заҳарли учини “бешинчи колонна”га – собиқ оқ гвардиячилар, “қулоқлар” ва совет давлатига хайрихоҳ бўлмаган унсурларга, тарихий ватанларидан бошқа жойларга мажбуран кўчирилган аҳолига қаратди.

Сўнги йилларда айрим тарихчи ва публицистлар совет давлатининг шу халқларга нисбатан олиб борган сиёсатини “миллий қатагон” атамаси билан ифодаламоқдалар. Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларнинг отиб ташлангани ва

улар орқасида ўзбек халқининг ҳаддан зиёд жабрланиб, катта талофат кўргани ҳам сталинча “миллий қатагон”нинг муҳим бир қисмини ташкил этади.

Сир эмас, Туркистон Мухторият ҳукуматини тугатиш ва “босмачилар”га қарши курашиш учун Ўзбекистонга юборилган ҳарбий қисмлар орасида отлик казак аскарлари билан арман дашноқларидан иборат отрядлар оз бўлмаган. Шу йилларда умуман Ўрта Осиёга юборилган ҳарбий қисмлар ва ҳатто уларнинг командирларида маҳаллий аҳолига нисбатан заррача меҳри муносабат бўлмаган. Аксинча, улар маҳаллий аҳолини инсон ўрнида кўрмагани ва ҳар бир туркистонликнинг қиёфасида “босмачи”ни кўргани учун қанчадан-қанча ватандошларимизни қиличдан ўтказишган. Ўртаосиёликларга нисбатан “шакланган” шундай ғайри муносабат Ички Россиядан келиб, ГПУ-ОГПУ-НКВД тизимида хизмат қилган ходимлар учун ҳам бегона эмас эди. Улар 1937–1938 йиллардаги қатагон вақтида кўпроқ маҳаллий аҳолини қамоққа олиб, қамоққа олинган маҳаллий аҳолини эса кўпроқ қийнаб, хумордан чиқишган, сиёсат олампидан тамомила беҳабар, рус тилини мутлақо билмаган, ҳатто нима учун қамалганларини ҳам англамаган юзлаб-минглаб кишиларни бекордан-бекорга ажал тегирмонига ташлаб юборишган. Бу, хорижий тарихчи ва публицистлар айтган “миллий қатагон”нинг энг даҳшатли кўринишидир.

Шу “миллий қатагон”нинг оқибати ўлароқ ўзбек халқи шу йилларда Ўрта Осиё ва Кавказдаги бошқа миллатларга нисбатан кўпроқ талофат кўрди.

Махсус адабиётларда эълон қилинган ишончли маълумотларга қараганда, 1939 йилнинг 1 январиди ГУЛАГ лагерларидаги маҳбусларнинг миллий таркиби қуйидагича бўлган:

- Руслар – 830 491 (63,05 %)
- Украинлар – 181 905 (13,81 %)
- Белоруслар – 44 475 (3,40 %)
- Татар – 24 894 (1,89 %)
- Ўзбеклар – 24 499 (1,86 %)
- Яҳудийлар – 19 758 (1,50 %)
- Немислар – 18 572 (1,41 %)
- Қозоқлар – 17 123 (1,30 %)
- Поляклар – 16 860 (1,28 %)
- Грузинлар – 11 723 (0,89 %)



Арманлар – 11 064 (0,84 %)

Туркманлар – 9 352 (0,71 %)

Бошқа миллатлар – 8,06 %

Шубҳасиз, бу жадвалда 1939 йилнинг 1 январига қадар бўлган вақтда ўзбеклардан қанча кишининг ва бошқа миллатларга нисбатан қанча фоизнинг очлик ва хасталиқдан ўлиб ёки отилиб кетгани ўз аксини топмаган. Аммо шу жадвалнинг ўзиданоқ қатагон тўқмоғи ўзбек халқининг бошига бошқа аксар миллатларга нисбатан кўпроқ тушгани маълум бўлиб турибди.

Афсуски, инсон зотининг табиатига ҳасад ва ғараз сингари иллатлар бегона эмас. Айрим одамларнинг феъл-атвори ва хатти-ҳаракатини аксар ҳолларда шу қабих иллатлар идора этиб туради. Уша даҳшатли йилларда кимдир ҳасад ва ғараз, кимдир кўрқоқлик, кимдир лоқайдик орқасида ўртоғи, қўни-қўшниси, қариндош-уруғи ёки хизматдошининг ҳибсга олиниб, маҳв этилишига ўз ҳиссасини қўшди. Бошқача айтганда, аҳоли орасидаги ҳасадгўй, ғаразгўй ёки кўрқоқ кимсалар кимнингдир попугини пасайтириб қўйиш ёки НКВД ходимлари кўзига яхши кўриниш учун номардик қилишдан, тухматнома ёзишдан ёки терговчи ёзган тухматномаларни ўз имзолари билан тасдиқлашдан ҳам тойишмаган. Улар ичидаги шайтон қатагон алангасининг янада баланд гуркираб, ҳўлу қуруқни баравар ёндириб юборишига катта имкон бўлди.

КПСС МК Президиуми, маълумки, партиянинг XVII съездида сайланган ВКП(б) МК аъзолари ва номзодларига қарши оммавий қатагон сабабларини аниқлаш мақсадида 1956 йилда махсус комиссия тузган. П.Поспелов, А.Аристов, Н.Шверник ва П.Комаровдан иборат мазкур комиссия 1956 йил 9 февралда КПСС МК Президиумига йўллаган маърузасида 1937–1938 йилларда 1 548 366 кишининг қамалгани ва улардан 681 692 кишининг отиб ташланганини аниқлаган. Комиссия олиб борган ишлар натижаси шуни кўрсатдики, “Катта қирғин” йилларида советларга қарши ташкилотлар, блоклар ва турли марказлар сунъий равишда тузилган, тергов жараёнида совет қонунчилиги НКВД терговчилари ва прокуратура органлари томонидан қўпол равишда бузилган.

“Совет қонунчилигини беҳаёларча бузишлар, бирор айби бўлмаган кишиларни оммавий равишда ҳибсга олишлар,

маҳбусларни раҳм-шафқатсизлик билан уришлар, қийнашлар ва азоб беришлар, – деб ёзилган Комиссия маърузасида, – СССР Прокуратурасининг бевосита лоқайдлиги орқасида содир бўлган. Қатор ҳолларда прокурорлар ҳатто совет қонунчилиги ва совет ҳуқуқ-тартиботи асосларини қўпол равишда бузишнинг бевосита иштирокчилари бўлганлар.

Барча фуқароларнинг НКВД органлари томонидан ҳибсга олинishi прокурор санкциясиз амалга оширилган. “Ҳеч ким суд қарори ва прокурор санкциясиз ҳибсга олинмайди”, деган Контитуция талаби ўз кучини йўқотган.

НКВД органларида у ёки бу ишнинг текширилиши амалда прокурор назоратсиз кечган. Ҳибсга олинган маҳбуслар фақат НКВД ходимлари томонидан сўроқ қилинган, прокурорлар эса одатда сўроқ вақтида қатнашмаганлар...”<sup>48</sup>

Комиссиянинг аниқлашича, 1937–1938 йиллардаги қатағонга масъул бўлган СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi ўз фаолиятида қўпол хатоларга йўл қўйган.

“Кўплаб фактлар орқали шу нарса аниқландики, – деб ёзилган Комиссия маърузасида, – СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi 1927–1938 йй.да аксилинқилобий жиноятларга оид ишларни текширишда, қонунчилик асосларини оёқости қилиб, ноқонуний ҳукмларни чиқариш йўлида турган.

1937–1938 йй.да ярамас амалиёт шаклланиб, СССР НКВДси СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasiда кўрилиши лозим бўлган ишлар бўйича терговни тугатаётиб, айбланувчиларга жазо чораларини олдиндан белгилаб берган. Шу мақсадда НКВДда ишлари Ҳарбий коллегиyада кўрилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатлари тузилган. Рўйхатларда иши судга оширилган шахсларнинг исм-шарифлари ёзилиб, уларга берилажак жазо чораларини олдиндан тавсия қилинган. Ежов тавсия қилинган жазо чораларига санкция бериш учун бу рўйхатларни шахсан ўр. Сталинга юборган. 1937–1938 йй.да ўр. Сталинга 44465 та масъул партия, совет, комсомол, ҳарбий ва хўжалик ходимларининг номлари ёзилган 383 та рўйхат юборилган...

...Ҳарбий Коллегиyада бирор ишнинг суд йўли билан текши-

<sup>48</sup> Бу ва кейинги иқтибослар қуйидаги нашрдан олинди: Реабилитация: как это было. Документы Президиума ЦК КПСС и другие материалы. Март 1953 – февраль 1956. – Москва, 2000.

рилиши умуман бўлмаган. Ҳарбий Коллегия олдиндан тавсияланган жазо чораларини бериш билан дастлабки тергов материалларини механик равишда штамплаб юрган.

Ҳарбий Коллегидаги барча “суд йиғилишлари”, ҳукм чиқариш ва эълон қилишни ҳам ҳисобга олганда, фақат 15–20 дақиқадан иборат бўлган”.

Комиссия “Катта қирғин”нинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда давом этиб, “учликлар”, НКВД комиссиялари ва СССР Прокуратураси, СССР НКВД қошидаги Махсус Кенгаш томонидан ҳибсга олинган шахсларнинг қораланиш тизимини совет қонунчилиги асосларининг оммавий равишда бузилишига сабаб бўлган тизим деб баҳолаган. Комиссиянинг аниқлашича, “социалистик қонунчиликни энг шармандали бузиш ҳолларига, ...беғуноҳ кишиларнинг ўзлари ва бошқаларга оммавий равишда тухмат қилишларига сабаб бўлган энг даҳшатли қийноқларга ВКП(б) МК номидан иш кўрган И.В.Сталин икки марта (1937 ва 1939 йй.да) санкция берган”<sup>49</sup>.

Кўрамизки, комиссия, 1937–1938 йиллардаги оммавий қирғиннинг келиб чиқиш сабабларини совет қонунчилиги асосларининг бузилиши ва шахсан Сталиннинг партия ва давлатда тутган мавқеи ҳамда эгаллаган давримини суиистеъмол қилганлигида, деган хулосага келган. Бу, шубҳасиз, бир томонлама хулоса. Негаки, агар совет давлат тузуми Сталинга чексиз-чекгарасиз имконият бермаганида, у инсоният тарихидаги шундай даҳшатли оммавий қирғинни амалга оширолмаган бўларди. 30–50-йиллардаги коммунистик партия раҳбарлик қилган совет давлат тузуми ва унинг тарғибот машинаси Сталинни илоҳийлаштириш ва унинг шахсига сифиниш компаниясини ташкил этмаганида, у чексиз имкониятга эга бўлмаган, 44465 та масъул партия, совет, комсомол, ҳарбий ва хўжалик ходимларининг номлари битилган 383 та рўйхатга имзо чекмаган бўларди. Бинобарин, айтиш мумкинки, “Катта қирғин”нинг келиб чиқишида нафақат Сталин ва НКВД, балки уни юзага келтирган сиёсий тузум ҳам айбдордир.

СССР ҳудудларида яшаган халқлар юқорида баён қилинган ва эҳтимол баён қилинмай қолган сабаблар туфайли “Катта

<sup>49</sup> Комиссия маърузасининг машинкаланган нусхаси Россия Федерациясининг қуйидаги архивида сақланади: АП РФ. Ф. 3. Оп. 24. Д. 489. Л. 23–91.

қиргин” йилларида мислсиз даражада даҳшатли фожиаларни бошдан кечирдилар. Шу нарса ажабланарлики, улар бу фожиалар, инсон зоти кўрмаган бу зулм ва хўрликлар шахсан Сталин ва у раҳбарлик қилган Совет давлати томонидан амалга оширилганига қарамай, 1941 йил июнида фашистлар Германияси СССРга ҳужум қилиши билан “Ватан учун!”, “Сталин учун!” деган шиорлар билан арслондек жангга ташландилар ва ўз ватанларини қаҳрамонона ҳимоя қилдилар.

Халқ ҳар қандай зулмга, оммавий қиргинларга қарамай, ўзининг тарих ижодкори сифатидаги тарихий ролини бажарди.



## ИДОВАЛАР

**СССР ва Ўзбекистон ССР ГПУ-ОГПУ-НКВД органларида  
1937–1938 йилларда масъул лавозимларда хизмат қилган  
шахслар**

**ЯГОДА<sup>50</sup> Генрих (Енох) Григорьевич (Гершенович)**  
(1891, Рибинск – 15.03.1938). Майда ҳунарманд оиласида  
туғилган. Яҳудий.

**Маълумоти:** 8 синф (экстерн йўли билан).

Нижний Новгороддаги яширин босмахонада ҳарф терувчи  
(1904–1905); Сормоводаги жанговар дружина аъзоси (1906);  
Нижегород анархист-коммунистлар гуруҳи аъзоси (1907–  
1908); бир йиллик қамоқдан сўнг, Москвадаги анархистлар  
билан алоқада бўлиб (1911–1912); Книшевский фамилияси  
билан Москвага яширин равишда келган ва сингlisi Роза Гер-  
шеновнинг уйида яшаган, ишламаган (04.12); ҳибсга олиниб,  
Ички ишлар министрлиги (ИИМ) Махсус кенгаши қарори  
билан 2 йилга Симбирска сургун қилинган (12.05.12–1914);  
Яков Свердловнинг жияни Ида Авербахга уйланган (1914)...  
РСДРП(б) Петроград ҳарбий ташкилоти аъзоси (1917); Моск-  
вадаги октябрь воқеалари иштирокчиси (1917); “Крестьянская  
беднота” газетаси масъул муҳаррири (11.17–04.18)...

**ВЧК-ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** ВЧК  
Махсус бўлими (ОО) бошқармасида ишлар бошқарувчиси  
(03.11.19 – 01.12.20); мазкур бошқарма бошлиғи ўринбосари  
(11.20); ВЧК коллегияси аъзоси (29.07.20 – 02.22); ВЧК-ГПУ  
ишлар бошқарувчиси (13.09.20 – 06.04.22); ...ВЧК-ОГПУ ОО  
бошлиғи ўринбосари (01.01.21 – 01.06.22); ...СССР ВЧК-ГПУ-  
ОГПУ махфий-тезкорлик бошқармаси (СОУ) бошлиғи ўринбо-  
сари (01.06.21 – 30.07.27); ...РСФСР ГПУ – СССР ОГПУ ОО  
бошлиғи (01.06.22 – 26.10.29); ...СССР ОГПУ СОУ бошлиғи  
(30.07.27 – 26.10.29); СССР ОГПУ раисининг 1-ўринбосари

<sup>50</sup> В.Ф. Некрасовнинг “Ўн уч темир нарком” (Москва, 1995. 157-б.) китобида  
берилаган маълумотга қараганда, Ягоданинг асл фамилияси Йегуда бўлган.

(27.10.29 – 31– 07.31); ...СССР ички ишлар халқ комиссари (10.07.34 – 26.09.36); СССР алоқа халқ комиссари (26.09.36 – 28.03.37).

28.03.37 да қамоққа олинган; “ўнг троцкийчи блок” устидан бўлган суд жараёнида олий жазога ҳукм қилинган. Отиб ташланган. Оқланмаган.

**Унвони:** Давлат хавфсизлиги (ГБ) генерал комиссари (26.11.35).

**Мукофотлари:** “ВЧК-ГПУ (V) фахрий ходими” (1922), “ВЧК-ГПУ (XV) фахрий ходими” (1932) нишонлари (1922), Қизил Байроқ (1930, 1932), ЗСФСР Меҳнат Қизил Байроқ (1932), Ленин (1933) орденлари;

**ЕЖОВ Николай Иванович** (1895, Петербург – 06.02.1940). Ишчи oilасида туғилган. Рус. 03.17 дан партия аъзоси. ВКП(б) МК ташкилий бюроси аъзоси (10.02.34 – 21.03.39); ВКП(б) МК қошидаги Партия назорати комитети (КПК) раиси ўринбосари (11.02.34 – 28.02.35); Коминтерн Ижрокоми Президиуми аъзоси (08.35 – 03.39); ВКП(б) МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод (12.10.37 – 21.03.39); ВКП(б) МК КПК раиси (28.02.35– 21.03.39). ВКП(б) МК котиби (01.02.35 – 21.03.39)...

**Маълумоти:** Петербургдаги бошланғич билим юртиниңг 1-синфи; ВКП(б) МК қошидаги марксизм-ленинизм курси (01.26 – 07.27).

**Меҳнат фаолияти:** Путилов заводида ишчи (1916); Ново-Петергофдаги пиёда полкида оддий аскар (1916), Двинск Ҳарбий округидаги командада ишчи-солдат; Шимолий фронтнинг 5-арт. устахонасида ишчи (1917.10.17); ...Татаристон АССР МИК Президиуми аъзоси (1921–1922); РКП(б) Кремль райкоми (Қозон), Татар обкоми тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири (04–21 – 01.22); РКП(б) Марийск обкоми масъул котиби (02.22 – 04.23); РКП(б) Семипалатинск губкоми масъул котиби (04.23 – 04.25); ВКП(б) Қирғиз обкоми ташкилий бўлими мудири (05.24 – 10.25); ВКП(б) Қозоғистон ўлка комитети масъул котиби ўринбосари, масъул котиби (12.10.25 – 07.01.26); ...СССР ер ишлари халқ комиссари ўринбосари (16.22.29 – 16.11.30); ВКП(б)нинг тозалаш бўйича Марказий комиссияси аъзоси (28.04.33 – 1934); ВКП(б) МК раҳбар партия органлари бўлими мудири (10.03.35 – 04.02.36); СССР ички ишлар

халқ комиссари (26.09.36 – 25.11.38); ...ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг суд ишлари бўйича Комиссияси аъзоси (23.01.37 – 21.03.39)...

10.04.39 да қамоққа олинган. 04.02.40 да СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси (ВКВС) олий жазога ҳукм қилган (04.02.40). Отиб ташланган. Оқланмаган.

**Унвони:** ГБ генерал комиссари (28.01.37).

**Мукофотлари:** Ленин (1937), Мўғилистон Халқ Республикасининг Қизил Байроқ (1937) орденлари.

**ГОҒЛИДЗЕ Сергей Арсеньевич (Арсентьевич)** (1901, Кутаиси губ., Корта қишлоғи – 23.12.1953). Деҳқон оиласида туғилган. Грузин.

**Маълумоти:** Қўқондаги тижорат билим юрти (1911–1915); Тошкентдаги тижорат билим юртининг 6 синфи (1915–1917); Тошкентдаги кечки ўрта мактаб (1920); Фрунзе номидаги Ҳарбий академия қошидаги олий командирлар малакасини ошириш курси (10.28 – 1929).

**Ишчи-деҳқон Қизил армияси (РККА)да:** Ашхобод ва Оренбург фронтларидаги Колузаев номли қизил гвардиячилар отрядида оддий аскар (01.18 – 05.19); Тошкентдаги Коммунистлар полкида оддий аскар (05.19 – 10.19); Туркистон fronti инқилобий-ҳарбий трибуналида иш юритувчи, комендант ёрдамчиси, инспектор (10.19 – 1920); Туркистон frontiдаги ПУР ходими (1920–06.21).

**ВЧК-ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** Туркистон ВЧК қўшинлари сиёсий котибияти бошлиғи (06.21); Қирғиз ўлкаси ВЧК 37-бригадаси ҳарбий командири (11.21 – 06.22); Хитой чегарасини қўриқлаш бўйича ВЧК қўшинлари ҳарбий командири (1922 – 06.22); ГПУ қўшинлари штаби инструктор-ташкилотчиси, Москва (06.22 – 03.23); ...ЗСФСР ички ишлар халқ комиссари (11.11.34 – 01.01.37); ...ГрузССР ички ишлар халқ комиссари (01.01.37 – 14.11.38)... УзССР ГБ министри (13–11.51–15.02.52)...

03.07.53 да қамоққа олинган. СССР Олий суди иштирокидаги Махсус судда Олий жазога ҳукм қилинган (23.12.53). Отиб ташланган. Оқланмаган.

**Унвони:** ГБ 2-ранг комиссари (1935), генерал-полковник (1945).

**Мукофотлари:** “ВЧК-ГПУ (V) фахрий ходими” нишони (1932); ЗСФСР Меҳнат Қизил Байроқ ордени (1932); Қизил Байроқ (1936, 1940, 1944, 1950), Ленин (1937, 1945), Меҳнат Қизил Байроқ (1942), Қизил Юлдуз (1944) орденлари ва 4 медаль.

**КОБУЛОВ Амаяк Захарович (Захарьевич)** (1906, Тифлис – 25.02.1955). Тикувчи оиласида туғилган. (Б.З.Кобуловнинг укаси) Арман.

**Маълумоти:** Тифлисидаги савдо мактабининг 5 синфи (1913–1916); Цекавшири (Центросоюз) қошидаги матлубот курси (02–25–06.25); Закавказье Коммунистлар университети қошидаги матлубот курси (12.25 – 06–26).

Меҳнат фаолиятини Акстафа бекатидаги РККАнинг 237-этап участкасида оддий аскар сифатида бошлаган.

**ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** ГрузССР ГПУ Молия бўлимида ҳисобчи (09.27 – 1928); ЗСФСР бўйича ОГПУ ва ГрузССР бўйича ГПУнинг Молия бўлимида бухгалтер ёрдамчиси, бухгалтер (1928–1929); ...ГрузССР НКВД Давлат хавфсизлиги бошқармаси (УГБ) 4-бўлими 3-бўлимаси бошлиғи (17.01.37 – 07.03.37); ...Абхазия АССР ички ишлар халқ комиссари в.б. (10.38.– 12.38); УССР ички ишлар халқ комиссарининг 1-ўринбосари (07.12.38 – 02.09.39); ...ЎзССР ГБ халқ комиссари (20.07.41 – 31.07.41); ЎзССР ички ишлар халқ комиссари (31.07.41 – 18.01.45)...

27.06.53 да қамоққа олинган. 01.10.54 да СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган. Отиб ташланган. Оқланмаган.

**Унвони:** ГБ лейтенанти (1936, ГБ катта лейтенанти (1938), ГБ майори (1938), ГБ катта майори (1941), ГБ 3-ранг комиссари (1943), генерал-лейтенант (1945).

**Мукофотлари:** “ВЧК-ГПУ (V) фахрий ходими” нишони (1937); Қизил Байроқ (07.1944, 09.44), “Қизил Юлдуз” (11.44), 2-даражали Кутузов (07.44) орденлари, “МВДда хизмат кўратган ходим” нишони (1948), 2 та Қизил Байроқ ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари.

**БЕЛЬСКИЙ (Левин) Лев (Абрам) Николаевич (Михайлович)** (1889, Минск губерниясидаги Мир қишлоғи – 16.10.1941). Транспорт контораси хизматчиси оиласида туғилган. Яхудий.



**Маълумоти:** Вилан ўқув округида хонаки ўқитувчи ва аптекачига шогирд бўлиш учун экстерн йўли билан имтиҳонлар топширган (1908).

Меҳнат фаолиятини Варшавадаги Зильберблат фабрикаси конторасида ўқувчи-бола сифатида бошлаган (1903–1907); Вильно шаҳрида хусусий йўл билан дарс берган (1907–1908); Мир қишлоғидаги аптекада фармацевт бўлиб ишлаган (1909–1910).

Ригадаги 29-арт. бригадада оддий аскар (01.11 – 10.16)...

**ВЧК-ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** Сибирск губ.даги ЧК раиси (04.18 – 07.19). Шарқий ва Жанубий фронтларда хизмат қилган; Махсус бўлим (ОО)қошидаги 8-армия бошлиғи (09.19 – 09.20); Астрахань губ.даги ЧК ОО бошлиғи (04.20 – 1920); Астрахан губ. ЧК раиси (04.20 – 02.21); ...ВЧКнинг Узоқ Шарқдаги мухтор вакили (10.21 – 02.22); ГПУнинг Узоқ Шарқдаги мухтор вакили (03.02.22 – 26.20.23); ГПУ-ОГПУнинг Туркистон, Ўрта Осиёдаги мухтор вакили (15.11.23 – 17.02.30); ОГПУнинг Москва вилояти бўйича мухтор вакили (17.02.30 – 08.08.31)...

30.06.39 да қамоққа олинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазога ҳукм қилинган (05.07.41). Отиб ташланган. Оқланмаган.

**Унвони:** ГБ 2-ранг комиссари (26.11.35).

**Мукофотлари:** Қизил Байроқ (1921, 1927), ЎзССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ (27.12.27), Ленин (1937) орденлари ва “ВЧК-ГПУ (V) фахрий ходими” нишони.

**БОКИЙ Глеб Иванович** (1879, Тифлис – 15.11.1937, Москва). Ўқитувчи оиласида туғилган. Украин.

**Маълумоти:** реал билим юрти; Петербург тоғ институти (1896).

Талабаларнинг яширин тўғарақларида иштирок этган. 1897 й.да “Ишчи синфини озод қилиш иттифоқи”га аъзо бўлиб кирган. РСДРП Петербург комитети аъзоси (1904–1909)... 12 марта ҳибсга олинган, 2 марта сургун қилинган...

**ВЧК-ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** Шимолий вилоят коммуна союзи ва Петроград ЧКси раиси ўринбосари, раиси (13.03.18 – 11.18); РСФСР НКВД коллегияси аъзоси (21.11.18 – 1919); ...Шарқий фронт ВЧК ОО раиси (1919

– 09.19); Туркистон fronti ВЧК ОО раиси (09.19. – 08.20); ВЧК коллегияси аъзоси (12.07.21 – 02.22); ВЧК Президиуми қошидаги махсус бўлим мудирини ( 28.01.21 – 02.22); ВЧК-ГПУ– СССР ОГПУ қошидаги махсус бўлим мудирини (28.01.21 – 10.07.34); ...СССР Олий суди аъзоси (? –16.05.37); СССР НКВД Давлат хавфсизлиги бош бошқармаси (ГУГБ) махсус бўлими бошлиғи (10.07.34 – 25.12.36)...

16.05.37 й.да қамоққа олинган. СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазога ҳукм қилинган (15.11.37). Отиб ташланган. Ҳукм бекор қилиниб, оқланган (27.06.56).

**Унвони:** ГБ 3-ранг комиссари (1935).

**Мукофотлари:** Қизил Байроқ ордени (1923), “ВЧК-ГПУ (V) фахрий ходими” ва “ВЧК-ГПУ (XV) фахрий ходими” нишонлари (1932).

**ВРЖЕЖЕВСКИЙ** Евгений Федорович (1900, Самара губ. – 7). Экспедитор оиласида туғилган. Рус.

**Маълумоти:** Самарадаги мактабнинг 3-синфи (1912); шаҳар билим юртининг 1-синфи.

Меҳнат фаолиятини Самара-Затоуст темир йўлидаги хўжалик хизмати бошқармасида контора ходими сифатида бошлаган (08.18 – 07.19); Самара губернияси ЧКси қошидаги 27-алоҳида батальоннинг оддий хат ташувчиси (08.19 – 01.20); ВЧК кўшинларида оддий аскар (08.19 – 05.21)...

**ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** Приволжск ҳарбий округи ГПУ ОО қошидаги бўлинма вакили (03.22 – 03.25); ГПУ Тожикистон вилоят бўлими қошидаги аксилинчилобчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи (03.25 – 06.30); ...ОГПУшЎрта Осиё бўйича Доимий ваколатхонасининг катта вакили (03.30 – 09.30); ГПУ Жанубий-қирғиз тезкорлик сектори бошлиғи ўринбосари (09.30 – 12.31); ОГПУ Ўрта Осиё бўйича Доимий ваколатхонасининг махсус топшириқлар бўйича ходими (01.32 – 04.34); ГПУ-НКВД Наманган тезкорлик сектори бошлиғи ўринбосари (04.34 – 1937); Қорақалпоғистон АССР ички ишлар халқ комиссари вазифасини вақтинча бажарувчи (05.38 – 27.03.39).

НКВДдан ҳайдалган (09.15.39).

**Унвони:** ГБ катта лейтенанти (1936).

**Мукофоти:** ТожССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени (07.12.30).

**ВЕЙГАЗЕР Сигизмунд Михайлович** (1902, Рига – 09.05.1938, Москва). Хунарманд-заргар оиласида туғилган. Яҳудий.

**Маълумоти:** Петрограддаги Юргенсон гимназиясининг 6-синфи (1919).

Меҳнат фаолиятини Гдовск уездида дизертирликка қарши кураш комитетида комиссар, раис сифатида бошлаган (01.20 – 08.20); Петроград губерниясидаги дизертирликка қарши кураш комитетида ҳарбий терговчи (08.20 – 10.20).

**ВЧК-ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** Гдовск шаҳридаги 8-махсус чегара бўлинмаси вакили (05.21 – 11.21); Петроград ЧКси катта вакили (11.21 – 03.22); ГПУ Доимий ваколатхонасининг Петроград ҳарбий округи бўйича катта вакили (03.22 – 02.23); ...Бухородаги 11-отлиқ аскарлар дивизияси махсус бўлими бошлиғи (08.23 – 11.24); Гомелдаги 8-отлиқ аскарлар дивизияси махсус бўлими бошлиғи (11.24 – 15.12.24); ГПУ Тоғли-Бадахшон вилоят бўлими махсус бўлимининг бошлиғи (7 – 15.08.27); СССР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг Андижондаги агенти (01.28 – 08.28); СССРнинг Мозори Шариф (Афғонистон) даги бош консули (08.28 – 12.29); ...ОГПУ Доимий ваколатхонаси иқтисодий бўлимининг Қозоғистондаги бошлиғи (20.06.33 – 10.07.34; НКВДнинг Қозоғистон АССРдаги Давлат хавфсизлиги бошқармаси иқтисодий бўлими бошлиғи, бошлиғи ўринбосари (10.07.34 – 25.07.36) ...

21.11.37 й.да “инглиз ва немис жосуси” сифатида қамоққа олинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазога ҳукм қилинган (09.05.38). Отиб ташланган. Оқланмаган.

**Унвони:** ГБ капитани.

**Мукофотлари:** БССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени (1932), “ВЧК-ГПУ (V) фахрий ходими” нишони.

**ДИМЕНТМАН Михаил Иосифович (Осипович)** (1903, Тула – 27.07.1941). Тикувчи оиласида туғилган. Яҳудий.

**Маълумоти:** Астраҳандаги диний билим юрти (1914–1915).

Меҳнат фаолиятини ака-ука Солдатовларнинг Астраҳандаги балиқчилик хўжалигида шогирдликдан бошлаган (05.16 – 01.18); Астраҳань губернияси озиқ-овқат комитетида ҳисобчи (01.18 – 07.18); РКСМ Астраҳань губкоми ташкилий бўлими мудирини ўринбосари, Астраҳань РКСМ шаҳар-район котиби (07.18 – 08.20).

**ВЧК-ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** Красноводскдаги 1-армия махсус бўлими вакили (08.20 – 12.21); Туркманистон вилоят ЧКси махфий бўлими бошлиғи (12.21 – 03.22); ГПУ Туркманистон вилоят бўлими махфий бўлими бошлиғи (03.22 – 05.25); ...Туркистон ОГПУ Доимий ваколатхонаси махфий бўлими вакили (07.23 – 08.23); ...ОГПУнинг Красноводскдаги чегара отряди бошлиғи (02.24 – 09.24); ...ОГПУ 47-Ўзбек чегара отряди чегара участкаси комендантлари (05.10.27 – 10.07.28); ОГПУ Сурхондарё алоҳида чегара комендатураси комендантлари (10.07.28 – 01.14.29); ГПУ Сурхондарё округ бўлими бошлиғи (18.06.30 – 01.10.30); Тоғли-ўқчи дивизия махсус бўлими бошлиғи (18.06.30 – 13.03.31); ГПУ Термиз тезкорлик сектори бошлиғи (13.01.31 – 02.31); ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Доимий ваколатхонаси Махсус бўлими бўлинмаси бошлиғи, махсус бўлим бошлиғи ёрдамчиси, махсус бўлим бошлиғи ўринбосари (02.31 – 10.07.34); ОГПУнинг Ўрта Осиё Ҳарбий округидаги махсус бўлими бошлиғи ўринбосари (14.02.34 – 10.07.34); НКВД Давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси (ГУГБ)нинг Ўрта Осиё Ҳарбий округидаги бошлиғи ўринбосари (10.07.34 – 04.11.34); ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлиги бошқармаси (УГБ) махсус бўлими бошлиғи (04.11.34 – 12.34); НКВД ГУГБнинг Ўрта Осиё Ҳарбий округидаги махсус бўлими бошлиғи ўринбосари (09.11.34 – 09.02.35); ЎзССР НКВД УГБ махсус бўлими бошлиғи ўринбосари (12.34 – 09.02.35); УНКВД ГУГБнинг Саратов ўлкасидаги махсус бўлими бошлиғи (09.02.35 – 14.12.36)...

25.07.38 й.да қамоққа олинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазога ҳукм қилинган (07.07.41). Отиб ташланган. Оқланмаган.

**Унвони:** ДХ капитани.

**Мукофотлари:** ЎзССР Меҳнат Қизил байроқ ордени (1930), “ВЧК-ГПУ (XV) фахрий ходими” нишони (1932), Қизил Юлдуз ордени (1938).

**ЗЕДИН Карл Карлович** (1898, Лифлянд губерняси – 1966, Рига). Дехқон оиласида туғилган. Латин.

**Маълумоти:** Валки шаҳридаги реал билим юртининг 6-синфи (1916); Петрограддаги Савдо флотининг билим юрти (1916–1917); Рибинскдаги Савдо флотининг билим юрти (1917–1918).

Меҳнат фаолиятини Петроградда милиционерлик билан бошлаган (1918).

**ВЧК-ОГПУ-НКВД органлардаги фаолияти:** 15-армия МБ инспектори, комендант (03.20 – 12.20); ...Семиречье автоном вилояти ЧКси бошлиғи (12.20 – 1921); Семиречье вилояти ЧК махфий-тезкорлик бўлими бошлиғи (1921–03.22); Семиречье вилояти ГПУ махфий-тезкорлик бўлими бошлиғи (03.22–1913); Амударё вилояти ГПУ бўлими бошлиғи (01.08.23 – 08.24); ЎзССР ГПУ умумий-маъмурий бўлими бошлиғи (0.8.24 – 03.27); Самарқанд вилаяти ГПУ бўлими бошлиғи (08.24 – 03.27); ЎзССР ГПУ Шарқ бўлими бошлиғи (? – 03.27); ...Татаристон АССР ички ишлар халқ комиссари ўринбосари (16.02.37 – 10.37)...

НКВД органларидан ҳайдалган (05.38). Аммо 11.41 й.дан бошлаб НКВД меҳнат-тузатув лагерлари, конлар ва бошқа жойларида 02.52 й.га қадар хизмат қилган.

**Унвони:** ДХ капитани.

**Мукофотлари:** “ВЧК-ГПУ (V) фахрий ходими” (1929), “ВЧК-ГПУ (XV) фахрий ходими” (1932) нишонлари.

**ДОМБРОВСКИЙ Вячеслав Ромуальдович** (1895, Лифляндия губерняси – 28.10.37, Москва). Сургун қилинган врач-эсер оиласида туғилган. Поляк.

**Маълумоти:** Красноярскдаги гимназия (1906–1912); Томск университети юридик факультетининг 4-курси (1912–1916); Иркутскдаги ҳарбий билим юрти (1916–1917).

Тошкентдаги 1-Сибирь полкида прапоршик бўлиб хизмат қилган. Тошкентдаги 737-дружина полке комитети раиси (03.17 – 10.17); ...Термиздаги гарнизонда ҳарбий командир, бошлиқ ва крепость комендант (12.17 – 01.19); Термиз ва Карки шаҳарларидаги чегара кўриқчиларини алмаштириш учун тузилаётган кўшинлар бўйича Тошкент совети аъзоси (1918–01.19); Туркистон ўлка РКП(б) котиби (06.03–20)...

**ВЧК-ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** Туркистон ЧКси раиси (03.05.20 – 05.03.21); Ярославль губерня ЧКси раиси (06.04 21 – 12.21)...

05.09.37 й.да қамоққа олинган. Алоҳида тартибда олий жазога ҳукм қилинган. Отиб ташланган. 02.06.56 й.да ҳукм бекор қилиниб, оқланган.

**Унвони:** ДХ катта майори.

**Мукофотлари:** Қизил юлдуз ордени (1927), “ВЧК-ГПУ (V) фахрий ходими”, “ВЧК-ГПУ (XV) фахрий ходими” нишонлари (1932).

**КАПЛАН Давид Яковлевич** (1900, Чоржўй – ?). Савдогар оиасида туғилган. Яҳудий.

**Маълумоти:** Чоржўйдаги гимназиянинг 6 синфи (1917), Тошкентдаги совет-партия мактаби (12.19 – 1920), Фрунзе номидаги Ҳарбий академия қошидаги тезкор курс (1943).

**Меҳнат фаолияти:** шаҳар ижрокомининг Чоржўй бўлими ва РКП(б) шаҳар комитети котиби (10.17 – 08.18); Тўрткўлдаги РККА экспедиция отряди адъютанти (08.18 11.18); Чоржўй ЧКси котиби, Закаспий фронт судининг жамоатчилик асосидаги айбловчиси (11.18 – 05.19); Мураев экспедиция отряди адъютанти, Термиз ЧКси раиси (05.19 – 08.19); Закаспий fronti сиёсий бўлимининг масъул инспектори, Ашхобод (09.19 – 12.19); Туркистон fronti маданий-оқартув поезде бошлиги (1920–06.20).

**ВЧК-ОГПУ-НКВД органларидаги фаолияти:** Туркистон ЧКси тезкорлик бўлими бошлиги (06.20 – ?); Туркистон ЧКси бошқармаси бошлиги (? 09.21); Ярослав губерняси ЧКси махфий-тезкорлик бўлими бошлигининг ёрдамчиси (09.21 – 02.22)...

29.07.38 й.да НКВД органларидан ҳайдалган. 1942–1944 йилларда Тошкент шаҳар картография бюроси, шаҳар ижроия комитети ва бошқа муассасаларда ишлаган. Сўнгра нафақага чиқиб, Москвада яшаган.

**Унвони:** ДХ капитани (1936), подполковник.

**Мукофотлари:** 2 медаль.

**МАСЛЕННИКОВ Иван Иванович** (1900, Саратов губерняси – 16.04.54, Москва). Ишчи оиласида туғилган. Рус. Совет Иттифоқи Қахрамони.

